

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК 811.512.133'373.7**

ЖАББАРОВА АНОРА ЖАВЛИЕВНА

**АНТРОПОЦЕНТРИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ
ЛИНГВОПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Маматов Абдугафур Эшонкулович
филология фанлари доктори, профессор**

Жиззах – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ФРАЗЕОЛОГИЯ ЛИНГВИСТИК ФАН СИФАТИДА	15
1.1. § Фразеологиянинг лингвистик шаклланиш асослари	15
1.2. § Фразеологик бирликлар вариацияси	26
1.3. § Фразеологик бирликлар синонимияси ва антонимияси	34
1.4. § Концепт ва концептуаллашув тушунчаси	40
Боб бўйича хулосалар	45
II БОБ. АНТРОПОЦЕНТРИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ЭМОЦИОНАЛ-ЭКСПРЕССИВ КОНЦЕПТ ТАДҚИҚИ	47
2.1. § Эмотив-экспрессивликнинг лингвистик асослари	47
2.2. § Ҳиссий-эмоционал олам концептларининг тадқиқи	56
2.2.1. Қувонч, бахт эмоционал концептли фразео-семантик модел	59
2.2.2. Ҳайратланиш эмоционал концептли фразео-семантик модел	67
2.2.3. Хавотир, ҳаяжон эмоционал концептли фразео-семантик модел	71
2.2.4. Қўрқув эмоционал концептли фразео-семантик модел	73
2.2.5. Масхара, нафратланиш эмоционал концептли фразео-семантик модел	76
2.2.6. Ғазаб концептли эмоционал фразео-семантик модел	79
2.2.7. Таҳдид, лаънат концептли эмоционал фразео-семантик модел	87
2.2.8. Хижолат ва уят концептли эмоционал фразео-семантик модел	90
2.2.9. Азобланиш қайғу концептли эмоционал фразео-семантик модел	91
Боб бўйича хулосалар	97
III БОБ. БАҲО-МУНОСАБАТ ИФОДАЛОВЧИ АНТРОПОЦЕНТРИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ЭМОЦИОНАЛ КОНЦЕПТ ТАДҚИҚИ	99
3.1. § Инсоннинг ижобий фазилатларини ифодаловчи эмоционал-баҳо концептли фразео-семантик моделлар	99
3.1.1. Самимийлик концептли фразео-семантик модел	102

3.1.2. Ўзини тута билиш, кўрқмаслик, жасоратлилик концептли фразео-семантик модел.....	106
3.1.3. Ҳалоллик, садоқат, садоқатлилик концептли фразео-семантик модел.....	109
3.1.4. Ақл-заковатлилик, сабр-тоқатлилик концептли фразео-семантик модел.....	112
3.2. § Инсоннинг салбий хусусиятларини баҳоловчи фразеологик бирликлар.....	116
3.2.1. Ҳийла-найранг, айёрлик ва иккиюзламачилик концептли фразео-семантик модел.....	117
3.2.2. Кибр, ўзига бино қўйиш концептли фразео-семантик модел.....	121
3.2.3. Дангасалик, ҳаракатсизлик концептли фразео-семантик модел.....	123
3.2.4. Кўп гапириш, эзмаликни ифодаловчи эмоционал баҳо концептли фразео-семантик модел.....	124
Боб бўйича хулосалар	127
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	129
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	132

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил бирликлари лексик, семантик ва грамматик жараёнларда, шу билан бирга, инсон тафаккури ва психологияси, муайян миллат маданияти ва урф-одатлари муносабатида тил ҳодисаларини тадқиқ этиш маданий тилшунослик, этнолингвистика, психоллингвистика, когнитив тилшунослик каби билимлар доирасида амалга оширилмоқда. Тил илмида антропоцентрик йўналишлар доирасида намоён бўладиган ва нутқ жараёнида фаоллашадиган коннотатив, денотатив ҳамда когнитив моҳиятни намоён этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Инсоннинг эмотив-ҳиссиётларини тавсифловчи фразеологик бирликларнинг структуравий ва семантик хусусиятлари, миллий-маданий манзарасини тадқиқ этиш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Дунё тилшунослигида фразеологик бирликлар нутқий мулоқотнинг психологик, когнитив-семантик ва лингвопрагматик жиҳатларини намоён этадиган кўп қиррали ва кўп қатламли миллий-ментал тузилма сифатида тадқиқ этилмоқда. Фразеологик бирликлар муайян тил вакилларининг маданияти, ҳаёт тарзи, урф-одат ва дунёқарашининг ўзига хос хусусиятларини ифода этиб, олам лисоний манзарасининг лингвомаданий инъикоси сифатида уларнинг функционал-семантик хусусиятларини семантик майдон нуқтаи назаридан илмий тадқиқ этиш долзарбдир. Демак тил бирликларига, хусусан, фразеологик бирликларга лингвопрагматик аспектда ёндашилганда, уларнинг моҳияти тўлароқ намоён бўлади.

Янги Ўзбекистон (ренессанс) даврида ижтимоий, иқтисодий, илмий, дипломатик каби барча жабҳаларда ўзбек тилининг эркин ривожланиши учун ҳуқуқий асослар ва амалий шароитлар яратилди. Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром

ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз¹, бинобарин, янги тараққиёт йўлидан боришда тилимизнинг маънавий меросларини тўплаш, инсон фаолияти ва фазилатларини тавсифловчи фразеологик бирликларни лингвопрагматик ва лингвокультурологик тадқиқ этиш ғоят муҳим вазифадир. Бу борада фразеологик бирликларни антропоцентризм нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, инсоннинг ҳис-туйғулари, эмотив-ҳиссиётлари сингари хусусиятларни тавсифловчи фразеологик бирликларни лингвокультурологик ўрганиш долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинишининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сон Қарори.Lex.uz

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида фразеологик бирликларнинг лексик-грамматик, лексик-семантик, функционал-семантик хусусиятлари борасида салмоқли ишлар XX асрларда бошланган. Илк тадқиқотлар В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби тилшунослари Ю.С.Степанов, А.Д.Арутюнова, В.В.Воробьёв, Н.Ф.Алефиренко, В.М.Шаклеин, В.А.Масловлар томонидан олиб борилган изланишлар² билан боғлиқ равишда пайдо бўлган.

Ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликлар назарий, структурал-грамматик, семантик-услубий, функционал-прагматик жиҳатдан тадқиқ этилди: илмий-тадқиқот ишлари³, илмий мақолалар ва ўқув қўлланмалар⁴,

² Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. – Москва, Школа. «Языки русской культуры».– Т., 1996.С.-286; Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие –Москва, Наука. – Т., 2010. –С.21.; Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –Москва, Изд. Центр «Академия». – Т.,2001. – С.208.; Шаклеин В.М. Лингвокультурология. Традиции и инновации. Монография –Москва, Флинта. – Т.,2012. – С.301.; Воробьёв В.В. Лингвокультурология: теория и методы. Монография. –М.:Изд.РУДН. – Т.,2008. – С.240.

³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 1966. –Б.56; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 1993. –Б.57; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 2000. –Б.56. Рўзикулова М. Ўзбек тилида идиомалар: Филол. фан. ном. дис... автореф. – Т.,1966. –Б.55; Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дис. ... канд.филол.наук. – Т., 1976. –Б. 51; Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолипни фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол.фан.ном. дис. ... автореф. – Т., 1994. – Б.57; Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол.фан.ном. дис. ...автореф. – Т., 1998. – Б.54; Исқандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (*шахс микромайдони*): Филол.фан.ном. дис. ... автореф. – Т., 1999. - Б.56; Бозорбоев К. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол.фан.ном.дисс...автореф. – Самарқанд,2000. – Б.52; Абдуллаев Ш. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (*Т.Қайишбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида*): Филол.фан.ном. дисс...автореф. – Т., 2006. –Б.55; Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол.фан. ном.дисс...автореф. – Т., 2008. – Б.53; Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 2009. - Б.127; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (*кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида*): Филол.фан.фалсафа док. (PhD) дисс...автореф. - Самарқанд, 2018. – Б.51 ва бошқалар.

⁴ Маматов А. Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари. – Т.: Наврўз, 1996. – 54 б.; Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Т.: Фан, 1970. – 60 б.; Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. – Самарқанд, СамДУ нашри, 2002. – 37 б.; Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. – Т.: Фан ва техника, 1991. –120 б.; Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. – Т.: Фан, 2013. – 123 б.; Шомақсудов Ш., Долимов С. Қайроқи сўзлар : (халқ иборалари) / [Нашрга тайёрловчи Д.А.Шораҳмедов]. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. –223 б.; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан, 1985. –200 б.; Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. - Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 108 б.; Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. -Тошкент, 1991. – 274 б.; Раҳматуллаев Ш. Фразеология // Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т., 1957. –152-182 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили феъл фраземаларнинг боғлашуви. – Т., 1992. -Б.126; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (фразеологик бирликларда полисемия,синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик). – Т.: Фан, 1966. – Б.264; Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек тилининг фразеологик стилистикаси. – Т.: Наврўз, 2016. – Б.198; Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси. Библиографик кўрсаткич. – Т.: Наврўз, 2016. –48 б. Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши. НДА. Самарқанд, 2002, -11 б. Жўраева Б. Ибора ва мақолда идиомалашув // Ўзбек тили ва адабиёти, 2010, 6-сон, -

фразеологик луғатлар яратилди⁵. Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, Б.Йўлдошев, А.Маматов, Ш.Усмонова, Б.Жўраева, Ш.Алмаматова, М.Вафоева, У.Рашидова, Б.Болтаева, Ш.Ганиева, Ш.Махмараимова, З.Жумаева каби ўзбек тилшуносларининг тадқиқотларида фразеологик бирликларнинг лексик-грамматик, функционал-семантик хусусиятлари тадқиқ этилди.

Ш.Махмараимованинг “Ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тадқиқи (номинатив аспект)” мавзусидаги докторлик ишида метафоранинг антропоцентрик табиатига баҳо бериш, уни билишнинг алоҳида усули, оламни категорияловчи муҳим лингвокогнитив феномен экани ёритилган. Д.Худойберганованинг “Матннинг антропоцентрик тадқиқи” номли монографияси ўзбек тилидаги матнларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган⁶. Ш.Усмонованинг “Лингвокультурология” дарслигида тил ва маданият, лингвокультурологиянинг асосий мақсад ва вазифалари, йўналишлари, методлари, лингвомаданий бирликлар таҳлили, турли лингвомаданиятлардаги рамз ва стереотипларнинг қиёси, маданиятнинг тилдаги ўрни каби масалалар ёритилган⁷. А.Маматовнинг “Ўзбек тили фразеологияси” ўқув қўлланмасида фразеологик бирликларни ўқитишнинг лингвомаданий ва дидактик аҳамияти ҳақидаги тушунчалар изоҳланган⁸. Ушбу тадқиқотлар ўзбек фразеологиясининг баҳсли ва мунозарали

109 б.. Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили. НДА. – Т., 2008. –4-18 б. Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. НДА. – Т., 2009. –20 б. Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси (библиографик кўрсаткич) – Т., - 2016, –190 б. Маматов А., Очилов Д. Фраземик моделлар таҳлили // Стилистика ва прагматика (илмий конференция материаллари). 1-қисм. Самарқанд: СамДУ, 2010.-112-115 б.; Очилов Д. Фраземик моделлар таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011, 2-сон,-84-86 б.; Рашидова У.Фразеологияда лисоний моделлаш муаммолари (соматик фразеологизмлар мисолида) // Хорижий филология (тил, адабиёт, таълим), 2011, 4-сон, 54-59 б.; Ганиева Ш. Фразеологизмларни моделлаштириш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011,5-сон. –111-113 б. ва бошқалар.

⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992,-Б.375.; Содикова М. Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати. – Т.,1994,-Б.228.; Йўлдошев Б.,Бозорбоев К. Ўзбек тилининг фразеологик луғати (сўзлик). – Т.,1998,-Б.327.; Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Т., 2013,-Б.278.; Маҳмудов Н., Одилов Ё. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. – Т., 2014,-Б.298. ва бошқалар.

⁶Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Т.: Фан, 2013. –Б.136.

⁷Усмонова Ш. Лингвокультурология. – Т., 2019. –Б.246.

⁸Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Наврўз, 2019. – Б.224.

жиҳатларига аниқлик киритилишига, бинобарин, бу соҳада тадқиқот кўламининг кенгайишига олиб келди.

Фразеологик бирликлар ўзбек тилида структуравий ва семантик жиҳатдан етарлича ўрганилган бўлишига қарамай, инсоннинг хусусиятларини тавсифловчи бундай бирликлар, уларнинг лингвокультурологик жиҳатлари махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунинг монографик планда ўрганишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 1-сон “Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари” (2018-2020 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида олам лингвистик манзарасининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи антропоцентрик фразеологик бирликларнинг семантик, лингвопрагматик, лингвокультурологик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XXI аср тилшунослигида фразеологик бирликларнинг асосий тушунчаларини таҳлил этиш ва уларни фразеологик парадигматикада ўрганиш, хусусан, тадқиқотчилар нуқтаи назарини тизимлаштириш, фразеологик бирликлар ташийдиган лексик, семантик, прагматик, стилистик, когнитив маъноларни баён қилиш;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг нутқда воқеланишини замонавий методологик тамойиллардан фойдаланган ҳолда умумлаштириш, инсон ташқи кўриниши ва ҳиссиётини ифодаловчи фразеологик бирликларни семантик майдондаги структур-семантик ва коммуникатив-прагматик воқеланишини тадқиқ этиш;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг концептуал танлаш шартлари, мезонлари, корпусини аниқлаш ва баён қилиш, турли образли

фразеологизмлар доирасида вариант ёки синонимик муносабатларнинг ўзига хослигини изоҳлаш;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг маъно таркибини таҳлил қилиш ва таркибий қисмларнинг тавсифини баён этиш, инсоннинг ҳиссиётлари ва ташқи қиёфасини тавсифловчи фразеологик бирликларнинг фразео-семантик гуруҳларини аниқлаш;

образли фразеологик бирликларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, фразеологик бирликлар семантикаси ва инсоннинг ташқи кўринишини ифодаловчи ибораларнинг лингвокультурологик хусусиятларини белгилаш;

антропоцентрик фразеологизмларнинг тиллараро мослик турларини белгилаш, инсон қиёфасини ифодаловчи фразеологик эквивалентларни аниқлаш, аналоглари ва лақуналари, шунингдек, уларни таржима қилишнинг мумкин бўлган усулларини изоҳлаш ҳамда антропоцентрик фразеологик бирликларнинг идеографик тавсифи, уларнинг фразеосемантик аҳамиятини тушунтириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фразеологияга оид луғатлар, паремиологик луғатлар ҳамда замонавий ўзбек бадиий ва публицистик асарларидан тўпланган антропоцентрик фразеологик бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини шахс эмотив-ҳиссиёти, ташқи кўринишининг турли жиҳатларини кўрсатадиган антропоцентрик фразеологик бирликлар идеографик тавсифи, уларнинг фразеосемантик аҳамиятини лингвопрагматик таҳлил этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, семантик, систем-структурал, лингвокультурологик қиёслаш, компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқининг маданий анъаналари, ментал хусусиятлари фразеологик бирликлар шаклланишига асос эканлиги изоҳланиб, антропоцентрик

фразеологик бирликлар қиёсий, ўхшатиш бирликлари, троплар, метафорик таққослашлар, образларга асосланган бўлиши исботланган;

инсоннинг ҳиссиёти ва ташқи қиёфасини ифода этишдаги универсал тенденциялар, маданий стереотиплар, лақналар антропоцентрик фразеологик бирликлар асосида қиёсланиб, фразеологик бирликларни англаб олиш учун умумлашган когнитив-прагматик баҳолаш тизими зарурлиги, уларнинг тилда намоён бўлиши далилланган;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари инсоннинг ички эмотив-ҳиссиёти ва ташқи кўринишини характерловчи *қувонч, қайғу, ғазаб, қўрқув, нафрат, ҳайрат, қизиқиш, ҳаяжон, ажабланиш, азоб чекиш, қаҳр, уят, камситилиш* сингари эмоционал концептли фразеологизмлар асосида батафсил семантик тавсифи яратилган;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг миқдори бошқа фразеологик бирликлардан кўра кўпчилиқни ташкил этганлиги аниқланиб, улар айнан шахснинг фаолиятини образли ифодалаш мақсадида шаклланган тил бирлиги эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари тилшунослик фанининг янги йўналишлари бўлган этнолингвистика, этнофразеология, этнолексикографияни илмий-назарий қарашлар билан бойитиш, ушбу соҳаларда янги тадқиқотлар ривожини учун ўзига хос илмий ёндашувларнинг юзага келишига хизмат қилиши кўрсатилган;

инсоннинг эмотив-ҳиссиёти ва ташқи кўринишини тавсифловчи фразеологик бирликлардан лингвопрагматик идрок этишни ўрганиш, тилларни ўқитиш амалиётида, дарслик яратиш ва назарий курсларни тузишда, филология, маданиятлараро алоқа, маданий тилшунослик, таржима назарияси, фразеология бўйича махсус курслар, битирув малака ишларини ёзишда, таржимонлар амалиётида, ҳар хил турдаги луғатларни тузишда кенг фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

диссертация ўзбек тили антропоцентрик фразеологик бирликларини худудий ёки умумий этнолексикографик планда ўрганувчилар учун муҳим манба бўла олиши асосланган ҳамда тил ва маданият масалаларини ўрганувчи этнолингвистика, лингвокультурология, социolingвистика каби соҳалар бўйича дарслик ва қўлланмалар ёзишда фойдаланиш мумкинлиги далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, илмий луғатлардан олинган материаллар этнофразеологик бирликлар табиатидан келиб чиқиб изоҳланганлиги, методик жиҳатдан мукамаллиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани, жаҳон тилшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида тадқиқ қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фразеология, этнолингвистика, тил ва маданият алоқаларини ўрганувчи ёндош соҳалардаги илмий-назарий муаммоларни ҳал қилишда асос бўлиб хизмат қилиши билан, келтирилган материаллар этнофразеология, этнолингвистика, лексикография, тил ва маданият алоқасини ўрганувчи ёндош соҳаларда маълум илмий-назарий муаммоларни ҳал қилишда муҳим манба сифатида илмий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан ўзбек тилидаги антропоцентрик ибораларнинг лингвопрагматик тадқиқи бўйича яратиладиган дарслик, ўқув қўлланмаларини такомиллаштиришда, олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистратура таълим йўналишлари учун фразеология, этнолингвистика, лингвокультурология, лексикография бўйича махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилининг антропоцентрик фразеологик бирликларини лингвопрагматик тадқиқ қилиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек халқининг маданий анъаналари, ментал хусусиятлари фразеологик бирликлар шаклланишига асос эканлиги изоҳланиб, антропоцентрик фразеологик бирликлар қиёсий, ўхшатиш бирликлари, троплар, метафорик таққослашлар, образларга асосланганлиги тўғрисидаги хулосаларидан 5111400-Хорижий тил ва адабиёти йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Тил аспектларини ўргатиш амалиёти компетенцияси”, “Нутқ малакалари интеграцияси” номли дарсликларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги № 285-111-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги № 676-149-сон гувоҳномалари). Натижада фразеологик бирликлар иккита тилда таққосланганда уларнинг ўзига хослиги намоён бўлиши, инсоннинг ҳиссиёти ва ташқи қиёфасини ифода этишдаги универсал тенденциялар, шунингдек, маданий стереотиплар, лақналар намоён бўлиши асосланган;

инсоннинг ҳиссиёти ва ташқи қиёфасини ифода этишдаги универсал тенденциялар, маданий стереотиплар, лақналар антропоцентрик фразеологик бирликлар асосида қиёсланиб, фразеологик бирликларни англаб олиш учун умумлашган когнитив-прагматик баҳолаш тизими зарурлиги, уларнинг тилда намоён бўлиши ҳақидаги илмий натижалардан Бухоро давлат университетида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф–1–06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги фундаментал давлат лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 10 мартдаги 884-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос лексик-грамматик хусусиятлари ва услубий имкониятларини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилган;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари инсоннинг ички эмотив-ҳиссиёти ва ташқи кўринишини характерловчи *қувонч, қайғу, газаб, қўрқув, нафрат, ҳайрат, қизиқиш, ҳаяжон, ажабланиш, азоб чекиш, қаҳр, уят, камситилиш* сингари эмоционал

концептли фразеологизмлар асосидаги батафсил семантик тавсифи тўғрисидаги илмий хулосалардан Жиззах давлат педагогика институтида 2016-2017 йилларда олиб борилган МУЗ-2015-0725140051 “Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини бойитишда инглизча-ўзбекча-русча фраземалар луғатини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Жиззах давлат педагогика институтининг 2022 йил 12 февралдаги 04-162-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида бадиий матнларда антропоцентрик ва лингвопрагматик мазмуннинг ифодаланиши ва ибораларнинг бадиий матнда лингвопрагматик қўлланиши ҳақидаги назарий хулосаларида ижобий самара берган;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг миқдори бошқа фразеологик бирликлардан кўра кўпчилиқни ташкил этганлиги аниқланиб, улар айнан шахснинг фаолиятини образли ифодалаш мақсадида шаклланган тил бирлиги эканлиги ҳақидаги изоҳлардан Жиззах вилояти телерадиокомпанияси орқали “Диёр янгиликлари” информацион дастурини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 14 апрелдаги 10-12/263-сон маълумотномаси) Натижада ушбу кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва долзарблиги илмий-амалий аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни юзасидан 20 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, 131 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. ФРАЗЕОЛОГИЯ ЛИНГВИСТИК ФАН СИФАТИДА

1.1. Фразеологиянинг лингвистик шаклланиш асослари

Дунё тилшунослигида нафақат лингвистик тизим, шу билан бирга тил бирликларининг психологик, когнитив-семантик ва лигвокультурологик жиҳатлари тадқиқ этилмоқда. Жаҳон тилшунослигида, туркийшуносликда, ўзбек тилшунослигида фразеология фанининг шаклланиши ва тараққиёти ҳамда назарий йўналишлари, илмий, фразеографик тадқиқотлар тавсифи таҳлил қилинган. Мазкур бобда фразеологик бирликларнинг тил тизимидаги ўрни, фразеологиянинг фан ва тил бирлиги сифатидаги тушунчаларига таъриф берилган ҳамда фразеологик объект ҳақидаги муаммоли ўринларга муносабат билдириб ўтилган. Эмоционал-экспрессив, баҳо-муносабат концептли фразеологик бирликлар концепт моделининг назарий ва амалий йўналишлари изоҳланган.

Фразеологизмлар тузилишига кўра сўз бирикмаси ёки гапга тенг бўлиб, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ жараёнида яратилмай, нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик сифатида⁹ воқеликни образли тасвирлаш, уни китобхон кўз ўнгида аниқ ва тўла гавдалантиришда ўрни беқиёс. Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларни илмий-амалий тадқиқ қилиш бўйича изланиш олиб борган олимлардан бири А.Маматовнинг фикрича, иборалар тилнинг алоҳида бирлиги бўлиб, тузилишига кўра эркин боғланма ёки гапга тенг, тўлиқ ёки қисман семантик қайта шаклланган образли, турғун сўз бирикмаларни ўз ичига олади.¹⁰

Фразеологик бирликлар тил бирлиги сифатида жуда қадимий бўлса-да, уларни илмий ўрганиш, тасниф ва тавсиф қилиш XX асрнинг бошларида Шарль Балли томонидан бошланган. Рус тилшунослигида фразеологик бирликларни тадқиқ қилиш Е.Д.Поливанов, В.В.Виноградов, А.В.Кунин,

⁹ Ҳожиёв.А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Фан, 2002. – 124 б.

¹⁰Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА. – Т., 2000. – Б.47.

В.М.Мокиенко, В.Н.Телия¹¹, Л.И. Ройзензон, Ю.П.Солодуб, И.И.Чернишева ва бошқа таниқли рус тилшунос-олимларнинг ишларида кузатилади.

Ўтган асрнинг 50-йилларига келиб туркийшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида фразеология ва фразеографияга оид илмий-назарий, илмий-амалий тадқиқотлар юзага келди. Таниқли шарқшунос Е.Д.Поливанов рус ва шарқ тилларининг фразеологиясини, жумладан, ўзбек тилининг фразеологиясини ўрганиб, уни тилшуносликнинг алоҳида соҳасига ажратиш зарурлиги ғоясини билдирган эди.

В.Виноградов фразеологик бирликларни фразеологик бутунлик, фразеологик чатишма, фразеологик қўшилма каби семантик тасниф қилиб, барча турғун бирикмаларни фразеологик таркибга киритди.

А.В.Кунин “Фразеология - фразеологик бирликлар ҳақидаги фан бўлиб, маъноси компонентларининг маъносидан келиб чиқмайдиган мураккаб маъноли бирликлардир” деб таъриф беради. Ўз фикрини давом эттириб “фразеологик бирликлар инсон идрок этган нарса-ҳодисалар, предмет, воқелик, жараёнлар, ҳолат ва вазиятлар, тушунчаларнинг номини тўлиқ ифода эта олмайдиган, яъни тилнинг лексик тизимидаги лақуналарни тўлдиради”¹² деб изоҳлайди.

Фразеология бўйича кўплаб монографик тадқиқотлар, диссертациялар ва луғатлар пайдо бўлди, турли хил тизимли тилларнинг фразеологик бирликлари қиёсий ўрганилди¹³. Европа, славян, туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тилининг фразеологик бойликлари қиёсий, қиёсий-типологик таҳлил этилди. Фразеологик бирликларнинг таснифи, грамматик хусусиятлари, фразеологизация, фразеологик трансформация, лексикализация, фразеологик таржима усуллари, омонимия, синонимия, антонимия, полисемантик фразеологик бирликлар таҳлил ва тавсиф этилди.¹⁴

¹¹ Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. – Москва, Школа. «Языки русской культуры». – Т., 1996. С.-286;

¹² А.В.Кунин. Фразеология современного английского языка. - М.,1986. - 5 с.

¹³ Қаранг: Йўлдошев Б., Рашидова У.Ўзбек фразеологияси (библиографик кўрсаткич) –Т., 2016. – 190 б.

¹⁴ Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие – Москва, Наука. – Т., 2010. – 21 с.

Ш.Раҳматуллаев ўзбек тили фразеологиясининг назарий масалаларини илмий тадқиқ этишни бошлаб, фразеологик бирликларнинг таркибий ва семантик турларини аниқлади. Ш.Раҳматуллаев ўз асарларида В.В.Виноградовнинг фразеологик бутунлик, фразеологик чатишма, фразеологик қўшилма структурал-семантик таснифини ривожлантириб, уни ўзбек тилига татбиқ этди. У фразеологик бирликларни идиоматик бирикмалар, эркин ва турғун сўз бирикмаларига ажратди.¹⁵

Ш.Раҳматуллаев “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли китоби¹⁶да В.Виноградовнинг таснифи асосида фразеологик категорияларнинг ҳажми ва чегарасини намоён этадиган фактик материаллардан фойдаланган ҳолда фразеологик полисемия, синонимия, антонимия, омонимия масалаларини батафсил изоҳлаб, фразеологик бирикманинг сўз-лексема, эркин бирикма ва боғланмалар билан ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари, барқарор сўз бирикмаларининг синтактик таҳлилин амалга оширди. Бирикма таркибидаги синтактик алоқаларни изоҳлаб ўтган. У фразеологик бирикма ва аналитик шакллар нисбатини аниқлаб, фразеологик бирикмаларни афоризм, мақол ва матал характеридаги фразеологик бирликлардан ажратиш мезонларини тасниф қилиб чиқди. Шунингдек, монографияда Ш.Раҳматуллаев образ ҳамда лексик таркибнинг барқарорлиги ва фразеологик бирликларнинг грамматик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбек тили фразеологиясининг юқоридаги назарий масалаларини муваффақиятли ҳал қилишда ўзбек тили фразеологик бирликларининг ўзига хос таркибий ва семантик хусусиятларини илмий таҳлил этди. Ўзбек фразеологияси соҳасида биринчи фундаментал тадқиқотлар, назарий асослар Ш.Раҳматуллаев томонидан таҳлил ва тавсиф этилди ҳамда илмий асосланди.¹⁷

¹⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 1966. - 17 б.

¹⁶ Қаранг: Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Т.: Фан, 1966. – 86 б.

¹⁷ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 1966. – 146.

Ўзбек тили фразеологиясининг илмий-назарий таҳлиliga оид адабиётлар билан танишиш шуни кўриб ўтадики, Ш.Раҳматуллаев тадқиқотларининг аксарияти фразеологик бирликларнинг грамматик моҳияти, фразеологик бирликларнинг семантикаси ва структураси масалаларини ўрганишга бағишланган.¹⁸

Ўзбек тилшунослигида ўзбек ёзувчилари бадий асарлари фразеологияси лингвопоэтикасини ўрганишга алоҳида эътибор берилган. И.Кўчқортоев, А.Шомақсудов, Я.Пинхасов, М.Хусаинов, Э.Умаровларнинг номзодлик диссертациялари¹⁹ ҳимоя қилинди, монографиялар ёзилди. Ушбу тилшуносларнинг тадқиқотларида фразеологик бирликларнинг функционал ва услубий таркиби кўриб чиқилиб; семантик, услубий вазифалари кўрсатилган; индивидуал фразеологик бирликлардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Ўзбек ёзувчилари томонидан тилда мавжуд бўлган фразеологик бирликлар асосида муаллифлик фразеологик бирликларини яратиш масалалари кўриб чиқилган, бу алоҳида ёзувчиларнинг индивидуал (муаллифлик) янгиликларини аниқлашга имкон беради, турли хил лингвистик имкониятларни оширади, ўзбек тилидаги услубий воситаларнинг бойлигини намоён қилади.

Ўзбек фразеологиясини тавсифлашда тематик ва лексик-семантик гуруҳлар аниқланди. А.Исаевнинг номзодлик диссертацияси²⁰да ўзбек тилининг соматик фразеологик бирликлари ҳам диахроник, ҳам синхроник жиҳатдан ўрганилган. А.Рафиевнинг ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг структуравий ва функционал хусусиятларига бағишланган диссертацияси²¹ диққатга сазовордир. Бунда ўзбек фразеологиясининг таркибий-грамматик ва синтактик-функционал хусусиятлари ҳар томонлама ўрганилган. Ушбу тадқиқотларга бой фактик материаллар асосида фразеологик бирликларнинг турли хил тузилиш моделлари киритилган,

¹⁸Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 1966. – 14 б.

¹⁹Қаранг: Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси (библиографик кўрсатгич). – Т.: 2016. – 192 б.

²⁰Қаранг: Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси (библиографик кўрсатгич). – Т.: 2016. – 190 б.

²¹Қаранг: Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси (библиографик кўрсатгич). – Т.: 2016. – 190 б.

фразеологик бирликларнинг ички ва ташқи алоқалари таҳлил қилинган, бу фразеология ривож учун қимматли ҳисса ҳисобланади.

Тилшунослигимизда бадий асар тили фразеологияси ва унинг услубий вазифаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Ўзбек тили фразеологик бирликларнинг структуравий ва функционал хусусиятлари тадқиқ этилди.

Сўнгги йилларда А.Маматов, Б.Йўлдошев, Ш.Усмонова, Ш.Алмаматова, Ш.Ғаниева, У.Рашидова, М.Вафоева, Б.Болтаева каби тилшунослимларнинг фразеологияга оид ишлари ўзбек фразеологиясининг илмий тадқиқига сезиларли таъсир кўрсатди ва илмий-амалий аҳамиятини оширди.

Таниқли тилшунос Абдимурод Маматов ўзбек фразеологиясининг тил нормаси ва нутқ масалаларини илк бор тадқиқ этиб, фразеологик норманинг назарий асосларини яратди²². Б.Йўлдошев бадий асарларда фразеологизмларнинг услубий имкониятларини таҳлил этди²³. Ш.Усмонова ўзбек ва турк тили фразеологизмларининг қиёсий-чоғиштирма таҳлили²⁴ни амалга оширди. Абдуғафур Маматов ўзбек фразеологик бирликларининг шаклланиш тамойиллари²⁵ни илк бор тадқиқ этди.

Европа тиллари фразеологиясининг тадқиқотчилари (Н.Н.Амосова, А.В.Кунин, И.И.Чернишева, А.Г.Назарян, Т.З.Черданцева ва б.), рус тили (В.В.Виноградов, Б.А.Ларин, Н.М.Шанский, В.П.Жуков, В.Н.Телия, А.И.Молотков ва бошқалар; туркий тиллар К.Дамбова, К.Мамедова, А.Василова, М.Абдурахмонова, Ш.У.Раҳматуллаев, З.Г.Ураксин, Г.А.Байрамов, А.Маматов, Б.Йўлдошев ва бошқалар фразеологик бирликларнинг қуйидаги хусусиятларини ажратадилар: 1) лексик таркибнинг барқарорлиги; 2) тилда тайёр ҳолда мавжудлилик; 3) алоҳида расмийлашганлик; 4) такрорланувчанлик; 5) метафорик, семантик транспозитивлик; 6) образлилик; 7) информатив тугаллик кабилар.

²² Маматов А.Э. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке. АДД. Ташкент, 1991. – 45 б.

²³ Йўлдошев Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. ДДА.-Тошкент, 1993. – 50 б.

²⁴ Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. НДА. – Т., 1998. – 46 б.

²⁵ Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА. – Т., 2000. – 50 б.

Фразеологик бирлик икки ёки ундан ортиқ сўз (лексема)дан ташкил топади ва формал шаклланади. А.Маматовнинг фикрича, *ақлини емоқ; бурнини кўтармоқ* каби икки компонентли; *дўпписини осмонга отмоқ; мушугини “пишит” демаслик; мулла минган эшакдай* сингари уч компонентли; *усту ялтироқ, ичи қалтироқ; эти бизники, суяги сизники; қўйнини пуч ёнгоққа тўлдирмоқ* каби тўрт компонентли; *қоққанда қозиги, осганда хурмачаси қолмади; текканга тегиб, тегмаганга кесак отмоқ* каби беш компонентли, *қуш учса-қаноти, одам юрса-оёғи куяди; оғзига оқ ит кириб, қора ит чиқади* сингари етти компонентли фразеологик бирликлар мавжудлиги кузатилади. Аммо тилимиздаги *саноат зонаси, компьютер лингвистикаси, матн таҳлили, дастурий таъминот, автоматик таржима, электрон лугат* каби эркин боғланмалар таркибий жиҳатдан икки ёки ундан ортиқ сўз (лексема)лардан ташкил топиб, формал шаклланади. Лексик таркибнинг барқарорлиги фразеологик бирликлар учун ҳам, эркин бирикмалар учун ҳам характерлидир, аммо фразеологик бирликлар учун бу хусусият мутлақ эмас.²⁶

Барқарор *дунёни сув босса, тўпизига чиқмаслик; кўз уриштирмоқ, мулойим сунурги бўлмоқ, Мусонинг аламини Исодан олмоқ* ва бошқа фразеологик бирликлар *лингвистик модел, арифметик жадвал, синтактик разметка* кўринишида эркин бирикмалар каби турғун таркиб ва семантик мазмун касб этади. Демак, фразеологик бирликларнинг турғунлик – барқарорлик белгиси ҳам асосий ва етакчи эмас. Фразеологик бирликлар такрорланувчанлик белгиси билан тавсифланади. Шунини таъкидлаш керакки, такрорланувчанлик тушунчаси барқарорлик тушунчаси билан боғлиқ.²⁷

Фразеологик бирликлар эркин иборалардан фарқли ўлароқ, нутқда яратилмайди, балки сўзлар сингари шаклланади. *Мум тишламоқ, от билан туяча, сўзини қайтармоқ, таъзирини бермоқ, эти суягига ёпишмоқ* фразеологик бирликларининг яхлит ёки таркибий қисмлари сўзлашувчилар

²⁶ Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фан. д-ри. дис.автореф. – Т., 2000. – 56 б.

²⁷ Рўзиқулова М. Ўзбек тилида идиомалар: Филол. фан. ном. дис... автореф. – Т., 1966. – 20 б;

томонидан нутқ жараёнида шаклланмаган, балки синоним сўзлар сингари тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлади.²⁸

Ҳар қандай фразеологик бирлик, бошқа лингвистик бирликлардан фарқли ўлароқ, ҳар доим образлилик асосига қурилган бўлади, чунки фразеологик бирликлар образлар асосида пайдо бўлади. Буни фразеологик бирликларни бошқа сўзлар ёки иборалар билан таққослаганда кўриш мумкин. *Илоннинг оёғини санаган, калласининг қатигини чиқариб юбормоқ, оёғини осмондан келтирмоқ, оғзидан бол томади* каби фразеологизмлари - *шум, муғомбир, қўрқитмоқ, йиқитмоқ, ширинкалом* сўзларига нисбатан образли эканлигини англаш мумкин. Образлилик фразеологик бирликларнинг асосий ва етакчи белгиси ҳисобланади.²⁹

Фразеологик бирликларнинг энг асосий хусусияти семантик транспозитивлик, яъни фразеологик бирлик яхлитлигича ёки таркибий қисмларининг семантик қайта шаклланишидир. Агар фразеологик бирликлар қайта шаклланган маънога эга бўлмаса, унда фразеологизмни лисоний ҳодиса деб бўлмайди. Фразеологик бирликларнинг таркибий қисмлари тўлиқ ёки қисман қайта семантик шакллантирилади. *Катта оғиз, онасини учқўрғондан кўрсатмоқ, туёғини шиқиллатмоқ, оғзига талқон солмоқ* ва бошқа кўплаб фразеологик бирликлар тўлиқ қайта семантик шаклланган бирликлардир. Фразеологик бирликлар таркибий қисмларидан фақат биттаси кўчма маънода қўлланилиб, бошқа компонент эса бевосита ўз маъносида қўлланиладиган бирликларга *оғзининг таноби қочди, кўзи тўрт бўлмоқ, гапга эргашимоқ, гапидан илон нўст ташлайди* кабиларни киритиш мумкин. Фразеологик бирликларнинг асосий хусусиятлари – образлилик ва семантик қайта шаклланишдир. Шу маънода фразеологик бирликлар семантик ҳодисадир.

Шундай қилиб, фразеологик бирликлар юқорида таъкидланган хусусиятларнинг барчасини мужассам этгандагина уни фразеологик бирлик сифатида эътироф этиш мумкин. Айрим индивидуал хусусиятлар

²⁸ Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол.фан.ном. дис.автореф. – Т., 1994. – 27 б.

²⁹ Бозорбоев К. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол.фан.номз.дисс...автореф. –Самарқанд, 2000. – 22 б.

фразеологик бирликлардан ташқари бошқа тил бирликларига ҳам дахлдор бўлиши мумкин. Таъкидланганидек, санаб ўтилган хусусиятларнинг бутун тўпламига эга бўлган бирликларгина фразеологизмлардир. Тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик бирликларнинг фразеологизмлар доирасига киритилиши мақсадга мувофиқ.³⁰

Шу муносабат билан тадқиқотда фразеологик бирликнинг қуйидаги таърифи қабул қилинган: фразеологик бирлик тилнинг алоҳида шаклланган, барқарор, тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган бирлиги бўлиб, унинг етакчи ва доминант хусусияти образлилик бўлган, таркибий қисмлари тўлиқ ёки қисман қайта семантик шаклланган тил бирликларидир.

Фразеологик бирликларнинг эмотив-ҳиссий, экспрессив имкониятлари ва баҳо-муносабат маъно хусусиятларини концепт нуқтаи назаридан тавсиф ҳамда талқин этиш долзарбдир.³¹

Инсоннинг лингвистик ва маданий инъикоси унинг ташқи кўриниши ҳамда ички ҳиссиёти ҳақидаги манзарани шакллантирувчи муҳим омиллардир. Қадим манбалар, афсона ва ривоятлар, фольклорнинг гувоҳлик беришича, одамлар бир-бирининг ички ҳиссиётлари ҳамда ташқи кўринишига эътибор беришган. Инсоннинг ташқи кўриниши унинг индивидуал хусусиятлари аксидир, унинг ижтимоий мавқеини очиб беради ва атрофдаги одамлар томонидан доимий равишда баҳоланиб борилади. Инсоннинг кўп асрлар давомидаги ҳаёти ижтимоий стереотипларни вужудга келтирган, гўзаллик стандартларининг маълум бир вақтида одамлар доимо ўзларининг ички ҳиссиётлари ва ташқи кўринишини давр анъаналарига мос равишда ўзгартиришга уринишган.

Ҳозирги кунда кўплаб лингвистик тадқиқотлар антропоцентрик ёндашувни ҳисобга олган ҳолда олиб борилмоқда. Бу нафақат тилда содир

³⁰ Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол.фан. номз.дис...автореф. – Т., 2008. – 23 б.

³¹ Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (*кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида*): Филол.фан.фалсафа док. (PhD) дисс...автореф. - Самарқанд, 2018. – 51 б.

бўлаётган семантик ва грамматик жараёнларни ўрганишга, балки тилнинг инсон тафаккури ва психологияси, муайян миллат маданияти ва анъаналари билан қандай боғлиқлигини аниқлашга имкон беради. Бинобарин, ҳар қандай тил ҳодисаларининг маданий тилшунослик, этнолингвистика, психоллингвистика ва когнитив тилшунослик доирасида талқин қилиниши уларнинг моҳиятини намоён қилади.³²

Ушбу диссертация антропоцентрик йўналиш: лингвистик ва маданий ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган, чунки таҳлил таркибида ҳиссиётлар ва инсоний фазилатларни тавсифловчи фразеологик бирликларнинг структуравий, семантик хусусиятлари, образлилиги, ўзига хослиги ифода этилган.

Фразеологизмнинг муҳим вазифалари қаторида фразеологик маъно таркибини ўрганишни алоҳида таъкидлаш лозим. Фразеологик семантиканинг муаммолари доимо тилшуносларнинг диққатини жалб қилади, чунки айнан семантика фразеологик бирликни бошқа бирликлардан фарқлайди.

Ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликларнинг лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари тадқиқига эътибор қаратилди, уларнинг услубий имкониятлари ўрганилди, матндаги роли ўрганилмоқда.³³

Тўғри, юқорида таъкидлаб ўтилган олимларнинг тадқиқотларида фразеологик бирликларнинг антропоцентрик хусусиятларига етарлича эътибор берилмаган бўлса-да, бу лингвистик тадқиқотлар фразеологик бирликларни лингвопоэтика, лингвокогнитология, этнолингвистика, психоллингвистика, когнитив тилшунослик каби замонавий йўналишларда илмий тадқиқотларнинг юзага келишига асос бўлди.

Мулоқот жараёнидаги комплимент концептининг тил тизими доирасида намоён бўладиган ва нутқ жараёнида фаоллашадиган коннотатив, денотатив ҳамда когнитив моҳиятини тадқиқ этиш ўз долзарблигини йўқотмайди.

³² Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Т.: Фан, 2013. – 136 б.

³³ Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили. НДА. – Т., 2008. – 18 б.

Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг эмотив-ҳиссий, экспрессив имкониятлари ва баҳо-муносабат маъно хусусиятлари етарлича махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Турли фразео-семантик майдон гуруҳларидаги фразеологик бирликларнинг эмотив-ҳиссий, баҳо-муносабат функциялари ва экспрессив имкониятларини концепт нуқтаи назаридан тавсиф ҳамда талқин этиш долзарбдир.³⁴

Замонавий тилшунослик йўналишларидан бири бу тил бирликларини тил ва маданият муносабатида талқин қилиш, яъни лингвокультурологик тадқиқлар бўлиб, улар тил бирликларининг миллий-ментал моҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

Лингвокультурологик тадқиқотлар дастлаб В.фон Гумбольдт, Й.Л.Вайсгербер, Н.И.Толстой, Д.К.Зеленин, А.А.Потебня, В.Телия, Е.Ф.Карский, А.А.Шахматов, А.Н.Афанасьев, А.И.Соболевскийларнинг антропологик тадқиқотлари³⁵ замирида шаклланди.

Инсоннинг ҳиссиётлари (эмоцияси) ва ташқи қиёфасини тавсифловчи фразеологик бирликларни структуравий, семантик ҳамда антропоцентрик ўрганиш ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Инсоннинг ташқи қиёфасини тавсифловчи фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик хусусиятларини тавсифлаш ҳар қандай тилнинг фразеологик, паремиологик бойлигини тўлиқ ўрганиш, алоҳида таҳлил қилиш шarti билангина амалга оширилиши мумкин.

Ҳозирда инсонлар ташқи кўринишини мукаммаллаштиришга ҳаракат қилмоқда. Нафақат кийим, косметика ёки спорт билан, балки пластик жарроҳларнинг ёрдамига ҳам мурожаат қилмоқда. Шунинг учун одамлар ҳаётининг ушбу жабҳасига эътибор беришлари одамнинг ташқи кўринишини тилда ифодалашнинг лексик ва фразеологик усулларининг пайдо бўлиши ва доимий равишда тўлдирилишига ёрдам беради. Вақт ўтиши билан одамларнинг гўзаллик ҳақидаги тасаввурлари моданинг ўзгариши ва шу

³⁴ Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. НДА. – Т., 2009. – 20 б.

³⁵ Қаранг: Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси (библиографик кўрсаткич) Т., 2016 й. – 190 б.

туфайли тилларнинг фразеологик таркиби ташқи кўринишни тавсифловчи бирликлар билан доимий равишда тўлдирилиб борилади. Инсон фаолияти билан боғлиқ тил бирликлари, жумладан, фразеологик бирликлар шаклланади. Тил янги-янги образли ифодалар билан бойиб бораверади.³⁶

Ўзбек тилида инсоннинг ҳиссиётлари ва ташқи қиёфасини тавсифловчи фразеологик бирликларни батафсил ўрганиш, шунингдек, ўзбек тилида оламнинг лингвистик манзарасининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи фразеологик бирликларнинг тузилиши ва семантик хусусиятларини, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш муҳимдир.

XXI аср тилшунослигида фразеологик бирликларнинг асосий тушунчаларини таҳлил этиш ва уларни фразеологик парадигматикада ўрганиш, хусусан, тадқиқотчилар нуктаи назарини тизимлаштириш, фразеологик бирликлар ташийдиган лексик, семантик, прагматик, стилистик, когнитив маъноларини баён қилиш муҳимдир.

Модомики, инсон ҳиссиётини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг нутқда воқеланишини замонавий методологик тамойиллар асосида умумлаштириш, инсон ҳиссиётини ифодаловчи фразеологик бирликларни семантик майдондаги структур-семантик ва коммуникатив-прагматик воқеланишини тадқиқ этиш замонавий йўналишлардан биридир.

Инсон ташқи кўринишини тавсифловчи фразеологик бирликларни танлаш шартлари ва мезонларини аниқлаш, фразеологик бирликларнинг корпусини аниқлаш ва баён қилиш, турли образли фразеологизмлар доирасида вариант ёки синоним муносабатларнинг ўзига хослигини изоҳлаш, фразеологик маъно таркибини таҳлил қилиш ва таркибий қисмларининг тавсифини таҳлил қилиш каби масалалар таҳлилга тортилган.³⁷

Инсоннинг ҳиссиётлари ва ташқи қиёфасини тавсифловчи фразеологик бирликларнинг фразео-семантик гуруҳларини аниқлаш, мажозий маънога эга образли фразеологик бирликларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини

³⁶ Маматов А., Очилов Д. Фраземик моделлар таҳлили // Стилистика ва прагматика (илмий конференция материаллари). 1-қисм. Самарқанд: СамДУ, 2010. – 112-115 б.

³⁷ Рашидова У. Фразеологияда лисоний моделлаш муаммолари (соматик фразеологизмлар мисолида) // Хорижий филология (тил, адабиёт, таълим), 2011, 4-сон, – 54-59 б.

ўрганиш, фразеологик бирликлар семантикаси ва инсоннинг ташқи кўринишини ифодаловчи фразеологизмларнинг лингвокультурологик хусусиятларини белгилаш, фразеологик бирликларнинг тиллараро мослик турларини изоҳлаш, “инсон қиёфаси”, фразеологик эквивалент, аналог ва лақналари, шунингдек, уларни таржима қилишнинг мумкин бўлган усулларини аниқлаш, шахс ташқи кўринишининг турли жиҳатларини кўрсатадиган фразеологик бирликларнинг идеографик, фразеосемантик аҳамиятини тавсифлаш муҳимдир.³⁸

Инглиз тилида инсон эмоцияси emotion, chord, feeling, passion, sentiment, sense; ташқи кўриниши appearances, aspect, bearing, cast, demeanour, exterior, face, figure, impression, look, looks, manner, mien, presentation, semblance, view, visual aspect каби синонимик сўзларда ифода этилади.

1.2.§ Фразеологик бирликлар вариацияси

Ушбу фаслда вариантланишнинг семантик майдон доирасида ўрганилиши назарда тутилган. Вариантланиш ўзбек тили фраземаларининг энг муҳим ўзига хос хусусияти бўлиб, “Фразеологик бирликларда вариантланиш бошқа тил бирликларига нисбатан кучли”³⁹ тарзда юз беради ҳамда ўзбек тили фразеологик фондини бойитувчи муҳим манбалардан биридир. **Фразеологик вариантланиш** умумтил фраземалари асосида юзага келади ва улар маълум фраземага асосланади ёки тилда мавжуд бўлган фраземалардан ўсиб чиққан бўлади. Фразеологик вариантланиш ўта маҳсулдор бўлиб, аксарият антропоцентрик фраземаларнинг варианты мавжуд. Фразеологик вариантланиш ўзгаришлар асосида бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлиши, барчаси бир манбага бирлашуви; асосида айна бир образнинг ётиши; айна бир луғавий маънони англантиши; ўзаро ўсиб чиққан вариантлар таркибида муштарак сўз-компонентнинг бўлиши талаб этилади⁴⁰. Фразеологик вариантланиш семантик майдон доирасида ўрганилди.

³⁸ Ганиева Ш. Фразеологизмларни моделлаштириш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011,5-сон. – 111-113 б.

³⁹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 13 б.

⁴⁰ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 10 б.

Антропоцентрик фразеологик вариантлар тушунчаларни бир образ ёки бир-бирига яқин образлар ёрдамида ифодалайди. Масалан, *кўнгли тоза* фраземасининг *юраги тоза, кўнгли пок, юраги покиза, юраги соф, қалби пок* каби вариантлари; *оқ кўнгил* каби синонимлари мавжуд. Ёки *кўнгли тортди* фраземасининг *кўнгил тортар, дил тортар* каби вариантлари бўлиб, *хуш кўрмоқ* синоними мавжуд. *Боши осмонга етди - боши кўкка етди, қувончи ичига сизмайди - қувончи танига сизмайди, кўнгли тоғдай кўтарилди - кўкраги тоғдай кўтарилди* ва б. Демак, фразеологик вариантлар асос фраземаларнинг бир кўриниши бўлиб, маънолари, услубий ва синтактик вазифаларига кўра айнан ўхшаш, лексик таркибида қисман ўзгариши бўлган, айти бир образ асосида ётувчи тил бирлигидир. Вариантланиш турлича кўринишда бўлиб, асос фраземанинг айрим компонентлари ўзгаради. Фраземаларнинг ҳар қандай компоненти вариантланиши мумкин.

Антропоцентризм нуқтаи назардан синонимия ва вариантлик ходисаларининг ўзаро алоқадорлик ва ўзаро ўхшашлик фарқларини образлик белгилайди. Фразеологик синонимлар айнан ёки бир-бирига яқин тушунчаларни турли образлар ёрдамида ифодалайди. Фразеологик вариантлар эса шундай тушунчаларни бир образ ёки бир-бирига яқин образлар ёрдамида ифодалайди. Кўринадик, вариантдош фраземалар бир тушунчани бир образ ёки ўта бир-бирига яқин образлар асосида ифодалайди. Синоним фраземалар эса шу тушунчани турли образлар асосида ифодалайди. Шундай қилиб, фразеологик вариантланишнинг қуйидаги белгилари мавжуд: образ умумийлиги; денотатив ва сигнификатив маънолар умумийлиги; тилдаги вазифалари ва категориал (лексик-грамматик) маъноларнинг мос келиши; маънолар миқдорининг мос келиши; умумий сўз компонентнинг мавжуд бўлиши. Дастлабки уч белги булар ичида шартлик касб этади. Кейингилари эса факультатив характерга эга.⁴¹

⁴¹Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (фразеологик бирликларда полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик). – Т.: Фан, 1966. – 264 б.

Қайд этиш лозимки, тилшуносликда вариантланишнинг белгиларини аниқлашда турли хил ёндашишлар мавжуд. Жумладан, А.В.Кунин, И.И.Чернишева, В.М.Мокиенко, А.Г.Назарянлар асосий эътиборни вариант фраземаларнинг маъно умумийлигига қаратишади. Н.М.Шанский, Л.М.Больширева, И.А.Федоровлар фразеологик вариантлар таркиби ва тузилиши у ёки бу тарзда ўзгаришга учраб, услубий ва экспрессив хусусиятлари билан фарқланишини таъкидлайдилар. В.Н.Телия эса вариант фраземалар сигнификатив маънолари билан фарқланишини кўрсатади. А.И.Федоров вариант фраземаларнинг компонентлари грамматик ва фонетик шакллари билан фарқланишини таъкидлайди. А.В.Кунин, И.А.Федосовлар компонент таркибининг қисман ўзгариши натижасида лексик инвариант (умумий сўз-компонент)нинг мавжуд бўлишини уқтиришади. Турли хил фикрлар бўлишига қарамасдан, деярли барча тилшунослар фразеологик вариантларда образларнинг умумий бўлишини эътироф этадилар.⁴²

Демак, фраземаларнинг вариантларини белгилашда уларнинг айнан маъно ўхшашлигига, таркибининг бир типлиги ва бирикманинг ички бирлиги (образлиги)га асосий эътиборни қаратиш лозим. Шу белгиларга кўра, фразеологик вариантларни бир-биридан фарқлаш мумкин бўлади. Ички боғлиқлик (образнинг умумийлиги) фразеологик вариантларнинг ҳосил бўлишида асосийдир. Фраземаларнинг вариантлилигини ўрганиш жараёнида “вариант” ва “инвариант” тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим бўлади. Уларнинг вариант ёки инвариант эканлиги амалдаги қўлланишида кўринади. Қайси фразема бадий асар тили ёки сўзлашувда кўп қўлланса, уларни инвариант деб аташ мумкин. Фраземаларнинг вариантларини фарқлашда образлиқдан ташқари маънонинг фарқли ва ўхшашликлари, алмаш қўлланилган компонентнинг инвариант компонентга нисбатан услубий ва грамматик қарашлилиги масалалари ҳам муҳимдир. Ўзбек тилида фраземалар таркибида компонентни алмаштириб қўллаш асосида

⁴² А.В.Кунин. Фразеология современного английского языка. М.,1986, – 35 б.

фразеологик вариантлар шаклланади: Масалан, *боши осмонга етди* - *боши кўкка етди* (инг. *his head reached to the sky*); *қувончи ичига сизмайди* - *қувончи танига сизмайди* (инг. *joy does not fit into the body*); *кўнгли тоғдай кўтарилди* - *кўкраги тоғдай кўтарилди* (инг. *her heart rose like a mountain - her chest rose like a mountain*).

Воз кечмоқ - *баҳридан ўтмоқ* (инг. *to give up*), *гапни бир жойга қўймоқ* - *тил бириктирмоқ* (инг. *to put a sentence together - to attach a language*), *гарданига юкламоқ* - *бўйнига қўймоқ* (инг. *to put on the neck*), *дами чиқмади* - *мум тишлаб қолмоқ* (инг. *did not come out*), *димоғи чоғ бўлди* - *кўнгли очилди* (инг. *he was relieved*), *ёқасини ушламоқ* - *ҳайрон қолмоқ* (инг. *to grab his collar is to be amazed*) каби фраземаларда эса маъно сақланган ҳолда барча компонентлар алмаштирилади. Биринчи туркумда фразеологик вариантлар, иккинчи туркумда фразеологик синонимлар шаклланади. Кўринадикки, бунда образлар ва лексик таркибнинг турличалиги уларни бир-биридан фарқлайди.

Вариант фраземаларнинг таркибида икки хил кўринишли компонентлар учрайди. Бу компонентларни А.В.Кунин “алмаш қўлланувчи (подменяемые) ва алмаш қўлланмайдиган (неподменяемые) компонентлар деб атайти”⁴³. Компонентлар констант (ўзгармас) ёки ўзгарувчан бўлади. Констант компонентлар вариант фраземалар учун умумий бўлган сўз-компонентдир. Масалан, *паишадан фил ясамоқ*, *паишани фил қилмоқ*, *паишасини фил қилмоқ* вариантли фраземалар учун *паиша* ва *фил* компонентлари констант компонентлар ҳисобланади. *Ясамоқ* ва *қилмоқ* компонентлари эса вариант саналади. Ёки *пешонасига битмоқ* ва *пешонага ёзилган* каби фраземалар учун *пешона* констант компонент, *ёзилган* ва *битмоқ* компонентлари эса вариант компонентлар ҳисобланади.

Тилшуносликда фразеологик вариантлар лексик вариантлар ва грамматик вариантлар деб фарқланади⁴⁴. Шунингдек, морфологик, синтактик, позицион, лексик, стилистик, квантитатив, орфографик⁴⁵ каби

⁴³ Кунин А.В. Курс фразеология современного английского языка. – 74 б.

⁴⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – 10 б.

⁴⁵ Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка, - 225-231 с.

вариантлар борлиги ҳам қайд этилади. Лексик ва грамматик вариантлар морфологик, синтактик, позицион, услубий вариантлар моҳиятини қамраб олади.

1. Грамматик вариантланиш. Ибора таркибини грамматик ўзгартириш орқали ҳосил бўладиган вариантга грамматик вариант дейилади⁴⁶. Грамматик вариантлар антропоцентрик фраземаларнинг ички грамматик тизимида бўладиган ўзгаришлар асосида юзага келади. Масалан: *кўнгли чўкди - кўнгилни чўқтирмоқ; кўнгли ўсди - кўнгилни ўстирмоқ; парвойига келмаслик - парвойига келтирмаслик; умидини узмоқ - умиди узилди; эс-хушини йиғиштирмоқ - эс-хушини йиғмоқ; этагини қоқмоқ - этак қоқмоқ; юзага келмоқ - юзага келтирмоқ; қўлга кирмоқ - қўлга киритмоқ* кабилар. Айни шу тарзда грамматик ўзгаришлардан ташқари фраземалар фонетик ва орфографик ўзгаришларга ҳам учрайди, вариантланади. Шунга кўра, грамматик вариантланиш компонентларини фонетик, орфографик, позицион ва морфологик вариантланиш каби турларга ажратиб ўрганиш мумкин бўлади.

Компонентларнинг фонетик ва орфографик вариантланиши: *алифни калтак деёлмаслик* фраземасининг *алифни калтак деёлмаслик* каби орфографик варианты учрайди. *Афти совуқ* фраземасининг *анти совуқ* варианты ишлатилади. *Алимсоқдан қолган* фраземаси *Алимсоқдан қолган* каби вариантга эга.

Астар-аврасини ағдармоқ, асфаласофилинга кетмоқ - аспаласопилинга кетган, дақёнусдан қолган - даққиюнусдан қолган, балога қолмоқ - балага қолмоқ, бетобу тоқат бўлмоқ - бетоқат бўлмоқ, беш баттар бўлмоқ - беш бадтар бўлмоқ, путур етказмоқ - футур етказмоқ, парвойи фалак - парвойи палак каби фонетик-орфографик вариантлар учрайди.⁴⁷

Мисоллардан компонентларнинг вариантланиши фразеологик маънога ҳам, категориал маънога ҳам таъсир этмаслиги аён бўлмоқда. Шунинг учун

⁴⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўша Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (фразеологик бирликларда полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик). – Т.: Фан, 1966. – Б. 264

⁴⁷ Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Наврўз, 2019. – 217 б.

хам бу каби вариантланишни шаклий вариантланиш деб аташ мумкин. Айрим ишларда бу каби фонетик ва орфографик турли хилликлар фразеологик меъёрнинг бузилиши сифатида талқин этилади⁴⁸.

Компонентларнинг морфологик вариантланиши. Морфологик хусусиятлари билан фарқланадиган вариантлар морфологик вариантланиш дейилади. Бунда фразема таркибидаги морфологик қисмни ўзгартириш асосида вариантланиш юз беради. Масалан, *бўйнига қўймоқ – бўйнига қўйилмоқ* вариантли фраземалар бири иккинчисидан феълга –ил мажҳул нисбат қўшимчасини қўшиш билан фарқланади. *Авжга минмоқ – авжга миндирмоқ* фраземалари эса феълга орттирма нисбат қўшимчасини қўшиш билан вариантланади. *Нафаси ичига тушиб кетди – нафаслар ичига тушиб кетди* шакллари эса –лар қўплик қўшимчасини қўшиш билан шаклланади. *Нафаси ўчди* ва *нафасини ўчирмоқ* фраземаларида нисбатнинг ўзгариши фраземанинг ички морфологик қурилишига таъсир этиши, натижада иборанинг гапга ёки сўз бирикмасига тенг келиши асосида вариант деб қаралади.

Ўзбек тилида морфологик вариантланиш тез-тез учраб туради: *кўзини тўрт қилмоқ – кўзлари тўрт бўлди; кўзи қамашди – кўзини қамаштирмоқ; худо хайр берсин – худо хайр бергур; чурқ этмаслик – чурқ этиб; юз ўғирмоқ – юзини ўғирмоқ; қаттиқ қўл бўлмоқ – қаттиқ қўлли бўлмоқ ва ғ.к.*⁴⁹

Синтактик-позицион вариантлар. Ўзбек тилида, шунингдек, тартиб ўзгартириш асосида ҳам фразеологик вариантлар ҳосил бўлади. Бундай кўринишли фразеологик вариантларни синтактик-позицион вариантлар деб аташ мумкин. Масалан: *кўзи тўрт бўлди – тўрт кўз бўлиб кутмоқ; кўз тикмоқ – тиккан кўзлари; кўнгил қўймоқ – қўйган кўнгил; кўнгил синди – синган кўнгил; кўнгил юмшоқ – юмшоқ кўнгил; кўнгил яқин – яқин кўнгилли; кўнгил гаши – гаши кўнгилли; нафасини совуқ қилмоқ – совуқ нафас қилмоқ*

⁴⁸ Қаранг: Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т., 1991. – 239–246 б.

⁴⁹ Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Наврўз, 2019. – 234 б.

кабилар. Шундай қилиб, ҳар бир фразема нутқда турли шаклларда ва синтактик вариантларда қўлланиш имкониятига эга. Бу эса тилда фраземаларнинг кўплаб грамматик вариантларини келтириб чиқаради.⁵⁰

2. Лексик вариантланиш. Грамматик вариантланишдан ташқари лексик вариантланиш ҳам фраземаларнинг шаклланишида муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. “Ибора таркибида мустақил туркум сўзи билан ифодаланган компоненти ўзгартирилиб ҳосил қилинган вариантга лексик вариант дейилади”. Бунда фраземанинг у ёки бу компоненти бирор бошқа сўзга алмаштирилиши мумкин. Шунингдек, муайян компонентлар қўшилиш ёки туширилиш ҳоллари юз беради. Масалан, *оёғини тираб олмоқ* – *оёғини тираб турмоқ*. Бунда феъл компонентлар алмашилиб, лексик вариантлар шаклланган. Ёки *кўнглини очмоқ* – *баҳрини очмоқ*; *ер билан битта бўлмоқ* – *ер билан яксон бўлмоқ* каби фраземаларнинг ҳар бирида у ёки бу компонент алмаштирилиб лексик вариантлар юзага келган.

Фразема компонентларининг лексик вариантлилиги уларни бошқа тил бирликларидан, жумладан, эркин боғланма ва гаплардан фарқлайди. Ҳеч бир гап ёки эркин боғланма маълум матнда таркибидаги у ёки бу сўзнинг алмаштирилишига йўл қўймайди. Чунки таркибидаги сўз бошқа сўзга алмаштирилса, гапга ёки эркин боғланмага хос маъно бутунлай ўзгариб кетади. Фраземаларда эса вариантланиш асосида маъно ўзгармайди, умумий образ, ички боғлиқлик сақланади.⁵¹

Вариантликни ташкил этувчи қатор фраземаларнинг компоненти ўрнида қўлланивчи лексемалар ҳам чегараланган бўлади. Демак, ҳар қандай сўз билан фразема компонентларини алмаштириб бўлмайди, акс ҳолда маънога путур етади.

Фразема компонентларининг вариантлилиги ҳамма ибораларга хос эмас. Ўзбек тилида қатор фраземаларнинг лексик вариантлари мавжуд эмас.

⁵⁰ Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. -Тошкент, 1991. – 258 б.

⁵¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 1966. – 46 б.

Масалан, қуйидаги фраземалар қатъий, турғун, барқарор таркибга эга: *авзойи бузилди, аммамнинг бузоғи, арпасини хом ўрмоқ, бир ёстиққа бош қўймоқ, бир овоздан, кўзини мошдек очмоқ, кўзининг ёғини емоқ, тинкаси қуриди, тишининг оқини кўрсатмоқ, эсим қурсин, ақлдан озмоқ, бахилнинг боғи кўкармайди, ҳайитдан кейин хинани ачангга бер, қўшинининг товуги гоз кўринади, туянинг устида ит қопади* кабилар.⁵²

Шундай қилиб, вариантланиш ўзбек тили фраземаларида энг кўп тарқалган ҳодисалардан биридир. Вариантланишнинг қатор турлари мавжуд бўлиб, улар янги тузилишли фраземаларни шакллантиради.

Ўзбек тилида вариантланишнинг грамматик ва лексик вариантланиш каби турлари фарқланади. Булар ичида лексик вариантланиш фразеологик шаклланишда муҳим ўрин тутди. Лексик вариантланиш тилда янги фраземанинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шаклланган янги фразема нутқда таянч фраземалар билан баравар қўлланиши билан характерланади.

Лексик вариантланиш (умуман фразеологик вариантланиш) умумтил фраземалари асосида янги фраземаларнинг пайдо бўлиш тизимига киради. Чунки вариантнинг пайдо бўлиши учун умумтил фраземалари мантиқий асос вазифасини ўтайди.

Лексик вариантланишлар ҳам лексик қўшиш, лексик ташлаш, лексик алмаштириш каби йўллар билан юзага келади. Ўзбек тилида лексик алмаштириш асосида кўплаб лексик вариантланиш, пировардида фразеологик бирликлар шаклланиши юз беради. Лексик алмаштириш жараёнида лексемалар ўзаро синоним ва яқин маъноли бўлади. Улар орасидаги маъновий фарқлар маънонинг кучли ва кучсизлигида, услубий белгисида кўринади.⁵³

⁵² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 46 б.

⁵³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 1966. – 87 б.

1.3.§ Фразеологик бирликлар синонимияси ва антонимияси

Фразеологик бирликлар синонимиясида ҳар бир синоним фразема турли образларда шаклланади ва уларда умумий сўз-компонент бўлмайди. Синоним фраземалар умумтил фраземалари асосида эмас, балки тил фразеологик шаклланиш тизими асосида, турли доираларда, лисоний ва нолисоний омиллар таъсирида юзага келади. Фразеологик синонимлар айнан ёки бир-бирига яқин тушунчаларни турли образлар ёрдамида ифодалайди.

*Воз кечмоқ - баҳридан ўтмоқ, гапни бир жойга қўймоқ - тил бириктирмоқ, гарданига юкламоқ - бўйнига қўймоқ, дами чиқмади - мум тишлаб қолмоқ, димоғи чоғ бўлди - кўнгли очилди, ёқасини ушламоқ - ҳайрон қолмоқ*⁵⁴ каби фраземаларда маъно сақланган ҳолда барча компонентлар алмаштирилади ва фразеологик синонимлар шаклланади.

Синонимия тил бирликлари орасидаги семантик микросистемалардан бири бўлиб, иборалар орасида ҳам анчагина. Икки иборани синоним дейиш учун улар айти бир маънони англатиши шарт. Бусиз синонимия ҳақида гапириб бўлмайди. Айти бир маънолилики тенг маънолилики деб тушуниш ярамайди. Ҳар бир синоним, шу синонимия уяси учун умумий маъно ўзанидан ташқари, ўзига хос маъно қиррасига эга бўлади.⁵⁵

Синонимлар одатда бир ёки бир неча жиҳатдан фарққа эга бўлади, шулардан бири маъно қиррасидаги фарқ бўлиши мумкин. Масалан *ер билан яксон бўлмоқ - ер билан яксон қилмоқ* ибораси *кулини кўкка совурмоқ - кули кўкка совурилди* иборасига синоним: айти бир маънони англатади (“бутунлай емирмоқ, йўқ қилмоқ”). Бу синонимлар, бошқа белги-хусусиятларидан қатъи назар, маъно қиррасида фарқ қилади: иккинчисида маъно бир қадар кучли.⁵⁶

Синоним иборалар лексик таркибида бирор компонент айти бир сўз билан ифодаланган бўлиши мумкин. Аммо бунда иборалар таркибидаги бошқа-бошқа сўз билан ифодаланган компонентлар ўзаро синоним бўлмаслиги шарт. Акс ҳолда бир иборанинг вариантларига тенг бўлади.

⁵⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 116 б.

⁵⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т., 1978. – 6 б.

⁵⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т., 1978. – 7 б.

Масалан, *жон(и)ни ҳовучлаб* ва *юраг(и)ни ҳовучлаб* – синоним иборалар: бир лексик компоненти айна бир сўз билан ифодаланган, иккинчи лексик компоненти эса бошқа-бошқа сўз билан ифодаланган ва булар ўзаро синоним эмас. *Кўнгл(и)га тугмоқ* билан *юраг(и)га тугмоқ* ўзаро бир иборанинг вариантларига тенг, чунки бир лексик компоненти айна шу сўзнинг ўзи, иккинчи лексик компонентлари эса ўзаро синоним.⁵⁷

Бир тузилишли фразеологик синонимлар – синоним фразеологик бирлик тўлиқ мос келадиган тузилишга эга.

1. Инглиз тилидаги *(as) plump as a partridge* – *каклик каби дўмбоқ*, *(as) round as a barrel* – *бочка каби думалоқ* тарзида қиёсланса, улар бир хил тузилишга эга бўлади.

2. Турли-тузилмавий (кўп шаклли) фразеологик синонимларни ифодаловчи ғамгин ва ёвузликни характерловчи юз ифодасини англатувчи инглиз тилининг фразеологик бирликлари: *(be/go) as black as thunder / look like thunder* – *момақалди роқ каби қоп-қора*; *a black look* – *қора кўриниш*; *knit one's brows* – *қошларини тўқнаштириш* тарзида ифодаланади.

3. Идеографик фразеологик синонимларда образлар фарқланади. Инглиз тилида: *(as) lean as a rake* – *хаскаш каби озгин бўлиш*; *to be very thin* – *жуда ориқ бўлиш*; *(as) dry as a nut* – *мўмиё каби қуруқ бўлиш*; *to be extremely thin* – *ниҳоятда ориқ бўлиш* каби жуда нозик иборалар ёки образлар турли хиллиги кузатилади.

4. Услубий фразеологик синонимлар стилистик жиҳатдан фарқ қилади. Инглиз тилида: *a yard of pump water* – *суяги этига ёпишган*; *(as) thin as a rake* – *хаскаш каби ориқ* каби фразеологик бирликларда услубий ва нейтрал маъноли иборалар синонимлашади.

5. Стилистик ва идеографик фразеологик синонимлар бир вақтнинг ўзида услубий ва семантик жиҳатдан ҳам фарқланади: *be all fur coat and no knickers* – *юзаки, алдамчи жозибадорлик, гўзаллик*; *Beauty dies and fades away, but ugly*

⁵⁷ Рахматуллаев Ш. Кўрсатилган луғат. – Т., 1978. – 7 б.

holds its own. – *Гўзаллик ўлади ва сўнади, аммо инсон қадри сақланиб қолади (мақол)* каби фразеологик бирликларда намоён бўлади.

Кўринадики, синонимия тил бирликлари орасидаги семантик микросистемалардан бири бўлиб, фразеологик бирликлар орасида ҳам кўплаб учрайди. Синонимия тенг маънолик эмас, синонимик уя семантик майдонидаги ҳар бир фразеологизм маъно қирралари билан фарқланади. *Бош қўшмоқ* ибораси *бош суқмоқ* фразеологизмига нисбатан маънони бир қадар кучли ёки кучсиз ифодалаш билан фарқланади.

Қайд этиш лозимки, синонимлар бир неча жиҳатдан фарқланади. Фразеологик синонимлар асосида бошқа-бошқа образ ётиши кузатилади.

Синонимларнинг вариантлардан фарқли томони шундаки, вариантларда умумий сўз компонент мавжуд бўлади. Синонимларда эса, аксинча, умумий сўз компонент бўлмайди. Синоним иборалар лексик таркибида бирор компонент айна бир сўз билан ифодаланган бўлиши мумкин. Аммо ибора таркибидаги бошқа-бошқа сўз билан ифодаланган компонентлар ўзаро синоним бўлмаслиги керак. Синонимия маъно асосида белгиланадиган ҳодиса бўлганлиги учун уларнинг маъно қирралари, айниқса, эмоционал, ҳис-ҳаяжонни билдирувчи фразеологик бирликларда яққол кўзга ташланади.⁵⁸

Антонимия тил бирликлари орасидаги семантик муносабат асосида белгиланадиган ҳодисалардан бири бўлиб, ибораларда ҳам сўзлардаги даражада учрайди. Антонимияни белгилаш, бир томондан, ибораларнинг луғавий маъносини чуқурроқ англашга олиб келса, иккинчидан, полисемияда бир иборанинг маъноларини ўзаро фарқлашга ёрдамлашади, учинчидан, синонимларни белгилашда ҳам фойда келтиради.⁵⁹

Барча лексик компонентлари бошқа-бошқа сўзлар билан ифодаланган иборалар орасидаги антонимияни белгилаш осон: *савол бермоқ* ва *жавоб қайтармоқ*; *ерга урмоқ* ва *кўкка кўтармоқ* каби. Биринчи антонимлар

⁵⁸ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 1966. – 65 б.

⁵⁹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т., 1978. – 8 б.

таркибидаги ҳар икки сўз-компонентлар, иккинчи антонимлар таркибидаги биринчи сўз-компонентлар ўзаро антоним. Қуйидаги антоним иборалар таркибида қатнашган биринчи лексик компонентлар – айти бир сўзнинг ўзи, иккинчи лексик компонентлар эса антоним сўзлар: *юраг(и) кенг* ва *юраг(и) тор*. Бошқа бир мисол: *кўнгл(и) жойига тушди* ва *юраг(и)га гулгула тушди*. Бу антоним иборалар таркибидаги лексик компонентларнинг учинчиси айти бир сўз, биринчиси ўзаро синоним, иккинчиси эса ўзаро маъно-муносабати ҳосил қилмайди. Кўринадики, антоним иборалар таркибидаги антоним сўз-компонентлар бу ибораларнинг ўзаро антоним бўлишида муҳим роль ўйнайди; аммо барча антоним иборалар таркибида антоним сўз-компонентлар қатнашавермайди. Антонимия иборадан яхлитлигича англашиладиган луғавий маъно асосида белгиланади.⁶⁰

Айрим тилшунос олимлар антонимларнинг мажбурий белгисини қисман мослик деб атайди. Аммо антонимларнинг асосий маъно хусусиятлари мазмун қарама-қаршилиги ва семантик яхлитлигидир. Фразеологик антонимия лексик антонимияга нисбатан кам ўрганилган ҳодисадир. Ўзбек ва инглиз тилларида фразеологик антонимларнинг қатор семантик типлари мавжуд: *яхши – ёмон; тўғри – нотўғри; адолатли – адолатсиз* типидagi фразеологизмларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилидаги муқобили қуйидагича: ўзб. *ҳалол ишлаб топмоқ* – инглиз. *earn an honest penny* – рус. *заработать честным трудом*. Антоними: ўзб. *ҳаром-ҳариш йўл билан топмоқ* ингл. *live by one`s wits* – рус. *всеми правдами и неправдами добывать средства к жизни*; *ҳалол ўйин – fair play – честная игра, честность*; Антоними: *ноҳалол ўйин – foul play – грязная игра*; *ажойиб овоз (тон) good form – хороший тон*; *ёқимсиз овоз (тон) – bad form – плохой тон*; *виждонан ёндашмоқ – in good faith – добросовестно*. Антоними: *виждонсизларча ёндашмоқ – in bad faith – недобросовестно*; *юраги очиқ – a heart of gold – золотое сердцею*. Антоними: *қора юрак – a heart of stone, тош юрак – stone heart, stony heart – каменное*

⁶⁰ Рахматуллаев Ш.Кўрсатилган луғат. – Т., 1978. – 8 б.

сердце каби антонимик таҳлил асосида инсоннинг ҳис-ҳаяжонлари юзага чиқади ҳамда намоён бўлади. Фразеологик антонимия ҳодисаси А.Б.Алехина, Э.Р.Мардиев, Л.И.Стишкова, А.Н.Эмирова каби рус олимлари томонидан ўрганилган, аммо шуни таъкидлаш керакки, лексик бирликлар антонимияси фразеологик бирликлар антонимиясидан анча чуқур ўрганилган. Бу лексикологияда берилган тушунчалар таъриф ва таснифлар ҳажмининг катталиги билан изоҳланади. Инглиз тили фразеологиясини ўрганган А.В.Кунин ўзининг “Курс фразеология современного английского языка” номли китобида ҳодисага қуйидагича таъриф беради: “Фразеологик антонимлар – бир грамматик синфга мансуб, лексик таркибида қисман мос келадиган ёки тўлиқ мос келмайдиган, умумий семантик компонентга эга бўлган ва стилистик атамаларида фарқ қилувчи ёки мос келадиган фразеологик бирликлардир”.⁶¹

Инсоннинг ташқи қиёфаси ва ҳиссиётини ифодаловчи фразеологик бирликлар инглиз ҳамда ўзбек тилларида тавсифловчи бир нечта семантик гуруҳларда намоён этади.

1. Ўзбек тилида *бўйи узун ва бўйи калта*, инглиз тилида: *be as tall as a beanpole* – *минора каби баланд*; *a bit-size boy* – *кичик бўйли бола*; рус тилида: *верста коломенская* – “очень высокий и худощавый” – “жуда баланд ва ориқ бўлиш”; *мужичок с ноготок* – “мальчик или мужчина очень маленького роста” – “жуда кичик бўйли бола ёки одам” каби ифода этилади.

2. Нозиклик ва тўлалик инглиз тилида: *be reduced to a skeleton* – *жуда озгин, суяги этига ёпишган*; *like the side of a house* – *уйнинг ён томони каби кенг*; рус тилида: *живые (ходячие) мощи* “о предельно исхудавшем, измождённом человеке” “жуда озиб кетган одам тўғрисида” – *поперек себя толще* “об очень полном человеке” “жуда тўла одам ҳақида” каби антонимик муносабатда ифода этилади.

3. Чиройли кўриниш ва хунук кўриниш инглиз тилида: *be as cute as a button* – *қўғирчоқ каби ёқимли*; *an ugly duckling* – *иркит ўрдакдек, ёмон одам*;

⁶¹ А.В.Кунин. Фразеология современного английского языка. - М.,1986. – 64 б.

рус тилида: *ни кожи, ни рожки* “кто-либо некрасивый внешне или худой” “жирканч кимса” – “красивый, физически совершенный юноша, мужчина” – “келишган, жисмонан мукаммал ёш одам” каби ифодаланади.

4.Ташқи ўхшашлик – ташқи фарқ инглиз тилида: *like two peas in a pod* – икки нўхат сингари ўхшашлик; *cannot hold a candle to someone/ be not a patch on* – шамни бировга тутиб бўлмайди / унга ямоқ бўлмаслик, ҳеч ким билан шам тутмаслик, ҳеч ким билан таққослаб бўлмаслик; рус тилида: *как две капли воды (напоминать, похож)* “лицо или предмет имеет абсолютный аналог, очень похож внешне на другого человека или предмет” – икки томчи сув сингари ўхшаш бир хил, другой породы/другого пошиба “человек, сильно отличающийся от других людей по своим каким-либо качествам”; оқ қарга - *white crow* – “камдан-кам учрайди, бошқалардан кескин ажралиб турадиган ғайриоддий одам”, “бошқалардан ўз фазилатлари билан жуда фарқ қиладиган одам” каби антонимик муносабатда ифода этилади.

5.Соғлом кўриниш ва оғриқли кўриниш инглиз тилида: *be as fit as a fiddle* – бодрингга ўхшатиш, соғлом бўлиш, соғлом кўриниш; *(be/look) white about the gills* – оқариб кетган, рангсиз кўринишга эга, касал бўлиб кўриниш. рус тилида: *кровь с молоком* “румяный, цветущий, крепкий” қон ва сут “қизғиш, гуллаб-яшнаган, кучли” – краше в гроб кладут “о худом человеке с нездоровым видом”, “ташқи кўриниши носоғлом, ориқ одам” каби ифода этилади.

6.Чиройли ва замонавий кийимлар – эски ва мода бўлмаган кийимлар инглиз тилида: *in your glad rags* – чиройли кийинган, оқилона кийинган – *down at hill* – чиройли ва бежирим кийинган; рус тилида: *в пух и (в) прах* разодеться “одеться крайне пышно и нарядно” “ниҳоятда ажойиб ва нафис кийиниш” каби ифодаланади.

7.Оддий кўриниш – ғайриоддий. Инглиз тилида: *Plane Jane* – содда, ташқи кўринишидан содда аёл; *a rare bird* – ноёб қуш, ғайриоддий одам; рус тилида: *не ахти какой* “о ничем не выделяющемся, среднем, заурядном человеке” “унчалик эътиборга лойиқ бўлмаган, ўртача, оддий одам ҳақида”

каби мисоллар билан изоҳланади. Шундай қилиб, инсоннинг эмоционал ҳолатини тавсифловчи ўзбек ва инглиз фразеологик бирликлари ўзаро синонимик-антонимик муносабатларга киришади.

Инсон қиёфаси тушунчаларининг таърифи ва синонимик кетма-кетлигига мувофиқ ушбу тадқиқот объекти фақат инсоннинг ташқи қиёфасини, ҳолатини, юз хусусиятларини, визуал кўринишини, шунингдек, инсон ҳиссиётини тавсифловчи фразеологик бирликлардир. Инсон хулқ-атворини ёки хулқ-атворини аниқлаш орқали ташқи кўринишнинг билвосита хусусиятини ифодалайдиган фразеологик бирликлар таҳлилга тортилган.

1.4.§ Концепт ва концептуаллашув тушунчаси

Концепт ва концептуаллашув тушунчаси воқеликни категориялаштиришнинг асосий воситаларидан бири бўлиб, когнитология ва когнитив лингвистиканинг таянч тушунчаларидан бири ҳисобланади. Концептлар воқеликни мантикий-тушунчавий асосда ўрганади. Концепт олами билишнинг муайян воқелик олами ҳақидаги маданий боғланган тасаввурларни акс эттирувчи объект сифатида талқин қилинади. Концептлар борлиқдаги ҳодиса ва объектларнинг қандай тузилганлиги ҳақидаги тафаккур асосида яратилган тушунчани ифодаловчи феномендир. Концептлар тил воситалари билан изоҳлаш конструкциялари кўринишида тавсифланади. Тил бирликлари воситасида ҳаёт ва унинг қонуниятлари ҳақидаги билимлар турли рамзлар кўринишида моддийлаштирилади. Концептларнинг миллий ўзига хос хусусияти алоҳида аҳамиятга эга.

Психологик ёндашув доирасида концепт тафаккур жараёнида бир турдаги бир қанча предметлар ўрнини босувчи фикрий ҳосила сифатида тушунилади.⁶²

Культурологик ёндашувда концептларнинг индивидуал-психик хусусиятларидан кўра ижтимоий мазмунига эътибор қаратилади. Концепт

⁶² Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Наврўз, 2019. – 39 б.

маданиятнинг асосий бирлиги бўлиб, инсон онгида “маданият қаймоғи”ни намоён қилади ва у орқали маданият инсон ментал оламига кириб келади.

Концепт когнитив семантика доирасида ўрганилади. Айнан сўз маъноларида воқеликни идрок этиш натижалари сақланади ва шунинг учун компонент таҳлил амалиётини қўллаш орқали сўзнинг концептуал параметрларини, яъни сўз маъносида унинг мантикий – предмет мазмуни, воқеликдаги предметларнинг ҳолатини акс эттирувчи образ ҳақида маълумот олиш мумкин. Воқеликнинг хилма-хиллиги унинг концептларини турлича ифодалашга олиб келади. Концептлар хилма-хиллиги қуйидаги типларни тақозо қилади: фикрий манзаралар, схемалар, гиперонимлар, фреймлар, сценарийлар, инсайтлар, калейдоскопик концептлар. Улар ўртасида аниқ ажралиб турадиган чегара йўқ.

Интегратив ёндашув концептларни лингвистик, когнитив, культурологик, социологик нуқтаи назарлардан ўрганишга имкон беради. Бунинг натижасида ҳодисанинг энг кўз илғамас қатламларини ҳам очиб бериш имкони туғилади. Бу ёндашувга кўра концептлар инсон ментал оламидаги маданиятнинг асосий бирлиги ҳисобланади. Улар оламдаги нарсаларнинг ҳақиқий ёки эҳтимолий ҳолати ҳақидаги, яъни инсон воқеликдаги объектлар ҳақида нима ўйлаши, билиши, тахмин қилиши ва тасаввур қилиши каби маълумотларни ўзида сақлайди.⁶³

Маданий концепт – кўп ўлчамли ментал шакл, унда бир қанча сифатий фарқли компонентлар ажратилади. Маданий концептнинг маъновий компонентлари миқдори ва характери тавсифида турлича қарашлар мавжуд. Маданий концепт “мулоҳаза яхлитлиги”, “тушунча”, “образ”, “фаолият” ларнинг ўзаро алоқаси асосида шаклланади. Концепт тушунчавий компонентларининг муҳим белгиларини санаш орқали тавсифлаш имконсиз. Шунинг учун концепт зидлаш воситасида изоҳланса, кўпроқ ахборотга эга бўлинади.

⁶³ Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Наврўз, 2019. – 53 б.

Фразеологизмнинг муҳим вазифалари қаторида фразеологик маъно таркибини ўрганишни алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбек тили фразеологияси тадқиқотчилари фразеологик бирликларнинг лексик-семантик ва грамматик хусусиятларига эътибор беришади. Таъкидлаш лозимки, фразеологик бирликларнинг лингвопоэтикаси нисбатан кенг ўрганилишига қарамай, ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликларнинг семантик ва услубий хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг бадиий матндаги ролини ўрганиш илмий ечимни талаб қилади. Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг эмотив-ҳиссий-экспрессив имкониятлари ва баҳолаш салоҳияти етарлича ўрганилмаган, фразеологик-семантик гуруҳлардаги фразеологик бирликларнинг ҳиссий-баҳолаш функциялари ва экспрессив имкониятларини ўрганиш муҳимдир.⁶⁴

Ушбу фразеологик бирликларни ўрганиш уларнинг бадиий матндаги ролини аниқлашга ёрдам беради, нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга бўлган ўзбек фразеологияси ривожланишининг умумий тенденциясини ҳисобга олган ҳолда фразеологик бирликларнинг лингвокультурал жиҳатлари ривожланишига тавсиф беради.

Ушбу тадқиқотда фразеологик бирликларнинг инсон ҳис-туйғуларини ифодаловчи бирликлар сифатида ўзбек ёзувчилари асарларида матн доирасида қўлланилиши ҳисобга олинган ҳолда кўриб чиқилган. Ушбу муаммонинг ечими ҳали ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқот объекти бўлмаган, шу билан бирга, эмоционаллик, экспрессивлик ва баҳолаш назарий асослашни талаб қилади.

Ўзбек тилининг эмоционал-экспрессив ва баҳоловчи фразеологик бирликларини тавсифлаш, уларнинг яширин имкониятларини, услубий хусусиятларини аниқлаш ҳам бугунги тилшунослик учун долзарбдир. Фразеологизмда экспрессивлик, эмоционаллик ва баҳолаш категориясининг лингвистик ҳолатини очиб бериш, турли хил эмоционал ҳолатларни ифода

⁶⁴ Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Наврўз, 2019. – 96 б.

этган ҳолда ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг семантик ва услубий хусусиятларини таҳлил қилиш, семантик жиҳатдан инсоннинг сифатий баҳосини ифодалайдиган фразеологик бирликларнинг функцияларини асослаш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Эмоционал-экспрессив ва баҳоловчи маънога эга бўлган фразеологик бирликлар муҳим услубий функция бажаради, бадиий асар персонажлари ва муаллиф нутқини баҳолайди.

Баҳо-муносабат ифодаловчи турли фразеологик-семантик майдонларнинг таснифини ишлаб чиқиш, уларни концептлар асосида ўрганиш, албатта, инсон ҳиссиётининг тил бирликларида акс этишини янада аниқлаштириш имкониятини яратади.

Эмоционал-экспрессив ва баҳоловчи фразеологик бирликларни ўрганиш баъзи лингвистик муаммоларнинг ечимига таъсир қилади: а) зарур услубий таъсирни таъминлаш; б) бундай фразеологик бирликларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи семантик омилларни белгилаш; в) фразеологизмнинг семантик моҳиятини лингвистик ҳодиса сифатида аниқлаш; д) фразеологик бирликлардан тасвирий восита сифатида фойдаланишнинг стилистик-лексик усуллари аниқлаштириш мумкин бўлади.

Инсоннинг эмоционал-экспрессив ва баҳо-муносабатини тавсифловчи фразеологик бирликларнинг структуравий ва семантик хусусиятлари иккита муҳим қисмдан иборат. Фразеологик маъно икки денотатив ва коннотатив макрокомпонентдан ҳамда баҳо-муносабат компонентдан иборат бўлиб, улар батафсил таҳлил этилган.

Ўзбек, инглиз ва рус тилларида инсон эмоцияси ва ташқи кўринишини тавсифловчи фразеологик бирликлар концентрациясининг экспрессив, эмоционал ва функционал-стилистик томонлари таҳлил этилган. Шунингдек, асосий фразеосемантик гуруҳларнинг қиёсий таҳлили семантик, структуравий таҳлил асосида амалга оширилган, ишда, шунингдек, фразеологик бирликларнинг этимологик таҳлили, ўзбек ва инглиз маданий русумларига хос бўлган умумий ва турли хил хусусиятлар таъкидланган.

Шундай қилиб, инсоннинг эмоционал ташқи кўринишини, ҳолатини тавсифловчи ўзбек ва инглиз фразеологик бирликлари ўзаро синонимик-антонимик муносабатларига киришади. Бунда ҳар икки тил фразеологик таркибининг структуравий хусусиятлари намоён бўлади. Бундан ташқари иккала тилда ҳам бир ёки бир нечта вариантли фразеологик бирликлар (инглиз тилидаги лексик вариантларга 40 та мисол ва ўзбек тилида лексик вариантларнинг 29 та намунаси) энг кўп тарқалган. Фразеологик таркибнинг турли хил структуравий ва семантик синонимлар турлари мавжуд. Шунингдек, семантик хусусиятига кўра идеографик, услубий, услубий-идеографик ва фразеологик синонимлар фарқланади. Фразеологик синонимия ва антонимия ҳодисаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, чунки фразеологик бирликлар синонимик ва антонимик муносабатлари маънога асосланиши билан тавсифланади.

Умуман олганда, фразеологик синонимларнинг таърифларини кўриб чиқиб, турли олимлар томонидан таклиф қилинган антоним вариантлар, уларнинг белгилари ўзбек ва инглиз тиллари мисолида бир қадар ишланган деган хулосага келиш мумкин: таққосланган иккала тилда ҳам уларнинг турли хил турлари мавжуд.

Фразеологик вариантнинг ҳолати ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик вариантларда тафовутлар тилнинг асосий хусусияти эканлигини таъкидлаш зарур.

I боб бўйича хулосалар

1. Фразеология – тил фразеологик бойлигининг тарихийлигини, ривожланиш қонуниятларини, ҳозирги ҳолатини ўрганадиган алоҳида бўлимдир. Фразеология маълум бир тилнинг фразеологик бирликларини яхлит илмий ва амалий ўрганадиган фан атамаси маъносида ҳам ишлатилади. Ҳозирда фразеологизмлар маданий тилшунослик, этнолингвистика, психоллингвистика, когнитив тилшунослик, антропоцентрик ва лингвокультурологик каби билимлар доирасида ўрганилмоқда, нутқ

жараёнида фаоллашадиган коннотатив, денотатив ҳамда когнитив моҳиятини намоён этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

2.Фразеологик бирлик тилнинг алоҳида шаклланган, барқарор, такрорланадиган, тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган бирлиги бўлиб, унинг етакчи ва доминант хусусияти образлилик таркибий қисмларининг тўлиқ ёки қисман қайта семантик шаклланган тил бирликларидир.

3.Ҳозирги вақтда антропоцентризм нуқтаи назаридан тилда инсоннинг ҳис-туйғулари, ҳиссиётлари ва фазилатларини тавсифловчи фразеологик бирликларни ўрганиш долзарбдир, чунки ушбу фразеологик бирликлар ўзбек тилида структуравий ва семантик жиҳатдан етарлича ўрганилмаган.

4.Инсоннинг ҳис-туйғулари ва фазилатларини тавсифловчи фразеологик бирликларни таҳлил қилиш, шунингдек, уларнинг лингвокультурологик хусусиятларини тавсифлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки ўзбек тилининг фразеологик фондини тўлиқ ўрганиш алоҳида қуйи фразеологик тизимларни таҳлил қилишни тақозо этади. Инсоннинг эмоционал-экспрессив, баҳомуносабат, фазилатларини ифодаловчи фразеологик бирликларни вариантланиш, синонимик, антонимик муносабатда ўрганиш илмий ва амалий аҳамият касб этади, зеро, улар ўзбек тили фразеологик фондини бойитувчи энг муҳим манбалардан биридир.

5.Ўзбек фразеологиясининг айрим муаммолари ҳануз етарлича ўрганилмаган. Ўзбек фразеологик илмида фразеологик бирликларнинг ўрганиш объекти, чегараси ва ҳажми, фразеологизмларнинг сўз билан алоқаси, метафоризацияси, экспрессивлиги, эмоционаллиги ва образлилиги, лингвокультурологик тадқиқи, уларни қиёсий ўрганиш, ўзбек тилининг фразеологик фондини бойитишда чет тилларининг ўрни, қиёсий-чоғиштирма илмий тадқиқотлар каби масалалар ўз ечимини кутмоқда.

6.Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тили фразеологиясининг баъзи муҳим масалалари ҳам эътибордан четда қолмоқда, фразеологик бирликларнинг ривожланиш йўллари, улар шаклланишининг лексик ва грамматик хусусиятлари, фразеологик бирликларнинг тарихий-генетик ва тарихий-

этимологик хусусиятлари, терминологик фразеология масалалари, баъзи функционал ва услубий қатламлар, арготик, профессионал, диалектал ва фольклор фразеологияси кам ўрганилган.

Фразеологик нутқ маданияти ва меъёрлари муаммолари, фразеологик бирликларнинг таркибий лингвистика ва машинавий таржима билан ўзаро боғлиқлиги, антропоцентрик, когнитив, тилнинг лингвокультурал тадқиқотлари ва бошқа масалалар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

II БОБ. АНТРОПОЦЕНТРИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ЭМОЦИОНАЛ-ЭКСПРЕССИВ КОНЦЕПТ ТАДҚИҚИ

2.1. § Эмотив-экспрессивликнинг лингвистик асослари

Ҳозирги вақтда антропоцентризм нуқтаи назаридан тилда инсоннинг ҳис-туйғу, ҳиссиёт ва фазилатларини тавсифловчи фразеологик бирликларни ўрганиш долзарбдир, чунки ушбу фразеологик бирликлар ўзбек тилида структуравий ва семантик жиҳатдан етарлича ўрганилмаган. Инсоннинг ҳис-туйғулари ва характер-хусусиятларини тавсифловчи фразеологик бирликларни таҳлил қилиш, шунингдек, уларнинг лингвокультурологик жиҳатларини тавсифлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки ўзбек тилининг фразеологик фондини тўлиқ ўрганиш фразеологиянинг қуйи тизимларини таҳлил қилишни тақозо этади.⁶⁵

Фразеологик бирликларнинг ҳиссий-эмоционал ва экспрессив хусусиятлари етарлича ўрганилган эмас. Инсоннинг ҳис-туйғулари ва ҳиссиётлари лингвопоэтик, лингвофалсафий ҳодиса бўлиб, объектив ҳақиқат, атрофимиздаги муҳит инсон ҳиссиётларининг асосий манбаи ҳисобланади. Инсон реал оламни турлича идрок этади ва ҳис қилади, чунки у нафақат тафаккурда, балки барча ҳис-туйғулар билан ҳам ўзининг объектив оламда мавжудлигини таъкидлайди ва эътироф этади.

Инсон ҳаётининг ўзи турли ҳис-туйғуларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ, чунки инсон ҳис-туйғуларсиз ҳеч қачон ҳақиқатни топмаган ва топа олмайди. Инсон ҳис-туйғулари психология ва фалсафанинг етакчи ўрганиш объектидир. Тил эса инсон ҳиссиётларини акс эттириш воситасидир. Тилшунослар ҳиссиётларни тилнинг семантик тизимда акс этиши нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Тил бирликларининг эмоционаллиги, экспрессивлиги муаммолари тилшунослик фанида энг мунозарали ва мураккаб соҳадир.

⁶⁵ Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. -Тошкент, 1991. – 274 б.

Лингвистик эмоционалликни Е.М.Галкина-Федорук экспрессивликка нисбатан торроқ тушунча, яхлитликка нисбатан қисм сифатида, шу билан бирга, ҳақиқатга муносабат сифатида қарайди.⁶⁶

Инсон нутқининг ҳиссий табиати ҳар қандай тил сўзларининг маъносида акс этади, эмоционалликни воқеликка муносабат ва тингловчига ҳиссий таъсир сифатида тушуниш мумкин.

Эмоционаллик ва экспрессивлик ҳодисалари бир-биридан ажралмасдир. Бир ўринда эмоционаллик, иккинчисида экспрессивлик, учинчисида икки хил эмоционаллик етакчи позицияларга эга бўлиши мумкин, шу сабабли биринчисини экспрессив, иккинчисини эмоционал, учинчисини эмоционал-экспрессив деб аташ мақсадга мувофиқ. Туйғулар – бу психологик жараён, яъни инсоннинг нарса ва воқеа-ҳодисалар жараёнига муносабатидир. Бу муносабат нутқда қувонч, қайғу, ғазаб, нафрат шаклида амалга оширилади.

Француз тили фразеологиясининг тадқиқотчиси Г.Г.Соколова фразеологик бирликларнинг эмоционаллик-ҳиссийлик, экспрессивлик, баҳо-муносабат ва услубийлик компонентлари⁶⁷ни фарқлайди.

Бизнинг фикримизча, коннотация фразеологик бирликларнинг эмоционал-экспрессив, баҳоловчи ва услубийликни ифода этадиган муҳим элементидир.

Эмоционал концепт бир тил доирасида эмоционал концептларнинг миллий ўзига хослигини яққолроқ кўрсатиш, ҳам лексик бирликларни, ҳам фразеологик бирликларни яхлитликда ўрганишни тақозо қилади. Эмоционал кечинмаларни ифодаловчи концептлар таркибида ҳис-ҳолатни билдирувчи (*ақлдан озмоқ, юраги қон бўлмоқ*) ёки субъектнинг объектга муносабатини (*жон дилидан яхши кўрмоқ, хаёлдан кетмади, юракка яқин олмоқ*) ифодаловчи фразеологик бирликлар мавжуд. Масалан, *ичини мушук таталаяпти*⁶⁸ фразеологизми инсоннинг муайян психоэмоционал, қайғу ҳолатини англатади.

⁶⁶ Е.М.Галкина-Федорук. «Безличные предложения в современном русском языке». – М.: 1949. – 46 с.

⁶⁷ Соколова Г.Г. Фразеобразование во французском языке. - М., 1986. – 46 б.

⁶⁸ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 129 б.

Концепт воқеликни категориялаштиради ва воқеликни мантиқий-тушунчавий асосда ўрганиб, олам ҳақидаги тасаввурларни акс эттирувчи объект, борликдаги ҳодиса ва тафаккур-тушунчани ифодалайди.

Психологик ёндашув, культурологик ёндашув, интегратив ёндашув концептларни лингвистик, когнитив, культурологик, социологик нуқтаи назардан ўрганишга имкон беради. Бунинг натижасида ҳодисанинг энг кўз илғамас қатламларини ҳам очиб бериш имкони туғилади.

Сўнгги йилларда фразеология масалаларига бағишланган лингвистик тадқиқотларда фразеологик бирликларнинг ҳиссий ва экспрессив моҳияти масаласи тобора кўпроқ илмий таҳлил баҳсига айланмоқда. Фразеологик бирликларнинг эмоционал-экспрессив имкониятларига қизиқиш бежиз эмас, чунки фразеологизмлар ўз табиати билан тил жараёнига ҳиссий-эмоционал, ҳиссий-экспрессив алоқа жараёнини бойитиш функциясига эга лингвистик бирлик сифатида шаклланган. Турли тиллардаги фразеологизмларни ўрганиш сезиларли даражада ривожланган ва ушбу истиқболли илмий соҳанинг турли назарий жиҳатлари бўйича кўплаб янги қарашлар пайдо бўлган бўлса-да, шуни таъкидлаш керакки, бадиий асарлар таркибида фразеологик бирликлардан фойдаланиш масаласи шу пайтгача ҳиссий-эмоционал ва экспрессив тарзда етарлича ўрганилган эмас. Ушбу муаммо фразеология, стилистика ва бошқа лингвистик фанлар учун катта қизиқиш уйғотади.

Тил бирликларининг эмоционал ва экспрессив маънолари нотикнинг туйғуси ва унинг атрофидаги воқеликка муносабати билан чамбарчас боғлиқдир. Атрофдаги ҳақиқатни идрок этиш билан боғлиқ бўлган инсон фаолияти эмотив ҳиссиётлар иштирокисиз амалга ошиши мумкин эмас.

В.Г.Гак тилнинг ҳиссий ва экспрессив имкониятлари тўғрисида назарий қоидаларни ишлаб чиқиб, қуйидаги хулосага келади: “Инсон нутқининг ҳиссий табиати ҳар қандай тил сўзларининг маъносида акс этади”.⁶⁹

⁶⁹ В.Г.Гак. Проблемы лексико-грамматической организации предложений (на материале французского языка в сопоставлении с русским). – М.: 1968. – 146 б.

Туркийшуносликда ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам ханузгача эмоционал-экспрессив фразеологизмларга бағишланган махсус ишлар камчиликни ташкил этади. А.Маматовнинг “Ўзбек тилида эмоционал-экспрессив, баҳо-муносабат ифодаловчи фразеологизмларнинг семантик-стилистик хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик диссертацияси⁷⁰ шулар жумласидандир.

Ўзбек тилшунослигида эмоционал-экспрессив сўзлар муайян даражада ўрганилган. Ўзбек тилининг эмоционал-экспрессив лексик қатлами тавсифланган, улардан услубий мақсадларда фойдаланиш масалалари ёритиб берилган.

Эмоционал-экспрессивлик лингвопоэтик восита сифатида тавсифланиб, тилда, одатда, эмоционаллик экспрессивлик билан тенг тушиши эътироф этилади, шунинг учун эмоционал-экспрессивлик атамасидан фойдаланиш таъкидланади⁷¹.

Нутқнинг эмоционаллиги бу нафақат тингловчининг ақл-идрокига таъсир қиладиган, балки ҳис-туйғуларини уйғотадиган фазилатлардир. Эмоционаллик нутқнинг махсус ҳиссий “семантикага” эга бўлган сўз ва иборалардан (севги, нафрат), балки турли хил восита, сўз, сўз бирикмалари ёки синтактик конструкциялардан моҳирона ва ўринли фойдаланиш орқали ҳам яратилади.⁷²

Туйғулар – бу психологик жараён, инсоннинг нарса ва воқеа ходисаларига муносабатидир. Бу муносабат нутқда қувонч, қайғу, ғазаб, нафрат шаклида амалга оширилади.

Тилшунос олимларнинг юқоридаги фикрлари экспрессивлик ва эмоционаллик инсон нутқини образли, ранг-баранг ва ифодали қиладиган воситадир деган хулосага келиш учун тўлиқ асос беради.

Ҳиссий баҳо ифодалашнинг лисоний воситалари инсоннинг ҳис-туйғу ва ҳиссиётларини ифодалайдиган фразеологик бирликларга тегишли. Кўриниб

⁷⁰ Қаранг: Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси (библиографик кўрсаткич) – Т., 2016. – 190 б.

⁷¹ Қаранг: Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1986. – 342 б.

⁷² Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Наврўз, 2019. – 143 б.

турибдики, сўнгги пайтларда ҳиссий жиҳатдан баҳоланадиган фразеологик бирликлар, уларнинг тематик-семантик гуруҳлари, тарихий шаклланиши ва функционал ишлатилиши тадқиқотчиларни тобора кўпроқ жалб қилаётганлигини таъкидлаш лозим.

Фразеологизмлар ҳиссиёт ва шахс ҳолатларини ифодалашнинг лингвистик тизимда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, чунки фразеологик бирликлар моҳиятига кўра потенциал ҳиссий ва экспрессив-модал маънога эга. Шу нуқтаи назардан А.В.Куниннинг “фразеологик бирликларга хос бўлган воқелик, нарса ва ҳодисаларнинг эмоционал-экспрессив характеристикаси, уларнинг номинатив хусусиятларини истисно қилмайди, балки унга фақат маълум услубий йўналиш беради”⁷³ деган фикри ўринлидир.

Бадий асарлар таркибида эмоционал-экспрессив ва баҳоловчи фразеологик бирликлар асарнинг ғоявий, бадий ва семантик йўналишини, уларнинг умумий мазмун-моҳияти ҳамда услубий ранг-баранглигини белгилайди.

Эмоционал-ҳиссийлик, экспрессивлик, баҳо-муносабат, услубийлик замонавий ўзбек тилининг кўплаб фразеологик бирликларига хосдир. Жумладан, *боши осмонга етди, кўнгли тоғдай кўтарилди, севинчи ичига сигмайди, дўпписини осмонга отмоқ* ва б. инсоннинг ҳолати, қувонч, завқ каби бир қатор ҳиссиётларини ифодалайди. *Кўзлари қинидан чиқиб кетди, кўзига қон тўлди, тепа сочи тик бўлиб кетди*⁷⁴ ва б. шахснинг ғазабланиш, норозилиги ҳиссий ҳолатини ифодалайдиган фразеологик бирликлардир.

Фразеологик бирликнинг семантик таркибида коннотатив маънонинг бир нечта таркибий қисмлари мавжуд бўлади. Биринчидан, ҳар бир фразеологик бирлик инсоннинг эмоционал-экспрессив ҳиссиётларини ифода этишда маълум даражада эмоционалликка эга. Иккинчидан, улар баҳо муносабат қийматига эга, чунки улар ижобий ва салбий баҳоларни

⁷³ Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – М. 1986. – 234 б.

⁷⁴ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 226 б.

ифодалайди. Учинчидан, фразеологик бирликлар экспрессив маъно туфайли у ёки бу даражада бутун гапнинг маъно кудратини оширади. Тўртинчидан, хар бир фразеологик бирлик маълум функционал услубда ишлатилади. Нутққа эмоционаллик, экспрессивлик бериш фразеологик бирликлар турли хил эмоционал баҳоларининг намоён бўлишига ёрдам беради. Фразеологик бирликларни бошқа лексик эквивалентлар билан таққослаш жараёнида ҳиссий экспрессивлик алоҳида аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш керакки, бадиий нутқдаги фразеологизмларнинг эмоционаллиги фразеологик бирликларнинг лисоний маъносида, уларнинг контекстуал ишлатилиши натижасида пайдо бўладиган ҳиссий ранг-барангликнинг очиб берилишида алоҳида аҳамиятга эга. Эмоционал ва экспрессив хусусиятлар фразеологик бирликларнинг лисоний маъносига сингдирилганлиги боис маълум услубий мақсадларга эришишда кенг қўлланилади.

Ҳозирги ўзбек тилида фразеологик иборалар инсоннинг ҳиссий ҳолатини ифодалайди: *огзи қулогига етди, терисига сизмай кетди, қўйи мингга етди, қувончи оламга сизмайди*⁷⁵ ва бошқалар. Ўзбек тилидаги ушбу фразеологик-семантик гуруҳ одамнинг қувониш, қувноқ ҳолатини ифодалаш учун ишлатилади. Бундай фразеологик бирликларнинг лексик эквиваленти – *қувонч* лексемасидир.

Бошқа бир фразеологик-семантик гуруҳ шахснинг ғазабланиш, норозилик ҳиссий ҳолатини ифода этади: *кўзларининг пахтаси чиқди, ғазаби қайнади, кўзи қонга тўлди, тепа сочи тик бўлиб кетди*⁷⁶ кабиларнинг лексик эквиваленти *ғазабланиш*дир.

Ажабланиш, саросимага тушиш ҳолатини ифодалайдиган фразеологик-семантик гуруҳни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: *огзи очилиб қолмоқ, ёқасини ушламоқ, тарвузи қўлтигидан тушди*⁷⁷ фразеологик бирликларининг лексик эквиваленти *ажабланмоқ* лексемасидир.

⁷⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 178 б.

⁷⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 176 б.

⁷⁷ Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган луғат. – Т., 1992. – 198 б.

Кузатишлар кўрсатиб турибдики, инсоннинг ҳиссий ҳолатини ифодалайдиган фразеологик бирликлар экспрессивлиги ва эмоционал-ҳиссийлиги жиҳатидан тегишли лексик эквивалентлар билан таққосланганда маънони кучли ва образли ифодалаши кўзга ташланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фразеологик бирликлардан фойдаланишда эмоционаллик ва экспрессивликнинг намоён бўлишини уларнинг лисоний маъноларидан излаш керак. Фразеологик бирликларнинг семантик таркибида эмоционаллик ва экспрессивликнинг мавжудлиги бир вақтнинг ўзида фразеологик бирликлар маълум услубий мақсадда ишлатиладиган нутқ предмети ва объектига ижобий ёки салбий муносабатни характерлайди.

Ҳар қандай тилнинг фразеологиясини ўрганишда фразеологик бирликларнинг образ, эмоционаллик, экспрессивлик, услубий бўёқдорлик ва баҳолаш каби хусусиятларини англаш аҳамиятлидир. Юқоридаги хусусиятлардан ўзбек тилининг кўплаб фразеологик бирликларига хос бўлган баҳолаш қобилияти алоҳида аҳамиятга эга.

Тилшуносликда шахсга берилган сифатий баҳони ифода этадиган фразеологик бирликларнинг баҳолаш хусусиятига алоҳида эътибор берилади. Шунини таъкидлаш керакки, умуман олганда, фразеология инсон фаолияти билан боғлиқ ҳис-туйғулари ва ҳиссиётларини ифодалашга хизмат қилади, шунинг учун фразеологияда одамларнинг турли хил ҳис-туйғуларини, уларнинг ақлий ва психофизик ҳолатини, инсон характерининг баъзи хусусиятларига, хулқ-атвориغا берилган баҳолаш хусусиятларини акс эттириши табиийдир.

Фразеологизмларда категориал ва семантик маънолар фарқланади. Категориал маънода фразеологик бирликларнинг грамматик маъноси тушунилади, бир-бирига семантик жиҳатдан алоқаси бўлмаган ва умумий элементга эга бўлган фразеологик бирликлар назарда тутилади. Фразеологик

бирликларнинг семантик маъноси шахс ёки объектга нисбатан барқарор ҳамда ижобий ёки салбий хусусиятни ифодалайди.⁷⁸

Ўзбек тилида *бир қоп ёнғоқ, афлотун мия, лабидан бол томади, юраги дарё, дили очик, кўнгли кенг*⁷⁹ каби фразеологик бирликлар шахснинг ижобий фазилатларини, характерини ифодалайди, шу билан бирга сўзловчининг нутқ мавзусига ижобий ҳиссий-эмоционал муносабатини ҳам билдиради. Шунингдек, *без бўлиб турмоқ. сиркаси сув кўтармайди, тирноқ орасидан кир изламоқ, ит эмган, илоннинг оёғини ялаган*⁸⁰ ва бошқалар сўзловчининг нутқ мавзусига салбий ҳиссий муносабатини ифодалайди. Ушбу фразеологик бирликларнинг семантик тузилиши, табиийки, ҳиссийлик, экспрессивлик ва баҳолаш хусусиятларини ўз ичига олади, шунинг учун, бизнинг фикримизча, бундай фразеологик бирликлар эмоционал-баҳо фразеологизмларидир.

Фразеологик бирликларнинг семантикасига бағишланган кўплаб асарларда (Ю.Ю.Авалиани, А.П.Мордвилко, В.П.Жуков, А.М.Эмирова ва бошқалар) фразеологик бирликларнинг баҳолаш имконияти фразеологик-семантик ва мавзуй гуруҳларни аниқлаш асосида кўриб чиқилади. Бу шуни англатадики, бажарадиган вазифасига кўра фразеологик бирликларни турли семантик турларга ажратиш мумкин. Замонавий тилшуносликда уларни концепт нуқтаи назаридан ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

“Семантик майдон” маълум маъно доирасини қамраб оладиган лингвистик бирликлар мажмуидир. А.В.Кунин фразеологик семантиканинг учта жиҳатини ажратиб кўрсатади: сигнификатив, денотатив ва коннотатив маънолар⁸¹. Экстралингвистик категория бўлган тил ва тафаккурнинг бузилмайдиган бирлиги, шунингдек, денотация ва маъно томони ўртасидаги сифат фарқи ҳам ҳисобга олиниши керак.

Тил бирликлари маъносининг коннотатив томони деганда маънонинг услубий томони, унинг таркибий қисmlари маъносининг сигнификатив ва

⁷⁸ Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Наврўз, 2019. – 123 б.

⁷⁹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 185 б.

⁸⁰ Раҳматуллаев Ш.Кўрсатилган луғат. – Т., 1992. – 234 б.

⁸¹ Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. - М., 1986. – 48 б.

денотатив маъноларига ҳамроҳ бўлган қўшимча маъноси назарда тутилади. Коннотациянинг бешта таркибий қисми ажратилади: мотивацион, эмоционал-экспрессив, баҳоловчи, функционал-услубий ва образли компонент. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, образлилик фразеологик бирликларнинг асосий хусусиятларидан биридир, чунки фразеологик бирликларнинг аксарияти мажозий асосда вужудга келади. Ушбу объектив сабабни ҳисобга олган ҳолда тасвирнинг таркибий қисмларини, бизнинг фикримизча, маънонинг денотатив томонига боғлаш лозим.

Фразеологик семантикага бағишланган илмий нашрларда фразеологик бирликлар позитив-эмоционал ва негатив-эмоционалликка ажратилади.

Агар тилда эмоционаллик атрофимиздаги моддий олам далилларидан келиб чиқадиган турли хил туйғулар: қувонч, қайғу, кўрқув, тажриба, таҳдид ва бошқаларни билдирса, экспрессивлик нутқнинг экспрессивлиги ва тасвирини кучайтиради. Таъкидланганидек, эмоция ҳар доим экспрессив ва баҳо-муносабатдир, аксинча эмас. Шунинг тан олиш керакки, эмоционаллик ҳар доим, ҳар қандай шароитда ҳам экспрессивлик билан диалектик алоқада бўлади, гарчи экспрессивлик тилда эмоционалликдан кенгроқ тушунча бўлса ҳам.

Лингвистик-стилистик категория сифатида баҳо “шахснинг объектга нисбатан объектив-субъектив ёки субъектив-объектив муносабати, лисоний воситалар билан эксплицит ёки имплицит тарзда ифодаланади.”⁸²

Айнан фразеологик бирликлар рухий ҳолатни, ҳиссий тажрибани ва инсоннинг турли хил ҳис-туйғуларини (хайрат, завқ, қувонч, ажабланиш, ғазаб, безовталиқ, қайғу, бефарқлик, кўрқув, нафрат ва ҳ.к.) ифодалайди ва барқарор бирликлар образли-мажозий асосининг ўзига хослигини белгилайди.

Ҳиссий фразеологик бирликлар бадиий асарлар мавзусини, қаҳрамонларининг образли хусусиятларини очишда муҳим ўрин тутаяди.

⁸² Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Наврўз, 2019. – 187 б.

Улар бадий асар поэтикасининг умумий фонини ҳиссий мазмун ва экспрессив жиҳатдан бойитади.

2.2. § Ҳиссий-эмоционал олам концептларининг тадқиқи

Инсоннинг атроф-борлиққа нисбатан муносабатида пайдо бўладиган кечинмалари ҳиссий эмоциялар доирасини ташкил этади. Эмоциялар инсон фаолияти, уни ўраб турган олам билан ўзаро муносабатда ҳамда жамоавий фаолияти ва шахсининг ижтимоийлашуви асосида пайдо бўлади. Дарҳақиқат, ҳиссий эмоция психологик феномен бўлиб, ижтимоийлашув, жамоавий психологиянинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳиссий-эмоция психология фанининг тадқиқот объекти саналади. Ҳиссий-эмоциянинг тилдаги акси, тилдаги ифодаси нафақат инсон психологиясини ўрганиш ва тартибга солиш, шу билан бирга тил илмини таҳлил этиш баробарида ўта аҳамиятлидир. Эмоциялар ғарб психологлари томонидан базавий ва периферияга ажратилган. Антропоцентрик фразеологик бирликлар *қувонч, қайғу, газаб, қўрқув, нафрат, ҳайрат, лаззатланиш, қизиқиш, ҳаяжон, ажабланиш, азоб чекиш, газаб, қаҳр, уят, камситилиш* каби асосий базавий эмоциялар доирасида таҳлил этилади.

Тилшунослар инсоннинг фундаментал эмоцияларини белгилаб олиш масаласини илгари суради ва муайян тил ҳамда турли тиллар доирасидаги эмоцияларни қиёслаш асосида ўтказилган тадқиқотлар натижасида *газаб, қувонч, гам, қўрқув* эмоцияларини универсал ҳодиса сифатида қабул қилишади. Жаҳон тилшунослигида эмоцияларнинг тил сатҳида ифодаланиши турли аспектларда ўрганилган (Қаранг: Бабенко 1989; Вежбицкая 1997, Красавский 2001; Фомина 1996; Шаховский 1988; Buck 1984; Buller 1996; Zillig 1982 ва бошқалар).

Вербал белгили (лексема ва турғун бирикмалар шаклидаги) эмоциялар тилшунослар учун муҳим аҳамият касб этади. Фразеологик номлашда лингвомаданий жамоанинг муайян ривожланиш босқичидаги цивилизация ва маданият феноменлари вербаллашади, специфик билиш тажрибаси,

дунёқарашининг ўзига хос хусусиятлари эксплицит ифодаланади. Билвосита номлашнинг лингвомаданий таҳлили олам объектлари номларининг биридан иккинчисига кўчиши мотивацион асосларини, миллий маданий ўзига хос хусусиятларини очишга имкон беради.⁸³

Эмоцияларнинг миллий ўзига хос табиати, концептуаллашув жараёнларини ўрганишдан олдин маълум бир тушунчаларни ёритиш мақсадга мувофиқ. *Эмоция* (лат.*emoveo* – тебрантираман, тўлқинлантираман) – бу мавжуд ёки мумкин бўлган вазиятларга ва объектив дунёга субъектив баҳолаш муносабатини акс эттирувчи, ўртача давомийликдаги психик жараён. Баҳолашнинг субъективлиги эмоциялар концептуаллашувининг этноспецификлигини кўрсатади. Эмоциялар турли лингвомаданиятга хос лексемалар билан ифодаланади. Албатта, бу тил белгиларида маълум бир фарқли томонлар борлиги қиёсий лингвистик таҳлил натижаларини ўзаро таққослаганда намоён бўлади. *Эмоционал* – эмоция жиҳатдан бўлган, эмоцияга оид; эмоция, ҳис-туйғуни ифодаловчи. *Эмоционаллик* – эмоционал белги, хусусият; шундай белги-хусусиятга эгалик [ЎТИЛ. 2008:37]. *Эмоционал концепт* бир тил доирасида эмоционал концептларнинг миллий ўзига хослигини яққолроқ кўрсатиш учун ҳам лексик бирликларни, ҳам фразеологик бирликларни яхлитликда ўрганишни тақозо қилади. Эмоциялар концептуаллашувида иккита ўзаро боғланган аспект фарқланади: а) эмоционал кечинмаларнинг бевоситалиги ёки ҳис-ҳолат (*ақлдан озмоқ, юраги қон бўлмоқ*); б) субъектнинг объектга муносабати ёки ҳис-муносабат (*жон дилидан яхши кўрмоқ, хаёлдан кетмади, юракка яқин олмоқ*). *Ичини мушук таталаяпти, ич этини емоқ, ичи ачимоқ*⁸⁴ фразеологизмлари инсоннинг муайян психоэмоционал ҳолати, қайғу ҳолатини англатади.

Инсон ҳолатини англатувчи фразеологик бирликларни: инсоннинг жисмоний ҳолатини англатувчи (озғинлик, аффектация ва ҳок.): *чигирткадек қотиб кетмоқ* (қайғу), *эти суюгига ёпишган, нафаси бўғзига тиқилмоқ*

⁸³ Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Наврўз, 2019. – 160 б.

⁸⁴ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 198 б.

(ғазаб), *лабига учуқ тошди* (қўрқув), *тишини оқини кўрсатмоқ* (қувонч); инсоннинг рухий ҳолатини англатувчи (тана органлари фаолияти бузилиши, рухнинг хотиржамлиги ва ҳок.): *юраги нўкилламоқ* (қўрқув), *ичини мушук таталапти* (хавотир, қайғу), *димози чоз бўлмоқ* (қувонч) каби семантик гуруҳларга ажратиш мумкин. Фразеологизмлар баҳо хусусиятига кўра кўйидаги семантик гуруҳларга ажратилади: салбий (ғазаб, қайғу, қўрқув) ва нейтрал-ижобий (хайрат, қувонч, севги) баҳони ифодаловчи фразеологизмлар.

Фразеологизмларнинг баҳолаш функцияси, яъни эмотив баҳо тил прагматикаси билан бевосита боғланган. Борлиқдаги реалияни баҳолашда сўзловчи, асосан, эмоционал кечинмаларга таянади. Эмоция ва баҳо бир-бирини тақозо қилувчи ва бир-бирига бириккан бўлади. Масалан, “бу яхши инсон” контекстида баҳони рационал-мантикий ифодалаш мумкин бўлса, эмотивлик автоматик равишда ўзига баҳони бириктириб олади, мазмунни баҳоламасдан туриб ҳис-муносабатни ифодалашнинг имкони йўқ.

Маълумки, эмоциялар мураккаб феномен ва улар бир-бири билан кўп қиррали алоқада бўлганлиги сабабли айни бир ҳис турли эмоцияларда воқе бўлади. Масалан, севги ҳисси қувонч, ғазаб, қайғу, қўрқув ва ҳ.к. эмоциялар спектрини пайдо қилади. Масалан, *юраги қинидан чиқа ёзди* турғун бирикмаси ҳам ташвишланиш, ҳам қувонч ҳисларини ифодалайди. - *То эшик очилгунча Садафнинг юраги қинидан чиқаёзди* (Б.Бунёд. Опа-сингил). – *Йигитнинг юраги қинидан чиқаёзди. Кўлида фонус кўтарган Майнагул кўринди, оиҳонага ўтавериб тўхтади, бирпас нимагадир ангсариб қулоқ тутгач...* (Ҳамид Элхон. Майнагул).

Фразеологизмлар негизида инсон ботиний оламини қолиплаш учун эмоционал концептлар таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Инсон эмоция ва ҳисларини ифода этувчи ва англатувчи салбий эмоцияли фразеологизмлар ижобий эмоцияли фразеологизмлардан миқдорий устун эканлиги кузатилади. Ҳозирги ўзбек тилининг фактик материални таҳлил қилиш эмоцияларни ифодалайдиган фразеологик-семантик майдонларни ажратиш кўрсатишга

имкон берди: а) қувонч, ҳайрат, бахт; б) ажабланиш, ҳайратда қолиш; в) ғазабланиш, қайғу, хафагарчилик; г) ташвиш, ҳаяжон, хавотир; д) масхара қилиш, эътиборсизлик, нафратланиш; е) таҳдид, лаънат; ё) кўрқув, даҳшат; ж) бепарқлик, бепарволик; з) азобланиш ва шу каби тематик гуруҳларнинг ҳар бирини алоҳида тавсифлашга уринамиз.

2.2.1. Қувонч, бахт эмоционал концептли фразео-семантик модел

Тилдаги фразеологик бирликларнинг аксарияти лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларига кўра суҳбатдошларнинг кайфияти, ҳиссиётлари билан боғлиқ бўлган турли хил эмоционал ҳолатларни ифодалашга хизмат қилади. Бу ҳолат нутқда турли йўллар билан: нутқ ҳолати, вазият, интонация, ишора ва кўрсатмалар каби паралингвистик воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Фразеологик бирликлар органик равишда фақат инсон ҳиссиётлари ва ҳис-туйғуларини ифодалаш билан тавсифланади. Бундай фразеологик бирликлар гуруҳининг умумий семантикаси экстралингвистик хусусиятга эга. Бу ҳолда барча фразеологик бирликлар инсоний ҳис-туйғуларни белгилайди ва ифода этади.

Фразео-семантик майдонларни ҳисобга олган ҳолда, бундай ибораларнинг эмоционал-экспрессив маънолари ва услубий аҳамиятини тавсифлаш зарур. Таъкидлаш лозимки, фразеологик бирликларни фразео-семантик концептлар бўйича аниқ тақсимлаш мумкин эмас, чунки психологияда ҳиссиётларнинг аниқ каталоги мавжуд эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки эмоциянинг нюанслари ва қирралари чексиздир.⁸⁵

Шу муносабат билан тадқиқотда мотивацион баҳога эга бўлган ўзбек тилидаги фразеологик бирликлар таснифланган, она тилида сўзлашувчиларнинг турли хил ҳис-туйғулари ва ҳиссиётларини ифода этадиган жуда кўп сонли фразеологик бирликлар изоҳланган. Баъзи ҳолларда

⁸⁵ Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Наврўз, 2019. – 223 б.

битта соҳага бир нечта ҳис-туйғуларни ифода этадиган бирликларни киритиш зарурияти сезилади.

Ушбу фаслда фразеологик семантик мотивлар соҳасининг хусусиятларига асосланиб фразеологик бирликлар гуруҳларини аниқлаш а) маъно таркиби маълум туйғуларни ёки ҳис-туйғуларни ўз ичига олган фразеологик бирликларнинг таърифи; б) нутқда одамнинг ҳис-туйғуларини ифодалайдиган фразеологик бирликларнинг таъсири (контекст шароитида) ҳақида баҳс юритилади.

Сўнгги пайтларда ўтказилган семантик тадқиқотларда алоҳида ўринни эмоционал семантиканинг муаммолари эгаллаган, бу инсон омилининг тилдаги ҳиссий жиҳати билан чамбарчас боғлиқ. Маълумки, инсоннинг ҳиссиётлари тилда акс этади. Бу тилнинг яратувчиси бошқа одамлар ва атрофдаги ҳақиқат билан турли хил муносабатларга киришадиган, турли хил ҳис-туйғуларни бошдан кечирадиган одам манзарасида намоён бўлади. Тил алоқа воситаси сифатида инсон ҳиссиётларини акс эттиради. Инсоннинг ҳиссиётини, воқеликни баҳолаш билан бевосита боғлиқ бўлган соҳаларни қамраб олади, инсон шахсиятининг психологик хусусиятлари, фаолиятнинг ҳиссий-ирода томонининг когнитив жараёнлари, шахснинг индивидуал типологик хусусиятларини ифода этади. Ушбу ва бошқа ҳолатлар ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг семантик гуруҳини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади, инсон туйғуси ва ҳиссиётларининг фразеологик семантик майдонларини ҳисобга олган ҳолда тавсифланади.

Қувонч, бахт концепти эмоциялар ичида фақат ижобий баҳо категориясига эга бўлиб, қувонч, шодлик, хурсандлик туйғуси, кайфият; шодлик, севинчни ифодалашга хосланган. Қувончнинг антонимлари *ғам, андуҳ, хафагарчилик, қайғу* лексемалари ва шундай маъноларни ифодалайдиган фразеологик бирликлар ҳисобланади. Психология тиббиётда қувонч эмоцияси шахснинг яшаш тарзига, ҳаёт фаолиятига, генетик ёшига ижобий таъсир этишини таъкидлайди. Бу каби ҳаётий ҳақиқат *кулги умрга умр қўшади; жаҳлдан кексаясан, кулгидан яшарасан* каби ўзбек тили турғун

бирикмаларида ўз ифодасини топганлиги ҳам қувонч, бахт концептли фразеологик бирликларни турли концептларда тавсифлаш зарурлигини кўрсатади.

“Қувонч” маъноли фразеологизмларнинг когнитив белгиларига кўра қўйидаги семантик моделлари фарқланади. Қувонч ҳолатини англатувчи тана аъзоларининг ҳолатини образли ифодалаш асосида: *боши кўкга етди; бошини кўкка етказмоқ – беҳад севиниш, қувонч билан боғлиқ вазиятни, ҳолатни ифодалайди. Варианти: боши осмонга етмоқ – бошини осмонга етказмоқ; Синоними: терисига сизмай кетмоқ, оғзи қулогйда; оғзи қулогига етди, оғзининг таноби қочди, қўйи мингга етди*⁸⁶ каби фразеологик бирликлар инсоннинг ниҳоятда хурсандлигини, инсоннинг қувончини образли тарзда ифодалайди. Варианти: *боши кўкда. Синоними: оғзи қулогйда, дўпписи осмонда.*

Бахти очилди – иборасида оила қуриб, ширин осойишта ҳаёт қуриш, қувониш оттенкаси, бахт семаси мавжуд. Қувонч, ҳаяжон ҳолатини ифодалаш инсон ички органлар ҳолатининг образ манзараси асосида ифодаланади: *юраги урди* – ҳаяжондан юрак уруши, тепиши тезлашмоқ, кучаймоқ; варианти: *юраги дуқурлаб урди, юраги дуқурлади, юраги увишди, юраги уюшди. Юраги чапак чалиб юборди –жўшмоқ, тўлиб тошиб ҳаяжонланмоқ, юраги қинидан чиқа ёзди; юраги қоқ ёрила ёзди; ичаги узилгудай бўлиб; кўкраги тоғдай кўтарилмоқ*⁸⁷. Қувонч ҳолатини англатувчи ментал хусусиятлар, этнофраземалар: *дўпписини осмонга отмоқ; Қувонч ҳолатини англатувчи зооним компонентли: қўйи мингга етмоқ; Қувонч ҳолатини киши юз кўриниши орқали англатувчи: тишининг оқини кўрсатмоқ; чехраси очилмоқ; чехраси ярқираб кетди; оғзининг таноби (боғичи) қочмоқ; кўзи ёнмоқ. Қувончни англатувчи вужуд ҳолати: қушдек енгил бўлмоқ; терисига сизмай кетмоқ, севинчи ичига сизмаслик. Қувонч ҳолатини англатувчи танадаги руҳий ҳолат: жон кирмоқ; ўзини қаерга*

⁸⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 160 б.

⁸⁷ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 160 б.

қўйишни билмаслик ва бошқалар. Қувонч гуруҳига мансуб айрим фразеологик бирликлар диффузлик табиатига эга. Улар қувонч ва қўрқув, ғамни акс эттиради, масалан, *юраги қоқ ёрила ёзмоқ*. Кузатув элементли фразеологик бирликларда бошқа кишида қувонч ҳолатини уйғотиш мақсади бўлади. Қалб қувонч ҳисси макони тарзида контейнер функциясини бажаради. Контейнернинг тозалиги (*кўнглида зубор қолмаслик*), ёруғлиги (*кўнгли ёки қалби ёришмоқ*), банд бўлиши (*кўнгли тўлмоқ*) қувонч эмоциясини ифодалайди. Агар охириги ҳолатда юрак ва ўпка физиологик органларини контейнер сифатида кўрсак ва у банд бўлиш, тўлиш ҳолатида бўлса диққинафаслик ва ғамгинлик ҳолатларини акс эттиради: *юраги тўлмоқ; ўпкаси тўлмоқ; юраги тўлганнинг йиғиси кўп*.⁸⁸

Инсоннинг завқ, қувонч, бахт ва бошқа маънавий фазилатларини ифода этадиган фразеологик бирликлар ўзбек тилида муҳим ўрин тутди. Одамнинг ҳайрат, қувонч, бахтиёрлик туйғуларини ранг-баранг тарзда етказиш, шунингдек, қаҳрамонларни шахсий тавсифлаш, персонажлар нутқидаги ҳодисаларни баҳолаш учун ёзувчилар, кўпинча, фразеологик бирликлардан фойдаланадилар. Ҳозирги ўзбек тилида контекст муҳитисиз завқ, қувонч, бахт ҳиссиётларини ифодалайдиган бир қатор синонимик фразеологик бирликлар ҳам мавжуд. *Оғзи қулоғига етди* (сўзма-сўз айтганда, оғиз қулоқларга етиб бормоқ, оғизнинг кенг очилиши, натижада шодонликни ифодалаш образи асосига қурилган), бахтли инсон қиёфасини, унинг қувноқ, ҳиссий ҳолатини ифодалаш учун ишлатилади. *Раҳбар қабулидан нима учундир оғзи қулоғига етиб чиқди* (Асад Дилмурод. Кўчки). *Ўғил фарзанддан Мансурнинг оғзи қулоғига етиб қувониб юрди* (Т.Жўраев. Бозор дунё). *Имтиҳондан ўтиб паттани қўлга олганидан оғзи қулоғига етиб, ўзини қўярга жой тополмасди* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат).

Тилда қувонч, завқ-шавқни ифода этувчи фразеологик бирликларнинг синонимик қаторлари ва вариантлари мавжуд бўлади. Шу маънода концептли ўрганиш, албатта, уларнинг синонимлари ва вариантларини

⁸⁸ Рахматуллаев Ш.Кўрсатилган луғат. – Т., 1992. – 125 б.

ўрганишни тақозо этади. Синонимларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш фразеологик бирликларнинг ҳиссий эмоционал-экспрессив маънолари ва имкониятларини очиқ беришга имкон беради.

Қувонч эмоционал-экспрессив ҳолатни ифодаловчи қаторда таркибий жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган, аммо синонимик бўлган фразеологик бирликлар ва уларнинг вариантлари бирлаштирилган:

Қувонч концепти *оғзи қулоғига етди – оғзининг таноби қочмоқ – лабининг таноби қочмоқ, боши осмонга етмоқ – боши кўкка етмоқ, терисига сизмай кетди – танига сизмай кетди, кўнгли кўтарилмоқ, кўнгли тоғдай кўтарилмоқ, қувончи ичига сизмайди – севинчи ичига сизмайди – қувончи оламга сизмайди, дўпписини осмонга отмоқ – дўпписини осмонга иргитмоқ – дўпписини осмонга ташламоқ*⁸⁹ ва бошқалар.

Кўринадики, ҳар бир фразеологик бирликнинг бир нечта варианты мавжуд. Масалан, *оғзи қулоғига етди* фразеологик бирлик нутқда эллиптик шаклда (*оғзи қулоғида*) ҳам, грамматик ўзгаришлар билан ҳам ишлатилиши мумкин бўлган бир неча грамматик вариантларга эга (оғз/им / қулоғ/им/да) Мисоллар: *Бемалол етамиз хавотир бўлма, – деди оғзи қулоғида бўлган шериги.* (Х.Дўстмуҳаммад. Қичқирик) *Бу нарса менга жуда ёқиб тушди, оғзим қулоғимда.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат)

Оғзининг таноби қочмоқ фразеологик бирлиги бахтли одамнинг ҳиссий ҳолатини ифодалаш учун ишлатилади. Нутқда у турли грамматик вариантларда учрайди: *Кўшинининг келини ўғил туғибди. Бир жойда туролмайди. Оғзининг таноби қочган.* (Асад Дилмурод. Кўчки) *Оғзининг таноби қочиб, кулиб юборди, бу ёгини айтолмади Юсуф.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат)

Шахснинг қувончли ҳолатини ифодалаш учун *лабининг таноби қочмоқ* фразеологик бирлигидан фойдаланилади. Бу *оғзининг таноби қочди* фразеологик бирлигининг лексик вариантыдир. Бундай ҳолда оғиз компоненти лаб билан алмаштирилади. *Оғиз ва лаб* сўзлари, албатта,

⁸⁹ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 227 б.

синонимлар эмас, аммо вазифалари билан жуда ўхшаш: иккаласи ҳам инсон танасининг қисмини ташкил этади, иккаласи ҳам маълум даражада ўхшаш мақсадларни бажаради. Луғавий компонентни алмаштиришда уларнинг семантикасига таъсир этмайди, аммо тасвирланган вазиятни янада аниқ ифодалаш учун имконият яратилади. *Унинг кўзларида йигит шўхлиги жилваланиб, лабларининг таноби қочди.* (Зулфия Қуролбой қизи. Аёл)

Боши осмонга етмоқ фразеологик бирлигининг *боши кўкка етмоқ* варианты ишлатилади. Бизнингча, бу ҳолатда доминант фразеологик birlik *боши осмонга етмоқ* ҳисобланади. Синонимлар ва уларнинг вариантлари тилда сўзловчилар томонидан, асосан, такрорнинг олдини олиш ва эмоционал экспрессив имкониятларни ҳисобга олган ҳолда маънони кучайтириш учун ишлатилади.

Худди шу нарса *терисига сизмай кетмоқ ва танига сизмай кетмоқ* фразеологик birlikлари билан ҳам содир бўлади, бунда тер (тери) лексик компоненти *тан - танага* алмаштирилади.

Қувончидан терисига сизмай кетган эди. Меҳрибонлигидан, терисига сизмай яйраб кетди. (Ҳамид Элхон. Майнагул) *Садаф терисига сизмай югуриб бориб, онахоннинг қўлтигига кириб, ҳовлига бошлаб келди.* (Б.Бунёд. Опа-сингил).

Таҳлилга тортилган фразеологик birlikлар ҳиссий хусусиятга эга, яъни улар контекстан ташқарида ҳам эмоционал ва экспрессив маънога эга. Нутқда улар номинатив маънолардан ташқари, инсоннинг ҳиссий ҳолатини, нутқ мавзусига муносабатини ифодалайди. Бундай фразеологик birlikлар ўзига хос ҳиссий ва баҳоловчи маъно касб этади.

Ҳис-туйғуларни эмоционал-экспрессив ифода этадиган фразеологик birlikлар метафоризация, таққослаш, фразеологик birlikларнинг алоҳида таркибий қисмлари ёки умуман таркибий қисмларнинг комбинацияси асосида яратилади. Нутқдаги бундай фразеологик birlikлар стилистик мақсадларда, айниқса, эмоционал-экспрессив маъно қирраларини ифодалаш учун ишлатилади. Масалан, *юраги кенг, кўнгли тоғдай кўтарилди, кўкраги*

тогдай кўтарилди фразеологик бирликлари мажозий асосни ҳисобга олган ҳолда шаклланган. Инсоннинг қувончи қайғу билан таққосланади, бу қувонч ҳисси маъноларнинг эмоционал-экспрессив кирраларини ифодалашга хизмат қилади. *Кўкрагим тогдай кўтарилди.* (Зулфия Қуролбой қизи. Аёл) *Дўстлари ҳол сўрашганидан унинг кўнгли тоғдек кўтарилар эди.* (М.Махмудов. Оқ гул) *Чўккан кўнглини тоғдек кўтариб чиқиб кетди.* (Т.Жўраев. Бозор дунё) каби бадий асарлардан олинган тил материаллари қувонч, бахт концептли семантик майдонларни юзага келтиради.

Ўзбек тилида фразеологизмлар турли хил туйғуларни ифодалашга ёрдам беради, коида тарикасида фақат контекст шароитида амалга оширилади. Фразеологик бирликлар, масалан, *юраги ёрилди, юраги қоқ ёрила ёзди, кўкрак қинидан чиқай-чиқай дер* кабилар контекстга қараб *қувонч, завқ* маъносини шу билан бирга кўрқув, даҳшат концептли семантик майдонни ҳам ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун семантик майдонларни ажратиб кўрсатишда бундай фразеологик бирликларни ифодалаш мақсадида тил элементлари, аниқловчи сўзлар бўлиши мумкин. Контекстда бундай фразеологик бирликларга *қувончидан, севинганидан* аниқловчи сўзлари ҳам кўшилади. *Сизни кўриб севинганимдан юрагим қоқ ёрила ёзди.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) *Севинганидан юраги ёриларди.* (Зулфия Қуролбой қизи. Аёл) *Қувончидан кўкрак қинидан чиқай-чиқай дер эди.* (Х.Дўстмуҳаммад. Қичқирик) каби матнлар фикримизнинг далилидир. Ушбу матнларда фразеологик бирликлар деярли бир хил даражадаги эмоционал-экспрессив маънога эга, аммо охирги икки фразеологик бирлик ҳис-туйғу ва қувонч ҳисларини кўпроқ образли равишда ифодалайди.

Қувонч ҳис-туйғуларини ифодаловчи *севинчи ичига сизмайди* фразеологик бирлигининг *қувончи оламга сизмайди* варианты мавжуд. Биринчи версияда *қувонч* лексик компоненти *севинч* сўзи билан алмаштирилган. Фразеологик бирликларнинг бу вариантлари ҳиссий ва экспрессив маъноларда фарқ қилади. *Севинчи ичига сизмай уйига қайтган келинчак табибнинг маслаҳатларини бекаму кўст бажара бошлади, ҳар куни*

қайнонаси яхши кўрган таомларни шириндан-ширин қилиб пиширарди ва унинг косасига озгина дори қўшиб қўярди. (Р.Жўрақулова. Қайнона ва келин хикояси ёхуд заҳар севгига айланди) Ота-онасининг қувончи оламга сизмайди. (Х.Хушвақов. Каттақўрғон тонги)

Мисоллардан кўришиб турибдики, юқорида тилга олинган ибораларнинг аксарияти, лексик ва грамматик хусусиятларига кўра, феъл туркумига мансуб. Шунини таъкидлаш керакки, аксарият ҳолларда феъл иборалар одамларнинг ҳиссий муносабатларини тавсифловчи шахснинг ҳаракати ва руҳий ҳолатини белгилаш учун ишлатилади. Бундай семантик қирраларни ифода этиш учун фразеологик бирликлар тилда кенг тарқалади, чунки инсоннинг ҳаракати ва ҳолати, муносабатларига маълум бир ҳаракат ёки ҳолат номини эмас, балки унинг баҳосини ҳам ўз ичига оладиган образли, экспрессив ва эмоционал белги керак. Ҳайрат, қувонч ифода этадиган ҳиссий-тартибларнинг фразеологик-семантик майдони ҳар бир фразеологик бирликнинг семантик таркибидаги ҳиссий-тартибни, образни ўз ичига олади ва улуғворликни таъминлайди.

Кузатишлар шунини кўрсатдики, ҳаяжонланиш, завқланиш, қувонч ифода этадиган ҳиссий-экспрессив фразеологик бирликларнинг компонентлари инсон танасининг қисмларини номловчи асосий сўзларга таянади. Масалан, оғиз: *оғзининг таноби қочди, оғзи очилиб қолди, оғзининг суви қочди*; бош: *боши осмонга етди, боши кўкка етди*; тери: *терисига сизмай кетди*; лаб: *лаблари ип чивирди*; кўкрак: *кўкраги тоғдай кўтарилди*; юрак: *юраги тоғ, юраги тоғдай кўтарилди* ва бошқалар. Ушбу семантик майдон фразеологизмлари нутқда трансформацияланган шаклда ишлатилади. Трансформация жараёнида компонентларни алмаштириш, сўзларни фразеологик бирликлар таркибига қўшиш, эллиптик шаклланиш ва ҳоказо ҳолатлар мавжуд. Қувонч ёки ҳайрат туйғусини кўрсатишга хизмат қиладиган фразеологик бирликларнинг семантик майдони ўзининг турли образли ифодалари билан ажралиб туради.

2.2.2. Ҳайратланиш эмоционал концептли фразео-семантик модел

Ҳозирги ўзбек тилида турли хил ҳайратни ифодаловчи фразеологик бирликлар кенг қўлланади. Улар инсоннинг ҳолатини, кутилмаган ғайриоддий ҳодисага муносабатини ёки ҳиссий ҳолати ва ҳаракатларини баҳолашни, шунингдек, баъзи ҳолларда ҳодисанинг ўзини баҳолашни назарда тутди.

Бундай фразеологик-семантик майдон таркибига *оғзи очилиб қолмоқ*, *ёқасини ушламоқ*, *оёғи остидан чиқиб қолмоқ*, *ўзини қўярга жой тополмаслик*, *ҳайратда қолмоқ*, *тарвузи қўлтиғидан тушмоқ*, *ҳан-манг бўлиб қолмоқ* ва бошқа ҳайратланишни ифодаловчи фразеологик бирликлар киради.

Мисоллардан кўришиб турибдики, ажабланиш, саросимага тушиш, ҳайратланишни ифодаловчи фразеологик бирликлар тузилиш ва грамматик хусусиятларига кўра феъл фразеологизмлардир. Бундай турғун иборалар грамматик тузилишининг ўзига хос хусусияти уларда феъл –асосий сўзнинг мавжудлигидир. Ушбу феъл бутун фраземанинг грамматик маркази вазифасини бажаради, фразеологик бирликлар бир бутун ҳолда ҳаракатни, ҳолатни ва феълга хос бўлган одамнинг ҳиссий ҳолатини англатадиган семантик функцияни бажаради. Гапда бундай фразеологик бирликлар, одатда, предикат сифатида ишлатилади.

Оғзи очилиб олмоқ фразеологизми ҳайратга тушган одамнинг ҳиссий ҳолатини образли равишда ифодалайди, гўзалликка қойил қолиш, фавқулодда эпчиллик ва ҳ.к.ларни ифода этишда актуализатор родини ўйнайди. Коннотация бошқа маънолар орасида алоҳида ўрин эгаллайди, яъни фразеологик бирликлар коннотациянинг белгили ифодасидир. Маъноларнинг коннотатив томони фразеологик бирликларнинг имкониятларини белгилайди. Тилшунослар коннотацияни сўзнинг денотатив таркибига қўшилган услубий маъно, қўшимча маъно деб таърифлайдилар.

Таҳлилга тортилган фразеологик материаллар ушбу фикрнинг тўғрилигига гувоҳлик беради. Коннотация, одатда, эмоционаллик,

экспрессивлик, баҳолаш, услубий буюқдорликни ўз ичига олади. Бу коннотациянинг тўртта таркибий қисми турли комбинацияларда биргаликда ҳаракат қилиши мумкин. Масалан, *хайратда қолмоқ, хайратдан қотиб қолмоқ* каби фразеологик бирликлар кучли хайратни билдиради. Фразеологик бирликларнинг семантик таркиби, мазмуни, биринчи навбатда, инсоннинг ҳиссиётлари, кайфиятлари, кечинмалари, шунингдек, объектга берилган ҳиссий баҳода ифодаланади, шахснинг объектга бўлган субъектив-объектив муносабатида намоён бўлади; фразеологизмнинг маълум бир функционал услубга алоқадорлигини ифода этади.

Фразеологик бирликлар учун *хайратда қолмоқ, хайратдан қотиб қолмоқ*, “хайрон қолиш” маъноси фразеологик маъно субъектив-мантикий компоненти, эмоционал-экспрессив маъно коннотатив қисмдир. Шунингдек таъкидлаш керакки, ушбу фразеологик бирликларда компонентнинг улуши аҳамиятсиз. Баъзан бу фразеологик бирликларнинг эмоционал ва экспрессив маънолари градация билан кучаяди: *хайратда қолмоқ, хайратдан қотиб қолмоқ. У менинг устимдаги юкларни кўриб хайрон қолди.* (Б.Бунёд. Опа-сингил) *Пирманни, болаларни хайратда қолдирган нарса Абдуллонинг чакқонлиги эди.* (Ҳамид Элхон. Майнагул) *Пастга энгашиб, қояга ёпишиб ётган Султонга кўзи тушиб хайратдан қотиб қолди, сўнг хўнграб йиглаб юборди.* (Х.Дўстмуҳаммад. Қичқирик) Баъзи ҳолларда фразеологик мантик хайрат, завқ маъносини ифода этиши мумкин.

Тарвуз(и) қўлтиг(и)дан тушмоқ фразеологизми –икки маънони ифода қилади: а) ажабланиш, хайратда қолиш б) қайғу. Кўп ҳолларда фразеологик бирликнинг маъноси контекстда аниқланади. Ушбу фразеологик бирлик инсоннинг образли, ҳиссий ҳолатининг акс этиши билан тавсифланади: *Одил ака тарвузи қўлтигидан тушган кишидай ҳанг-манг бўлиб қолди.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) *Чор-ночор қолган Мансур дўстининг турар адреси ва янги фамилиясини олиб, тарвузи қўлтигидан тушиб чиқди.* (Т.Жўраев.Бозор дунё)

Инсоннинг кучли таажжуб ва ҳайратланиш даражаси ёқасини ушламоқ фразеологизми билан ифодаланади: *Ёпирай, ёқасини ушлади Шамси, бундан чиқиш каттакон можарога айланиб кетарканда, а?* (Асад Дилмурод. Кўчки) Ушбу фразеологик бирлик қандайдир кутилмаган, ғайриоддий ҳодисадан ҳайратга тушиб, ёқасини ушлаган кишининг ҳолатини акс эттиради. Нутқда ушбу фразеологик бирлик турли грамматик ўзгаришларда қўлланади: *Кейин шундай акробатик ўйинларга тушиб кетдики, биз ёқа ушлаб қолдик.* (М.Маҳмудов. Оқ гул) *Аммо айна ҳақиқат эканини бир лаҳзагина кўз олдига келтириб, ёқасини ушлаб қолди.* (З.Қуролбой қизи. Аёл) *Бугунги янгилик ҳамманинг ёқасини ушлатиб қўйган эди.* (Ҳамид Элхон. Майнагул)

Экспрессивликсиз ҳеч қандай эмоционаллик бўлмайти ва уларни фарқлаш деярли мумкин эмас. Образлилик ва эмоционаллик ҳам экспрессивликни яратади. Масалан, ўз кўзларига ишонмаслик фразеологик бирлиги одамнинг ҳайратини образли тарзда интенсиф равишда очиб беради: *Бу ҳаммаси Башоратга тушдек туюларди, у ўз кўзларига ишонмас эди.* (Х.Дўстмуҳаммад. Қичқирик) *Оёқ остидан чиқиб қолмоқ* фразеологизми ҳолатни, одамнинг кутилмаган ҳодисаларга муносабатини тавсифлайди: *Кутилмаганда оёқ остидан чиқиб қолган бу марранинг боисини зимдан кутиб туриб англашига қарор қилди.* (Т.Жўраев. Бозор дунё)

Етти ухлаб тушига кирмаслик фразеологик бирлиги ҳайратланиш, олдиндан айтиб бўлмайдиган маъноларни ифодалайди, акс эттирилган маънони тасвирий, интенсиф тавсифлайди. Масалан, *Аммо у ердан Давроннинг етти ухлаб тушига кирмаган нотаниш бир жувон чиқди.* (Б.Бунёд. Опа-сингил) Нутқда баъзан фразеологик бирликка “ҳам” компонентини қўшиш ҳолати ҳам учраб туради, бу унинг маъносини кучайтиради: *Халқ бундай мактабни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди.* (Х.Хушвақов. Каттақўрғон тонги)

Энсаси қотмоқ фразеологик бирлиги ёқтирмаслик, норозилик туйғусини очиб беради: *Назокат суҳбат нимадан бошланганини билмаса ҳам, бу гапдан энсаси қотди.* (Зулфия Қуролбой қизи. Аёл) *Йигит ажабланиб елка қисди.*

Унинг бу ҳаракатидан, қийиқ кўзларидаги, этсиз юзидаги ифодадан энсаси қотганини уқиш мумкин. (М.Маҳмудов. Оқ гул)

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ушбу фразеологик бирликларнинг эмоционал-экспрессив имконияти уларнинг умумий баҳолаш имкониятларидан юқори. Улар номинатив маъно билан бир қаторда коннотатив маънога ҳам эга. Номинатив ва коннотатив маънолар бир-бирисиз мавжуд бўлолмайди, чунки коннотация субъект мазмунидан ташқарида яратилмайди.

Шундай қилиб, шахснинг (одамнинг) ҳиссий ҳолатини ифода этувчи фразеологик бирликлар, денотатив маъно билан бир қаторда, ўзларининг семантик таркибида коннотатив маънони ҳам ўз ичига олади. Фразеологик бирлик маъносининг коннотатив томони –бу унинг ҳиссий ҳолатини образли равишда ифодалашга ҳисса қўшадиган ҳиссий-экспрессив, баҳоловчи хусусиятлардир.

2.2.3. Хавотир, ҳаяжон эмоционал концептли фразео-семантик модел

Инсоннинг хавотирли ҳолатини акс эттирувчи фразеологик бирликлар: *ўтиргани жой тополмаслик (ўзи учун жой тополмайди), ўзини қўйгани жой тополмаслик – жизганаги чиқмоқ, кўнгли гаши (нотинч), юраги гаши (безовта), кўнгли хира (нотинч кўнглининг бир чеккаси гаши (нотинч), юрагини тирнамоқ (ҳаяжон, хавотир, азоб), кўзи тўрт бўлмоқ (безовта кутиши), ичи гаши (ҳаяжон, безовталиқ), юрагига гулгула тушмоқ, юрагига гулгула солмоқ (ичкиликбозлик, ҳаяжон), юраги така-пука (хавотир, қўрқув), юраги қушдай типирчиламоқ (қўрқинчли, титроқ ҳаяжон), оёғи куйган товўқдай (кучли хавотир), тоқати тоқ бўлмоқ (ҳаддан ташқари ҳаяжон) ва бошқалар⁹⁰.*

Бундай фразеологик бирликлар ҳаяжоннинг предмет-мантикий маъносини ифода этади, шу билан бирга коннотатив маъноларни ҳам ифодалайди. Номинант маънога ҳамроҳ бўлган образлилик, эмоционаллик

⁹⁰ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 228 б.

коннотатив маъноларни, субъектив-объектив муносабатларни ҳам ифода этади.

Ўтиргани жой тополмаслик фразеологизми сўзлашув ва кундалик характердаги нотинч одамнинг ҳиссий ҳолатини ифодалайди. Масалан: *Ўтиргани жой тополмай жизганаги чиқиб юрганида манави каллакесар пайдо бўлиб қолди.* (Асад Дилмурод. Кўчки) Ушбу мисолда *ўтиргани жой тополмаслик* фразеологизмидан фойдаланиш билан фикр ифодаси кучайтирилган бўлиб, ҳаяжон, ҳавотир туйғуси биринчи даражага чиққан. Бундай фразеологик бирликлар бир-бирини тўлдиради, баён маъносини ҳиссий жиҳатдан кучайтиради, одамнинг ҳолатини образли равишда тавсифлайди. Ушбу ҳодиса стилистик жиҳати билан ҳам қизик: *ўтиргани жой тополмай, жизганаги чиқиб.* Маълумки, кўплаб фразеологик бирликлар объект, нарса, одам танаси қисмларини ҳайвонлар билан қиёслаш асосида шаклланади. *Оёғи куйган товукдай* фразеологизми (оёқларини куйдирадиган товук сингари) оғриқдан тасодифий шошилиб келаётган товук билан одамни образли таққослаш асосида шаклланган. Қуйидаги мисолларда кучли ташвиш ҳиссини бошдан кечираётган одам ҳаракатлари турлича етказилади: *Омонгулнинг кўз олди қоронгулашиб, оёғи куйган товукдек ҳолатига тушиб қолди.* (М.Маҳмудов.Оқ гул) *Сўрадию яна беш баттар бўлиб, оёғи куйган товукдек зир югуриб қол.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) *Шундан сўнг ўзи ҳам оёғи куйган товукдек типирчилаб, юз ёққа югураверди.* (Р.Жўрақулова. Қайнона ва келин ҳикояси ёхуд заҳар севгига айланди)

Юраги така-пука бўлди (юрак сакради) фразеологизми мажозий ва ҳиссий жиҳатдан кўрқув, ҳаяжонни ифодалайди: *–Оббо, бир балони бошламаса яхши эди, – деб юрагим така-пука бўла бошлади.* (Асад Дилмурод. Кўчки) Нутқда бу фразеологик бирлик эллиптик шаклда бўлмоқ феълисиз ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан: *юраги така-пука.* Бу билан фразеологик бирлик семантикаси сезиларли даражада ўзгармайди: *Бир вақт дарича очилди, юрагим така-пука икки кўзим эшикда.* (З.Қуролбой қизи. Аёл)

Юраги қинидан чиқаёзди фразеологик бирлигининг семантик маъноси инсоннинг ҳиссий ҳолатини, кучли ҳаяжонини ифода этади: *Уйда ўтириш қаёқда дейсан, юрагим қинидан чиқиб кетай дейди.* (Х.Хушвақов. Каттақўрғон тонги) *Қизнинг паранжисини кўриши билан йигитнинг юраги қинидан чиқаёзди.* (Х.Хушвақов. Каттақўрғон тонги) Биринчи мисолда соғинч, иккинчисида кучли ҳаяжон ифода этилган. *Юраги қушдай типирчиламоқ, кўзи тўрт бўлмоқ, тоқати тоқ* фразеологизмлари ҳам ҳаяжон, хавотир ва кутиш ҳиссини билдиради: *Нозиманинг тирик юраги типирчилай бошлади.* (Т.Жўраев. Бозор дунё) *Ҳалима аянинг тоқати тоқ, Юсуфнинг йўлига кўзи тўрт эди.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат)

Шундай қилиб, фразеологик бирликлар персонажларнинг эмоционал ҳолатини ифодалайди, айти пайтда нутқда образли восита бўлиб, экспрессив вазифа бажаради.

2.2.4. Қўрқув эмоционал концептли фразео-семантик модел

Қўрқув эмоционал концептининг синонимик қаторини “ваҳима”, “дахшат”, “ваҳшат” сўзлари ташкил этади. Қўрқув маъносини англатувчи фразеологик бирликлар қуйидаги семантик моделларга ажратилди: қўрқувни англатувчи тана аъзолари ҳолати ифодаси: *юрагини олиб қўймоқ, юраги чиқиб кетди, юраги орқага тортиб кетди, юрагини ёрмоқ, юрагини ҳовучлаб* ва ҳ.к. Қўрқувни англатувчи тана аъзолари фаолияти ҳолати: *нафаси ичига тушиб кетди; юраги пўкиллаб урмоқ; юраги така-пука; юраги шув этиб кетмоқ* ва ҳ.к. Қўрқувни англатувчи юз ифодаси: *қути ўчмоқ, юзи докадек оқариб кетди, ранги қув ўчди* ва ҳ.к. Қўрқувни англатувчи тана аъзолари ҳолати: *тили танглайига ёпишиб қолмоқ; тили айланмай қолмоқ, кесак бўлиб қолмоқ, кўнгли муз бўлиб кетмоқ, совуқ тер босмоқ* ва ҳ.к. Шунингдек, бошқа ҳолатлар: *лабига учуқ тошмоқ; қора терга тушмоқ, эси чиқиб кетмоқ, қўрққанга қўш кўринар, ичи ўтиб кетмоқ* ва ҳ.к. Масалан: *Омонгулнинг нафаси ичига тушиб кетди.* (М.Маҳмудов. Оқ гул.) *Ҳамширанинг ранги қув ўчиб, тили айланмай қолди.* (Зулфия Қуролбой қизи. Аёл.)

Кўрқув субъектив ҳолат бўлиб, образлилик, эмоционал-экспрессивлик, коннотативликни қамраб олади. *Товонигача музламоқ, нафаси ичига тушиб кетмоқ, ранги қув учмоқ, ўтакаси ёрилмоқ*⁹¹ каби фразеологик бирликлар инсоннинг эмоционал ҳолатини гиперболик тарзда акс эттиради.

Ботирлик ва мазмун даражасига кўра унга энг яқин сўзлар “қўрқоқлик”нинг зидлари бўлади. Ўзбек халқ мақолларида кўрқоқ киши куйён, сичқон, қарға, чумчуқ образлари орқали тасвирланади. Келтирилган семантик моделлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин: кўрқув эмоциясининг физиологик намоён бўлиши инсон томонидан назорат қилинмайди; фразеологик бирликларнинг образли асоси физиологик ҳис қилиш, мимика, имо-ишора каби ҳаракатларда акс этади. Семантик гуруҳлар ўзида *юрақ, оёқ, тил, юз, сув* ва ҳоказо конкрет предметларни бириктирган. Мавҳум предметлар фаолияти таъсири инсон танасидаги муайян макон ва ходисаларда воқе бўлади, ушбу жараёнларни тил ёрдамида тасвирлаш орқали мавҳум предметлар идиоматик номга эга бўлади. Ушбу фразеологизмлар кўрқув, даҳшатни бошдан кечираётган одамнинг ҳиссий ҳолатини тавсифлайди. Фразеологик бирликларнинг кўрқув туйғуларини ифода этиши учун уларнинг семантикаси экспрессивлик ва эмоционаллик элементлари билан бойитилган. Бундай фразеологизмлар аксарият ҳолларда ғазаб ҳиссини билдиради. Масалан, *юраги чиқиб кетди* кўрқув ҳиссиётини ифодалайди: *Мен бўлсам отни сўяр эканми деб, худди юрагим чиқиб кета ёзди* (Х.Дўстмуҳаммад. Қичқирик). *Юраги орқасига тортиб кетди* фразеологизми ҳам кучли кўрқув ҳиссини ифодалайди: *Кўчадан иккови ҳам хомуш қайтганини кўриб, юрагим орқамга тортиб кетди.* (Т.Жўраев. Бозор дунё) *Кимсасиз тутзорда оёқ-қўли боғланганича қолишини ўйлаб, юраги орқасига тортиб кетди.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) *Солижоннинг юраги орқасига тортиб эти увишиб кетди.* (Асад Дилмурод. Кўчки)

Мисоллардан кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги образли фразеологик бирликлар инсоннинг турли эмоционал ҳолатларини ифодалашда кенг

⁹¹ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 198 б.

қўлланилади. Ҳиссиётларни ифода этган фразеологик бирликлар турли услубий мақсадларда қўлланилади. Мажозий метафора, метонимия, персонификация, гипербола, таққослаш, эвфемизм асосида қурилган фразеологик бирликларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу фразеологик бирликлар эмоционал кўрқув туйғусини ифодалайди.

Бадий асарлар тилида *қотиб қолмоқ* образли фразеологик бирлиги хайрат, кўрқув туйғусини ифодалайди: – *Севган йигити! Наҳотки! – Ҳамшира турган ерида қотиб қолди.* (Б.Бунёд. Опа-сингил)

Эсхонаси ёрилмоқ фразеологизми кўрқув ҳиссиётини ифодалайди: *Пирманнинг эсхонаси ёрилиб ҳанг-манг бўлиб қолди.* (Ҳамид Элхон. Майнагул)

Лабига учуқ тошмоқ фразеологизми ҳам кўрқув ҳиссини мажозий асосда ифодалайди. Шу билан бирга ушбу фразеологик бирликнинг семантик таркибида комик эффект элементи ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозимки, бу ушбу фразеологик бирликдан функционал ва стилистик мақсадларда кенг фойдаланишга имкон беради: *Энди бу усулдан гапирсанг, эшитганинг лабига учуқ тошади.* (Х.Хушвақов. Каттақўрғон тонги) Кўрқув ҳиссини ифода этиш, кўрқув инсоннинг салбий ҳиссий ҳолатини атайин бўрттириб кўрсатиш учун гиперболанинг образли асосига эга бўлган фразеологик бирликлардан фойдаланилади. Шундай қилиб, *товонигача музламоқ, нафаси ичига тушиб кетмоқ, ранги қув ўчмоқ, ўтакаси ёрилмоқ* каби фразеологик бирликлар инсоннинг ҳодисаларини ёки ҳолатини гиперболик тарзда акс эттиради: *У шундай нарсаларни айтиб бердики, гуноҳ қилиб қўйганимни пайқаб, товонимгача музлаб кетди.* (Т.Жўраев. Бозор дунё) *Лекин бу мажруҳликнинг нима эканини ўз кўзи билан кўргандан кейин нафаси ичига тушиб кетди* (Р.Жўрақулова. Қайнона ва келин ҳикояси ёхуд заҳар севгига айланди). *Бу кутилмаган жавобдан Содиқнинг нафаси ичига тушиб кетди.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) *Йигит бечоранинг ранги қув ўчиб кетган, лаблари пир-пир учади.* (Зулфия Қуролбой қизи. Аёл) *Супада ётган Райҳон холанинг ўтакаси ёрилиб, ўрни устида ўтириб қолди, дағ-дағ титрай*

бошлади. (Б.Бунёд. Опа-сингил. *Мансурнинг ўтакаси ёрилди.* (Т.Жўраев. Бозор дунё) Юқорида келтирилган фразеологик бирликларнинг семантик тузилиши сўзловчининг мулоқот жараёнида нутқ мавзусига нисбатан ҳиссиётини акс эттириш муносабатини ифода этади ҳамда мулоқот жараёнига эмоционал буюқдорлик бағишлайди. Ўзбек тилидаги кўплаб фразеологик бирликларда катъий бириктирилган эмоционал буюқдорлик мавжудлиги уларнинг ёрқин услубий восита сифатида қўлланилишига имкон беради. Улар объект ёки ҳодисанинг турли хил инсоний ҳис-туйғулари, хусусиятлари ва фазилатларини образли, эмоционал-экспрессив ифодалашнинг лингвистик воситаларидир. Фразеологик бирликлар янги нарса-ҳодисани эмас, балки тилда аллақачон номланган нарса, ҳодисаларни образли-эмоционал номлайди, тасвирлайди. Ўзбек тилида таққослаш маъносини ифодаловчи баъзи бирикмалар кўрқув маъносини ҳам англатиши мумкин.

Феъл фразеологизмлар кўрқув модели фразео-семантик майдонни яратади. Фразеологизмлар тилнинг бошқа бирликларидан ўзининг баҳолаш семантикаси, хусусияти, шахснинг ҳиссий ҳолатини ифодалаш билан ажралиб туради. Феълли фразеологик бирликларнинг яна бир жиҳати – инсоннинг кўрқув, даҳшат туйғусини эмоционал тарзда ифодалаш хусусиятидир.

2.2.5. Масхара, нафратланиш эмоционал концептли фразео-семантик модел

Ҳозирги ўзбек тилида шундай антропоцентрик фразеологик бирликлар мавжудки, улар сўзловчининг суҳбатдошга ёки бошқа нутқ объектига нисбатан масхара, менсимаслик муносабатини билдириш учун ишлатилади. Ёзувчилар ўз қаҳрамонларининг ҳиссий кайфиятини тавсифлашда бундай фразеологик бирликлардан моҳирона фойдаланадилар. Худди шу фразеологик бирликлар ўз семантикасида у ёки бу кишига эмоционал баҳо бериб, инсоннинг салбий характерини тавсифлайди. *Тирноққа олмаслик* (бир

тийинга ҳам арзимади) фразеологизми ўзбек тилида одамга нисбатан салбий муносабатни билдириш учун ишлатилади. Ушбу фразеологик бирлик одамнинг ўзига хос хусусиятларидан ташқари шахснинг эмоционал-ҳиссий баҳосини ҳам ифодалайди: *Омонгул уни Бектемирнинг тирноғига олмаслигини билса-да, бари бир рашик қилишдан ўзини тиёлмади.* (М.Маҳмудов.Оқ гул)

Бирор кишига нисбатан нафрат муносабатини *иззати-нафсига тегмоқ* фразеологик бирлиги ифода этади. Масалан: *Бу гап Юсуфнинг иззат-нафсига тегди-да, биров ёқасидан бўғиб ичкарига судрагандай зўрға остона ҳатлади.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) *Мансурнинг бояғи... сен ҳам Самадга қўшилиб дегани иззат-нафсига теккан.* (Т.Жўраев. Бозор дунё) Инсоннинг бошқа одамга нисбатан кескин хурматсизлик, менсимаслик муносабати *юзингда кўзинг бор демай* фразеологик бирлиги ёрдамида ифодаланади. Масалан: *Юзингда кўзинг борми демасдан, қўл силтаб гапиришингиз яхшимас.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) Шу нуқтаи назардан *юзингда кўзинг борми демасдан* фразеологик бирлиги одамнинг салбий ҳаракат хусусиятларини акс эттиради. Фразеологик бирликлар ҳодиса, ҳаракатларни образли ифодалайди, бунда инсон ҳаракатининг эмоционал-ҳиссий характеристикаси ўз аксини топади. Маънони кучайтириш мақсадида фразеологик бирликларнинг турли формал имкониятидан фойдаланиш мумкин. *Қўл силтамоқ* фразеологизми тўғри ва мажозий маъноларда ишлатилиши мумкин. Мажозий маънода фразеологик маънога эга, яъни одамга нисбатан нафрат муносабати маъносини ифодалайди: – *Бошимни қотирмасанг-чи ука, – Мавлонбек ҳафсаласизлик билан қўл силтади.* (Х.Дўстмуҳаммад. Қичқирик) *Бироқ одамлар бечорага қайрилиб қарамайди, унинг гапига пашиша қўригандек қўл силтайди.* (Х.Хушвақов. Каттакўрғон тонги)

Ўзбек тилида *майна қилмоқ* фразеологик бирлиги, кўпинча, масхара қилиш учун ишлатилади. *Майна қилмоқ* фразеологик бирлиги сўзловчининг бошқа шахсга нисбатан мазах, масхара муносабатини билдиради: *Эрталабки*

ташвишларимни қаранг-у, хоҳиш-истагимни қаранг, поччам эшитса роса майна қилиб кулади-да. (Б.Бунёд. Опа-сингил) – *Мана, аризам, – деди у – фақат бу сен айтганингдек ёзилган эмас. Ўйлама, мени майна қилолмайсанлар.* (Ҳамид Элхон. Майнагул) *Танаффусда Мастура уни роса майна қилди.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) – *Майли, мазах қилаверинг, она дейсизми, хола дейсизми... Сизларга майна бўлиб қолибмиз... – аразлаган бўлди Наргиза.* (Т.Жўраев. Бозор дунё)

Оёқ ости қилмоқ (оёқ остига олиш билан боғлиқ ҳаракатнинг образи) феъл фразеологик бирлиги ҳам одамга нисбатан нафрат билан муносабатда бўлиш эмоционал ҳолатини ифода этади. *Йўл солиш савоб, аммо нечун у одам боласининг хотирасини оёқ ости қилиб, ризқ-рўзимизни босиб ўтиши керак?!* (Асад Дилмурод. Кўчки) Оғзаки нутқда масхара қилувчи, нафратланувчи муносабатни ифода этувчи “*кўзим учиб турибдим*” фразеологик бирлигининг семантик таркибида ўткир нафрат ифодаси кўйидаги контекстда кучаяди: *Ҳаммани қўйиб, сизнинг ўзлингизга тегаман деб кўзи учиб турибдим?!* (Р.Жўрақулова. Қайнона ва келин ҳикояси ёхуд захар севгига айланди) Масхара қилиш учун ушбу фразеологик birlik кўйидаги мисолларда ишлатилган: *Одил ака: “Солижонга кўзинг учаётган бўлса, Бухорода кўрсатиб қўяман, – деди.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) *Ҳа, бу ортиқча ташвишга кўзимиз учиб тургандай! - деди Каниза.* (Т.Жўраев. Бозор дунё)

Бундан ташқари, ўзбек тилида масхара қилиш, бепарволик, нафратланиш туйғусини ифодалаш учун бошқа фразеологик birlikларни ҳам ажратиш мумкин. Масалан, *тилини кўрсатмоқ* (тилни кўрсатиш) кўчма маънода ишлатилганда, масхара қилиш, нафратланиш маъносининг эмоционал-экспрессив концентрациясини ифодалашга хизмат қилади: *Қалай бўларкин? – у Садафга гоҳ тилини кўрсатиб, гоҳ қўлларини қулоққа ўхшатиб саланглатганича узоқ иргишлади.* (Б.Бунёд. Опа-сингил) Бундай фразеологик birlikларнинг эмоционаллик даражаси контекстда амалга ошади.

Ўзбек тилидаги бир қатор фразеологик бирликлар одамга нисбатан танбех, ҳурматсизлик муносабатини ифода этишга хизмат қилади, масалан, *юзига солмоқ* ибораси ҳурматсизликни билдиради: *Дадам рўпара бўлиши билан унинг оғзидан ҳақорат устига ҳақорат ёғилди, икки гапнинг бирида келгинди "ит" деб – қизидан эшитган гапларини дадамнинг юзига солди, яна ҳақорат қилди.* (М.Маҳмудов.Оқ гул) Яна баъзи бир мисоллар: *Юзига оёқ тирамоқ* (сўзма-сўз айтганда, оёқларини юзига босиш) бировга нисбатан ҳурматсизликнинг энг юқори шаклини билдиради: *Мен енгилтак ҳислар кетидан эргашиб, сиздек одамнинг юзига оёқ тирадим, изтиробга солдим.* (М.Маҳмудов.Оқ гул) *Ўтурса ўпоқ, турса сўпоқ* ибораси ўзини эплай олмайдиган одамга, унинг ҳаракатларига нисбатан салбий муносабатни билдиради ва асосан оғзаки нутқда ишлатилади: *Ўтурса ўпоқ, турса сўпоқ, деб бечорани чиқиштирмай қўйди.* (Р. Жўрақулова. Қайнона ва келин ҳикояси ёхуд заҳар севгига айланди) *Нафси олинди* (хафа бўлиш) ибораси хафа бўлган одамга нисбатан муносабатни таъкидлайди: *Кутди, хотин йўқ. Кечаги койишдан нафси олинган бўлса, аразлаб кетгандур – деб ўйлади.* (Х.Дўстмуҳаммад. Мувозанат)

Хулоса қилиш мумкинки, масхара, нафрат маъносини ифодаловчи иборалар ўзбек тили фразеологик бирликларининг муҳим қисмини ташкил этади. Ушбу лингвистик бирликлар нафақат инсоннинг ҳиссий ҳолатини ифодалаш учун ишлатилади, балки инсон хатти-ҳаракатларини тавсифловчи манба ҳам бўлиши мумкин. Ушбу гуруҳнинг фразеологизмлари кўп ҳолларда сифатдошга ишора қилади ва шахснинг хулқ-атворини, унинг эмоционал-экспрессив ҳолатини тавсифлашга хизмат қилади.

2.2.6. Ғазаб концептли эмоционал фразео-семантик модел

Ушбу гуруҳнинг фразеологизмлари одамнинг бировга, унинг ҳаракатларига, шунингдек, воқелик ҳодисаларига нисбатан кескин салбий муносабати туфайли вужудга келган безовталиқ ҳолатини акс эттиради.

Ҳозирги ўзбек тилида бундай фразеологик бирликлар, коида тариқасида, одамнинг салбий ҳиссий ҳолатини образли равишда ифодалайди.

Ғазаб эмоционал концептни ифодаловчи “*қаттиқ аччиқланиш, қахр*” маъносини англатувчи сўздан келиб чиққан. Шу билан бирга қахр – “*мажбур қилиш, зўрлик қилиш*” маъносини ҳам англатади. Номакбул хатти-харакатга ёки воқеа-ҳодисага қарши кучли даражада кўзгалган ҳис-туйғу ва шундай ҳис-туйғунинг ифодаси. *Жаҳл, аччиқ, қахр, зарда* лексемалари ғазаб лексемаси синонимлари ҳисобланади. Ғазаб ҳолатини англатувчи юз ранги ва кифа образи: *қовогидан қор ёгмоқ, ранги бўзариб кетмоқ* ва ҳ.к. Ғазаб ҳолатини англатувчи аффект ҳолатининг ифодаси: *жазаваси тутиб оғзидан кўпиклар сочмоқ* ва ҳ.к; ғазаб ҳолатини англатувчи инсон қони қайнаш жараёни ифодаси: *қони қайнамоқ, зардаси қайнамоқ*; ғазаб ҳолатини англатувчи ҳолат образи: *нафаси бўғзига тиқилмоқ, кўзи олаймоқ* ва ҳ.к; ғазаб ҳолатини англатувчи ўхшатиш ифодаси: *сочлари тинпа-тик бўлиб кетмоқ*. Ғазаб ҳолатини англатувчи кўз соққаларининг кенгайиши ифодаси: *кўзларининг пахтаси чиқмоқ, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзмоқ, кўзи ёнмоқ* ва ҳ.к. Инсон нормал фаолияти бузилиши образини англатувчи: *асабига тегмоқ, асаби бузилмоқ*; қайнаш ҳодисаси ифодаси: *қони қайнамоқ, ғазаб билан қайнаган қон зарар билан тинади*; г) табиат ҳодисаси ифодаси: *қовогидан қор ёгмоқ, ичида қуюн пайдо бўлмоқ*.

Ғазабни ифодаловчи фраземаларнинг феъл компоненти когнитив-семантик таҳлил қилинганда этномаданий лисоний онгда “от” образи ясалади: *аччиғи қистамоқ, аччиқ қамчи урмоқ, аччиқ устида; жаҳл устида, ғазабдан тушмоқ; жаҳлидан тушмоқ, ғазабни жиловламоқ, ғазаби қайнамоқ, ғазабини ютмоқ, зардаси қайнамоқ, қони қайнамоқ*. Умуман олганда, ўзбек лингвомаданий жамоасида ғазаб ҳисси олов ва сув (суюқлик) архетиплари билан боғланади. Қайғу, ғазабланиш, безовталиқ маъносини ифода этадиган фразеологизмлар ҳаракат, вазиятларни инсон томонидан тегишли баҳо билан характерлайди. Ҳозирги ўзбек тилидаги фразеологик бирликлардан *юраги сиёҳ бўлмоқ, юракка қил ҳам сизмайди, йигламоқдан бери бўлмоқ, хўрлиги*

келмоқ, доғда қолмоқ, юрак-бағри қон бўлмоқ, зашига тегмоқ, заши келди, ўпкаси тўлмоқ ва бошқалар қайғу, безовталиқ туйғусини бошдан кечираётган одамнинг ҳиссий ҳолатини ифодалайди. Қайд этиш жоизки, ғазаб тамоман салбий эмоция сифатида концептуаллашмайди. Исломи динида ноўрин ғазабланиш салбий баҳоланади, ғазабдаги мўътадиллик мақталган ҳолат, аммо диннинг ахлоқий-маънавий қоидаларига номуносиб ҳолатлар кишининг ғазабини кўзғатганда ҳам ғазабланмаслик нодонлик ҳисобланади. Бундан ғазаб тушунчаси эквивалент хусусиятга эгаллиги англашилади. Ғазабланиш ҳолати инсонда психофизиосоматик ўзгаришларга олиб келади. Донолар бисотида ҳаётни қисқартирувчи таъсирлар орасида кўркиш, ғам, маъюслиқ, зерикиш, рухий тушкунлик, ҳасад, ғазаб, нафрат асосий ўрин тутди. Қаттиқ ғазабланиш оғир касалликларнинг кўзғалишига олиб келиши таъкидланган. Қадимги туркий тилда ғазаб инсон ички органини англатувчи *ўпка* лексемаси билан ифодаланган: *ўпка* – ғазаб; унинг шундай аталишига сабаб ғазабнинг ўпкада пайдо бўлишидир. Бу сўзнинг шу маънода кўлланиши сўзнинг пайдо бўлиш ўрнига кўра келиб чиққандир. Дискурда кўп ишлатиладиган “ўпкангни бос” фраземаси юқоридаги фикримиз далилидир.

Ўзбек адаблари томонидан яратилган муаллифлик фраземаларида ғазаб инсон мусиқа асбоби – *торга*, асаб томирлари тор ипларига қиёсланади ва уларнинг таранг ҳолати кишининг ғазаб ҳолатини ифода этувчи образини келтириб чиқаради: “... *овқатга манзират қилганида титраган товуши тори таранг эканини кўрсатар эди*”. (Абдулла Қаҳҳор. Муҳаббат) Яна бир ҳолатда буюк адиб ғазабни тиш оғриғига қиёслади. Қиёснинг ушбу танлови асоссиз эмас, чунки тиш оғриғи, авваламбор, бошни қақшатади: “...*ғазаб вужудини тиш оғриғидай қақшатаётган Анвар бирон дағал гап айтиб қўймаслиқ учун дарров жавоб бермади*”. (Абдулла Қаҳҳор. Муҳаббат)

Юқорида келтирилган мисоллардаги образлар важоҳатли, ғазабнок ҳайвон (масалан, ит) образида ҳам концептуаллашади: *Маъруфбой Афзалович йўлга чиқаётганларида жуда ғазабга минган, Ниёз Ғиёсович*

*учраб қолгудек бўлса, гажиб ташлайдиган бир аҳволда эди. Шамси шунга маҳтал эди, бирдан жазаваси тутиб, оғзидан кўпиклар сочди: «Кет-чи, кет!» деб Солижонни итариб ташлади. (Асад Дилмурод. Кўчки) Ғазаб ҳолатидаги кишида кузатиладиган титроқликнинг фраземаларда ифодаланган шакли ушбу тадқиқотда учрамаган бўлса-да, бадий матнларда ўз ифодасини топган: *Иброҳим ғазабидан титраб-қақшаб унинг дуч келган жойига мушт тушира бошлади. (Асад Дилмурод. Кўчки) – Кайфинг бор-ку! – деди ғазабдан титраб. (Асад Дилмурод. Кўчки) Ранги бўзариб кетган, энтиккан Фаттоҳ нафаси титраб: – Тўғри ўтиринг, бўйнингиз қийшайиб қолади! – деди. (Асад Дилмурод. Кўчки) Одатда, фразеологик бирликлар лексемалар билан бир қаторда синонимлик ҳосил қилиб, фикр ва ҳолатларни ифода этишга хосланган бўлади. Шу билан бирга, шунини таъкидлаш керакки, фразеологик бирликлар лексик бирликлардан кўра кўпроқ ҳиссий, образли равишда инсоннинг ички дунёсини, унинг ҳиссий ҳолатини акс эттиради. Шу муносабат билан Л.И.Ройзензон ва Ю.Ю.Авалиани “Агар сўз воқелик, ходисалар, фактлар, жараёнларнинг бутун бойлигини акс эттирса, фразеология, аввало, шахслар, ҳиссиётлар, қайғу, қувонч, муҳаббат, дўстлик, зиддият ва кураш мавзулари, сифат хусусиятлари, тажриба ва ҳиссиётлар, психологик ҳолатларни ифода этади”⁹² дея таъкидлаган. Ўзбек тилининг фразеологизмлари инсоннинг ҳиссиётларини, унинг ички дунёсини акс эттиради ҳамда кечинмаларини тушунишга ёрдам беради. Масалан, *юракка қил ҳам сизмайди* фразеологик бирлиги қайғу маъносини ифода этади. “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”да ушбу фразеологик бирликнинг куйидаги вариантлари келтирилган: *юракка қил сизмайдиган, кўнгл(и)га қил сизмайди, юрагига сизмайди*. Уларнинг барчаси мажозий ва ҳиссий жиҳатдан қайғу туйғуларини ифода этади. *Қайғу* маъноси фразеологик бирликнинг денотатив маъноси бўлиб, тасвирийлик ва эмоционаллик маънолари унинг коннотатив маъносидир. Мисоллар: *Барча экинни қайта экадиган бўлиб, ҳеч***

⁹² Л.И.Ройзензон ва Ю.Ю.Авалиани. О разграничении синонимии и вариантности в области фразеологических единиц // Вопросы фразеологии и составления фразеологических словарей: Материалы 9-го Всесоюзного координационного совещания. Баку, 1968. – 145 с.

кимнинг юрагига қил ҳам сизмаяпти. (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат)
Қичқирма-эй, юрагимга қил ҳам сизмай қолди. (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат)
Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилида бир қатор синонимик фразеологик бирликлар қайғу ва соғинчни ифода этиш учун ишлатилади, уларнинг таркибий қисмлари соматизмлар билан боғлиқ бўлиб, улар орасида *юрак* сўзи фаолдир. Масалан, *юраги қон бўлди* фразеологик бирлиги, унинг семантик таркибида *қайғу* маъноси субъектив бўлиб, образлилик, эмоционалликни таъминлашга хизмат қилган. “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”да ушбу фразеологик бирликнинг қуйидаги вариант ва синонимлари берилган: *юрак-бағри қон бўлди, бағр(и) қон бўлди, юраклар қон бўлди, қон бўлган юраклар, қон қилмоқ, юрагини сиқмоқ - юраги сиқилди.*⁹³ Ушбу фразеологик бирликнинг барча вариантлари ва синонимлари қайғу, интизорлик туйғуларини ифода этади. Коннотация туфайли ушбу фразеологик бирликлар ҳиссий ва образли равишда юқори даражадаги ташвишни ифодалайди. Мисоллар: *Юрак-бағри қон бўлган бундай бечора оналар... бутун ер юзида қанча-қанча.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) *Шу бахтсиз онангнинг ярасига туз сепмасанг, юрак-бағрини қон қилмасанг, даданг келтирган хабарни айтаман.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) *...пўст-у устихон бўлди кичиги... Қараб туриб юрак-бағрим хун бўлиб кетади.* (Х.Дўстмуҳаммад. Қичқирик)

Ўпкаси тўлмоқ фразеологизмида соматик компонент ўпка мажозий маънода, ифодали, ҳиссий жиҳатдан инсоннинг қайғу туйғусини ифода этади. Нутқда ушбу фразеологик бирлик *ўпкаси тўлиб* грамматик вариантыда ишлатилади: *Унинг ўпкаси тўлди. Йиғлаб юбормаслик учун лабини тишлади.* (З.Қуролбой қизи.Аёл) *Шундай деб бир неча марта такрорлади, бирдан ўпкаси тўлишиб йўл бўйидаги катта тошга суяниб қолди.* (Х.Хушвақов. Каттақўрғон тонги)

Қайғу туйғусини ифода этувчи *таъби тирриқ* фразеологизми турли грамматик ва лексик вариантларда қўлланилади: *таъби тирриқ бўлди,*

⁹³ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 198 б.

табиати тирриқ бўлди, таъбини тирриқ қилмоқ. Шунингдек, ушбу фразеологик бирлик ўз синонимларига ҳам эга: *таъби хира, кайфи бузуқ, таъби хира бўлди, таъбини хира қилмоқ, кайфи бузилди, кайфини бузмоқ, таъби хуфтон бўлмоқ, таъби намозиом бўлмоқ.* Бу фразеологик бирликлар инсоннинг ҳиссий ҳолатини ифодалашда кенг қўлланилади. Мисоллар: *Кишининг таъби шундай тирриқ бўлдики, пешонангга қўнмоқчи бўлиб, зўнгилаб турган арини қувгандай икки қўлингни силкитганингни билмай қоласан.* (Ҳамид Элхон. Майнагул) *Ўзим билган ўша Омонгулга жуда ачинардим. Таъбим хуфтон бўлиб ётоқхонага қайтдим.* (М.Маҳмудов.Оқ гул) *Аммо Давроннинг қулогига гап кирмас, таъби намозиом эди.* (Б.Бунёд. Опа-сингил)

Аччиқланиш маъноси *умидлари пучга чиқмоқ, умидлари елга совурилмоқ* каби фразеологизмларнинг семантик маъноси орқали намоён бўлади: *Унинг умидлари пучга чиқди. Режалари барбод бўлди.* (З.Қуролбой қизи.Аёл) *Бу уйга келиш олдидан қилган ширин умидлари елга совурилди.* (Р.Жўрақулова. Қайнона ва келин ҳикояси ёхуд захар севгига айланди) Фразеологизм иборасининг семантик ва эмоционал маъносини кучайтириш учун *умидлари пучга чиқмоқ* градация орқали: *умидлари пучга чиқмоқ - умид косаси чил-чил синмоқ* маънолари кучайтирилади. Масалан, *Шу ердасиз-сўрайсиз, кетасиз-унутасиз, – Омонгулнинг кўндан кутган умид косаси энди чил-чил сингани гап оҳангидан маълум бўлди.* (М.Маҳмудов.Оқ гул)

Шундай қилиб, ғазабланиш, афсусланиш, қайғу маъноларига эга бўлган фразеологик бирликлар, асосан, инсоннинг ҳиссий ҳолатини тавсифлайди. Баъзи ҳолларда, шахсни сифат жиҳатдан баҳолаш ҳам ушбу гуруҳ фразеологик бирликларида кузатилади. Ушбу соҳадаги фразеологик бирликлар бадий асарлар тилида кенг қўлланилади, бу ўринда фразеологик бирликларнинг коннотатив маънолари образларни ифодалаш ва бадий образ яратишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Ўзбек тилида ғазаб, нафрат ҳолатини ифода этиш учун энг кўп қўлланиладиган фразеологик бирликлардан бири бу *кўргани кўзи, отгани ўқи*

йўқ фразеологик бирлигидир: *Солижонни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди.* (Асад Дилмурод. Кўчки) *Садафга дилимдаги гапни дангал айтганим, раъйини қайтарганим ёқмади, шекилли, мени кўргани кўзи, отгани ўқи бўлмай қолди.* (Б.Бунёд. Опа-сингил) *Оламда якка-ю ягона бўлиб кўринган, ўтли нигоҳи билан қалбига чўғ ташилаган йигитга энди нафрат билан қарар, уни кўрарга кўзи йўқ эди.* (Б.Бунёд. Опа-сингил) *Абдулло ҳам уни кўрарга кўзи йўқ бўлиб юрибди.* (Ҳамид Элхон. Майнагул) *Уларнинг сени ҳам кўрарга кўзи йўқ.* (Асад Дилмурод.Кўчки)

Ғазаб маъносига эга фразеологизмлар кўп ҳолларда асосий сўз – **кўз** соматизмига асосланган. Ғазабнинг кучли даражаси *кўзларининг пахтаси чиқди* деган фразеологик birlik ёрдамида ифодаланади: *Ранги қув учиб, юпқа лаблари титраб, кўзларининг пахтаси чиқиб кетди.* (Зулфия Қуролбой кизи. Аёл) *Бектемир билан доим хушмуомала бўлган қори кутилмаганда бирдан хўмрайиб, кўзларининг пахтасини чиқарди.* (М.Маҳмудов.Оқ гул) *Яна аравами? – деди Мансур, кўзининг пахтаси чиқиб.* (Т.Жўраев. Бозор дунё) Ғазаб, нафрат ва кўркувнинг маъноси *кўзлари қинидан чиқаёзди* фразеологик birlikгига хосдир. *Бошини кўтариб, хотинига елкаси оша сизир қараши қилди: унинг кўзлари қинидан чиқиб кетай дерди.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) – *Бу ёққа кирса, майлими!” – А?! – Мавлонбекнинг кўзлари қинидан чиқаёзди* (Улуғбек Ҳамдам. Қичқирик). *Ерда судралиб бораётган олачипор илонларни кўраркан, унинг кўзлари қинидан чиқаёзди.* (Б.Бунёд. Опа-сингил)

Кузатишлар шуни кўрсатадики, *кўзлари қинидан чиқаёзди* фразеологик birlik баъзан ўзгартирилган шаклда ишлатилади: *кўзлари косасидан чиқаёзди*, бу *кўзлари қинидан чиқаёзди* фразеологик birlikнинг лексик вариантдир. Бунда *қин* лексик таркибий қисмини *коса* билан алмаштириш фразеологик birlik семантикасини жиддий равишда ўзгартрмайди. Шахснинг ғазабланган ҳолатини тавсифлаш учун иккала фразеологик birlik ишлатилади: *Унинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудек бўлиб чақчайган, гезарган лаблари тинимсиз пичирларди.* (Ҳамид Элхон. Майнагул)

Ғазабланган одамнинг ҳиссий туйғуси *кўзига қон қуйилмоқ*, *кўзига қон тўлмоқ* (сўзма-сўз айтганда, кўзлар қонга ботган) фразеологик бирликлари билан ифодаланади. *Келин ички бир мудҳиш ҳаяжон билан кўзига қон тўлиб турган бўлса ҳам, баҳона топа олди* (Р.Жўрақулова. Қайнона ва келин ҳикояси ёхуд заҳар севгига айланди). *Кўзимга қон тўлиб кетди, дир-дир титрайман, кейин йигитларнинг айтишига қараганда, буралаб сўкармишман.* (Асад Дилмурод. Кўчки) *Унда ўша ҳодисаларнинг ёвуз ҳирси уйгонган, кўзига қон тўлиб кетган эди.* (Асад Дилмурод. Кўчки) Бадий асар тилида ушбу фразеологик бирликлар фақат салбий қаҳрамоннинг ҳолатини тавсифлаш учун ишлатилади, бу фақат одамнинг салбий хусусиятларини таъкидлашга ёрдам беради.

Ҳаддан ташқари ғазабланган одамнинг ҳиссий ҳолатини *тепа сочи тик бўлиб кетмоқ* (сочлар тик турди) ибораси орқали етказиш мумкин. Бу одамларни, ҳодисаларни, ҳаракатларни баҳолашда ортиб бораётган салбий муносабатни билдиради. Мисоллар: *Одил ака Содиқнинг лойиҳасини танқид қилмоқчи эканини эшитиб, тепа сочи тикка бўлди.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) *Шикоят билан батафсил танишиб чиққан Юсуфнинг тепа сочи тикка бўлди.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) *Дугонасига қарши шунақа ишлар қилган эканки, тунов кун биттасидан эшитиб тепа сочим тикка бўлди, товонимгача музлаб кетди* (Б.Бунёд.Опа-сингил). Сўнгги мисолда *товонимгача музлаб кетди* фразеологик бирлиги кучли кўрқув маъносида ишлатилган, аммо бу ҳолда фразеологик бирлик ғазабланиш туйғуларини акс эттиради: *Корхона қоровулининг икки қўлини бурнига тиқиб, қуп-қуруқ чиқиши кўчада кутиб турган Бектемирнинг тепа сочини тик қилиб юборди* (М.Маҳмудов.Оқ гул). Ўзбек тилида кучли ғазабланиш ҳисси билан феъл фразеологик бирлик ишлатилади: *газаби қайнамоқ* - *газабга келмоқ*, *қони қайнамоқ* (*нафрат қайнаб, қон қайнатилган*): *Бу Нозиманинг газабини қайнатди шекилли, эрталабдан ҳаммага заҳрини сочди* (Т.Жўраев. Бозор дунё). *Канизанинг бепарвогина қайтарган жавоби Самаднинг газабини қайнатди* (Т.Жўраев. Бозор дунё). *Карикатура, албатта, домланинг*

тарафдорларини ғазабга келтирди (Х.Хушвақов. Каттақўрғон тонги).
Кейинги насиҳатомуз гапи қонини қайнатиб юборди. (Т.Жўраев. Бозор дунё).

Қовогидан қор ёғмоқ фразеологик бирлиги одамга нисбатан ғазаб ҳолатини образли равишда ифода этади. Мисол: *Султон бурнидан тортса йиқилгудек силласи қуриб уйига етиб келганида вақт алламаҳал бўлган, Мавлонбек қовогидан қор ёғиб ўтирарди.* (Х.Дўстмуҳаммад. Қичкирик).
–*Мунча қовогингиздан қор ёғилмаса, дадаси. Жуда осмон узилиб ерга тушибдимми?! (Т.Жўраев. Бозор дунё) Тўрт олган кун биз айбдордек қовоқ-димогидан қор ёғади, овқат унут, то саҳар чирози учмайди.* (М.Маҳмудов.Оқ гул) –*Ҳеч-да, қовогини солганча, бошини эғиб, алланарсани ёза бошлади қиз.* (Б.Бунёд. Опа-сингил) *Тавба, арзимаган нарсага, қовоқ-тумшуқ қилиб юрибди.* (Р. Жўрақулова. Қайнона ва келин ҳикояси ёхуд заҳар севгига айланди)

Мисоллардан кўриниб турибдики, ғазабланиш маъноларини ифодалаш учун фразеологик бирликлардан мулоқот жараёнида умумий мазмунини бойитиш, ғазабланиш ҳиссини кўрсатиш учун фойдаланилади. Фразеологик бирликни турлича ўзгартириш маълум услубий таъсирга эришишга имкон беради. Масалан, *димог сўзи қовоқ-димогидан қор ёғади* фразеологизмининг таркибига киритилган ва бундай ҳолатларда лексик таркибий қисмлардан бирини алмаштириш ёки янгисини қўшиш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек тилида ғазабланиш маъноларига эга фразеологик бирликлар турли шаклда қўлланади. Улар образлилиги, экспрессивлиги билан ажралиб туради ва экспрессив восита сифатида ишлатилади. Ушбу соҳанинг фразеологизмлари ғазабланган одамнинг ҳолатини тегишли эмоционал-баҳоловчи рангда ифодалайди ва шу билан нутқ мавзусига салбий муносабатни билдира олади. Структуравий ва грамматик хусусиятларга кўра, ушбу семантик соҳадаги фразеологик бирликлар кўп ҳолларда феълларга мурожаат қилади ва инсоннинг ҳаракатларини, унинг ҳиссий ҳолатини очиб беришга хизмат қилади.

2.2.7. Таҳдид, лаънат эмоционал концептли фразео-семантик модел

Ушбу гуруҳнинг фразеологизмлари инсоннинг ҳиссий ҳолатидан келиб чиққан таҳдид, лаънатни ифодалашга хизмат қилади. Қоида тариқасида, таҳдид ва лаънатлар одамга қаратилган: *дўқ урмоқ* (таҳдид қилиш, кўркитиш) *онасини кўрсатмоқ* (онасини кўрсатиш учун), *онасини учқўрғондан кўрсатмоқ* (таҳдид маъносида), *ваҳима солмоқ - юрагига ваҳима солмоқ* (ваҳима кўтариш) ва ҳ.к.

Тилимизда лаънат маъносини англададиган кўп сонли фразеологик бирликлар ҳам мавжуд, масалан, *дийдоринг қурсин, ер юткур, кўзимдан йўқол, гўрингда тўнғиз қўпқир, бети қурсин, гўрига гишт қаламоқ, уйинг куйсин, кўзинг кўр бўлсин, кўзингга қарасанг ўлармидинг, исқотларига буюрсин, падарингга минг лаънат, бузилиб ўлсин, илоё косаси оқармасин* ва бошқалар.

Ушбу фразеологик бирликлар инсоннинг салбий ҳис-туйғуларини ифодалайди. Масалан, *дўқ урмоқ* фразеологик бирлиги таҳдидни ифодалаш учун ишлатилади: “*Сиз мени ким деб ўйладингиз*”?! – *деб дўқ ура бошлади йигит*. (Ҳамид Элхон. Майнагул) Ўзбек тилида худди шу мақсадларда фразеологик бирликлар, кўпинча, *онасини кўрсатмоқ, онасини учқўрғондан кўрсатмоқ* маъноларида ишлатилади: *У номардга онасини Учқўрғондан кўрсатаман*. (Ҳамид Элхон. Майнагул.) *Ана шу саволга жавоб топиб бера олмасангиз – онангизни учқўрғондан кўрасиз*. (Асад Дилмурод.Кўчки.) Кўпинча, ёзувчилар бир хил фразеологик бирликни ўзгартирилган шаклда, диалектал сўзлардан моҳирона фойдаланиб ифодалайдилар: *Жаҳли чиқиб турганда рўпара келмабсиз. Нақ онангизни учқўрғондан кўрсатиб қўяди*. (Р.Жўрақулова. Қайнона ва келин ҳикояси ёхуд захар севгига айланди.) Ушбу фразеологик бирлик эллипсис ҳолатида ҳам қўлланади: *Келсин-чи, деди Нормурод онасини кўрсатарман. Булар бизнинг шунча ҳосилимизни, экинзимизни нобуд қилдилар*. (Х.Хушвақов. Каттақўрғон тонги.) *Сени қараб тур ҳали, кўрсатаман сенга*. (Зулфия Қуролбой қизи.Аёл.) – *Тагин мени*

ташлаб, а? Учқўргондан кўрсатаман – деди муштини дўлайтириб.
(М.Маҳмудов.Оқ гул.)

Ёзувчилар кулгили ҳолат яратиш учун, кўпинча, бундай фразеологик бирликлардан фойдаланишади. Таҳдид ва лаънатни ифода этувчи иборалар, одатда, сўзлашув нутқиға хос бўлиб, бошқа фразеологик бирликлардан экспрессивлиги ҳамда стилистик бўёғи билан сезиларли фарқ қилади. Амалдаги сўзлашув фразеологик бирликларининг деярли барчаси нутқни осонлик, соддалик билан ўзлаштиришга ёрдам беради. Диалектизм, жаргон, варваризм таркибий қисмларига эга фразеологизмлар коннотатив маъно борлиги билан ажралиб туради. Масалан, диалектизм асосида *энасини Учқўргондан кўрсатмоқ*⁹⁴ фразеологик бирлиги пайдо бўлди. Сўз бирикмалари асосида варваризмлардан фойдаланган ҳолда кўпол иборалар яратилади: *исқотларига буюрсин, дийдори қурсин, бузилиб ўлсин* ва бошқалар.

Ўзбек тилида баъзи фразеологик бирликлар лаънатни ифода этади. *Дийдоринг қурсин ёки бетинг қурсин* фразеологизмлари, номинатив маънолардан ташқари, нутқ объектиға ҳиссий муносабатни ифода қилади. Ушбу фразеологик бирликлар тез-тез оғзаки нутқда ишлатилади: *Тур, тур-ей, дийдоринг қурсин, сен ҳам имонингдан ажрабсан.* (Асад Дилмурод. Ранг ва Меҳвар) *Шоди паттачи бетоқат чимирилди: – Сўрама шуни дийдори қурсин юргандир бир қавакда.* (Зулфия Қуролбой қизи. Ёмғирли ўлка) *Қани у қаёқда, башарасини бир кўрсам? Бети қурсин, не қиласан кўриб, чўчқага ўхшайди.* (Улуғбек Ҳамдам. Сабо ва Самандар)

Ер юткур фразеологизми, лаънат айтганда, нутқ объектиға нисбатан ҳиссий муносабатни билдиради: *Ҳой қоч, ер юткур, уйға кирларинг! Энди нима қиламан?* (Улуғбек Ҳамдам. Сабо ва Самандар) Қуйидаги фразеологик бирликларнинг семантик таркибида таҳдид ва лаънат маънолари бирлаштирилган: – *Ҳўв меровсирамай ўл; аҳмоқ! Эси наст, кўзингга қарасанг*

⁹⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 225 б.

ўлармидинг! У хотинининг юзи-кўзи аралаш шапалоқ тортиб юборди: – Сенинг терингни шилиб олмасамми! (Х.Хушвақов. Каттакўрғон тонги)

Фразеологик бирликларнинг семантик таркибида лаънат ва қайғу маъноларини бирлаштириш ҳолатлари мавжуд: *Ундан кўра, бола чақам билан очимдан қирилиб кетарман! Илоё ўша ҳаром-харишлари исқотларига буюрсин! (Ҳамид Элхон. Майнагул) Онаси косани оларкан, билинар-билимас бош ирғади: – Бошқа нимаям қилардим? Отаси бечора титраб-қақшаб қарғади, у дунёю бу дунё рози эмасман, илоё косанг оқармасин, деди. (Х.Хушвақов. Каттакўрғон тонги)* Бундай фразеологик бирликлар нотикнинг ички рухий ҳолатини, унинг ғазабини, норозилигини беради.

Маълумки, оғзаки нутқда мулоқот жараёнида эллипсиснинг турли хил кўринишлари учрайди. Шу билан бирга, ифода этилган фикрнинг тўлиқлигини бериш учун фразеологик бирлик таркибига қўшимча сўз ёки ибораларни киритиш ҳам мумкин, бу эса фразеологик бирликнинг семантик томонини ойдинлаштиради. Масалан, *онасини кўрсатмоқ – онасини Учкўрғондан кўрсатмоқ, қуръон урсин – юз пора қуръон урсин, падарингга лаънат – падарингга минг лаънат: “Оббо касофат-эй! – деб юборди хаёлан. – Падарингга минг лаънат, Ниёз Фиёсович! Сенга дарс берган устозларингга ҳам минг лаънат. (Асад Дилмурод. Кўчки)*

Шундай қилиб, сўзлашув нутқида таҳдид ва лаънат маъносига эга фразеологик бирликлар кўпроқ учрайди. Лексик ва грамматик хусусиятларига кўра, ушбу гуруҳнинг фразеологик бирликлари оғзаки нутқда кўпроқ ишлатилади. Семантик жиҳатдан улар инсоннинг хатти-ҳаракатларини ҳиссий жиҳатдан экспрессив ранг бериш билан тавсифлайди. Ушбу фразеологик бирликлар кўпинча бадиий адабиётда диалогик нутқда учрайди.

2.2.8. Хиждолат ва уят эмоционал концептли фразео-семантик модел

Ушбу бўлимдаги фразеологизмлар шармандалиқ, ўз ёки бировнинг сўзлари ва ҳаракатларидан уялишни бошдан кечираётган одамнинг ҳиссий

ҳолатини акс эттиради. Лексик ва грамматик тузилишига кўра, улар феъл туркумига киради: *етти номуси ерга букилмоқ, ерга кириб кетмоқ, бошини хам қилмоқ, ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади, йигитнинг уялгани, ўлгани, ерга қаратмоқ.*⁹⁵ Масалан, *етти номусини ерга букмоқ* (сўзма-сўз билан айтганда, етти виждон билан ерга эгилиш) фразеологик бирлиги кимнингдир хатти-ҳаракатлари учун уялишни ифодалайди: *Ахир, деди онаси, мен энди қандай қиламан?! Етти номусимни ерга букдинг, жувонмарг.* (Б.Бунёд. Опа-сингил) *Шунингдек, ерга кириб кетмоқ* (уятдан ерга тушиш): *Мен зилзамбил бўлиб, ерга кириб кетай дедим.* (Б.Бунёд. Опа-сингил) *Бунда ерга кириб кетмоқ* фразеологик бирлиги шармандалик хиссини кучайтиради. *Мансурнинг ҳаққоний сўзи, ҳукми Нозимани ерга киргизиб юборди.* (Т.Жўраев. Бозор дунё)

Ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмаслик фразеологизми (сўзма-сўз айтганда, ер ёрилиб, ер остига тушсин) ҳам шармандалик ва хижолатни акс эттиради: *Ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим.* (Улуғбек Ҳамдам. Сабо ва Самандар) *Башорат мукофотни олишга олди-ю, ер ёрилмади-ю ерга кириб кетса.* (Х.Дўстмуҳаммад. Қичқирик) *Бечоралар шунча ўсал бўлишдики, ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетишмади. Кўчага зўрга чиқиб олишди.* (М.Маҳмудов. Оқ гул).

Юзини ерга қаратмоқ, юзини шувут қилмоқ фразеологизми кимнингдир шарманда бўлганлиги, боши хам бўлганлигини билдириш мақсадида ишлатилади. Мисоллар: *Юзимни шувут қилганинг етмай, тириклайин жудо қилдинг.* (Б.Бунёд. Опа-сингил) *...ота онасининг юзини ерга қаратганидан кўнгли ранжир эди.* (Б.Бунёд. Опа-сингил) *Бошини хам қилмоқ* фразеологизми ҳам ўз сўзидан ўзи уялиб қолиши, мулзам бўлиш маъноларини англатади: *Арзимаган иш деб бошимни хам қилманг.* (Ҳамид Элхон. Майнагул)

⁹⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 278 б.

Оғзаки нутқда кўпинча *йигитнинг уялгани ўлгани* фразеологик бирлиги ишлатилади (сўзма-сўз айтганда, йигит учун уят ўлимга ўхшайди): *Тушингизни сувга айтинг! Йигитнинг уялгани – ўлгани.* (Зулфия Куролбой кизи. Ёмғирли ўлка)

Шундай қилиб, нутқда уят, хижолатни ифода этадиган фразеологик бирликлар кўпроқ учрайди. Функционал ва услубий хусусиятларига кўра, улар сўзлашув ва кундалик нутқда кенг қўлланиб, ёзувчилар томонидан персонажларнинг турли услубий ва нутқ хусусиятларини ифодалаш, баҳолаш учун фойдаланилади.

2.2.9. Азобланиш, қайғу эмоционал концептли фразео-семантик модел

Маълумки, *қайғу, азоб, азият* ўзбек маданиятида таянч эмоционал концептлардан бири ҳисобланади. *Қайғу* экстралингвистик абстракт объект ва психик констант сифатида муайян омиллар таъсирида инсонда салбий баҳоланадиган физиопсихосоматик деструктив ҳолатни пайдо қилади. Ушбу эмоция мисолида новербал ёки физиологик экстериоризация (*кўз ёши, юзнинг сўлгинлиги*) ва вербаллашув усуллари (*ғам, бағри тешилмоқ*) билан икки семиотик тизимнинг амалда яхлит шаклда намоён бўлишини кўрамыз. Ўзбек лингвомаданиятида қайғу (*бағирни тешувчи, бағирни қон қилувчи, ични кемирувчи, ични таталовчи, юракни тирновчи, сиқувчи, эзувчи*) тирик мавжудот сифатида тушунилади. Концептуализациянинг маданий ўзига хослиги тил бирликларининг маъно компонентлари таркибида, ички шакли танловида, кўп маъноли сўзлар семантик структурасининг динамикасида, антонимик, синонимик, деривацион парадигмалар маъноларида, номлаш усулларида танлови, луғавий дефиницияларни қиёслаш ва ҳоказоларда намоён бўлади. Концептуализациянинг ўзига хос хусусиятлари эмоцияни ифодаловчи лексема шаклли концептнинг семантик структурасида ҳам акс этади.

Ўзбек лингвомаданиятида *қайғу* қуйидагича изоҳланади: 1) бошга тушган руҳий азоб; ғам, мусибат. 2) кўзланган мақсад йўлидаги безовталиқ

хатти-ҳаракати, ўй-фикр; ташвиш, ғам (ЎТИЛ). Бахтсизлик, жудолик туфайли содир бўладиган рухий азоб (ЎТИЛ, 263). Бунда қайғу “рухий азоб”, “безовталиқ хатти-ҳаракати” психофизиологик семемалари билан объективлашади. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от “*ғам-алам чекмоқ*” маъносини англатувчи *қаз* – феълидан ясалган бўлиб *қазғу, қадғу* тарзида талаффуз қилинган [ЎТЭЛ 2000:515]. *Ғам, ташвиш, кулфат, мусибат, алам, андуҳ, мунг* ва *доғ* лексемалари *қайғу* лексемасининг синонимик қаторини ташкил этади. *Ғам, ташвиш* нутқда кўп қўлланилади. *Кулфат, мусибат* маънони кучли даражада ифодалайди. *Андуҳ, мунг* эскирган, китобий. Қайғу инсонга деструктив таъсир кўрсатишидан келиб чиқиб *қайғу* лексемасига ўзақдош сифатида ҳозирги ўзбек тилидаги “қазимоқ” феълининг тасаввурли маъноси “бутунликнинг муайян бир қисмини олиб ташлаш” тушунилса, мақбул деб ҳисоблаймиз. Эмоционал концепт тузилишида образ-баҳоли компонент етакчилик қилса, лексик бирлик эмотивдир, агарда мантиқий компонент доминантлик қилса, нейтрал вербалли лексик бирлик ҳисобланади. Баҳо-образли компонентлардан ташкил топган тузилишга эга лексик бирлик концептнинг марказида, логик компонентли нейтрал лексик бирлик унинг перифериясида жойлашади: *қон ютиб юрмоқ, ўргимчак уясига тушган паишадек* концепт ядросида жойлашса, *жони борнинг ғами бор, қайғу қаритар, ғам ўлдирар* кабилар концепт перифериясидан ўрин олади. Коммуникацияда конкрет ва эмоционал образнинг қўлланиши реципиентнинг вербал нутқий ифодага реакциясини белгилайди. Фразеологик номинация ўзига хос микроматн сифатида семантик-прагматик хусусиятли образлилик кўринишига эгаллиги сабабидан экспликацияланган концепт тил соҳибида кенг ва чуқур фикр юритиш, коммуникацияда эса лингвопсихологик фациянацияни ҳосил қилади. Мисол тариқасида, фразеологик шаклланган эмоционал концептнинг баҳо-образли коннотациясини иллюстрацияловчи, структурасида *қайғу* лексемасини сақловчи бир неча мақолларни кўриб чиқамиз: а) *Деворни нам йиқитар, одамни – ғам*, б) *Иссиқ чўпни қуритар, қайғу эрни қаритар*, в) *Занг*

темирни кемирар, зам-одамни, з) Қайғу – умр эгови, д) Юраги тўлганнинг йиғиси кўп. Ўзбек лисоний онгида *қайғу* концепти табиат унсурлари бўлган сув (нам), олов (иссиқ) билан ассоциациялашган. *Қайғу* лексемасининг ўзбек лисоний жамоасида бир синтагматик қатордаги салбий коннотацияланадиган *йиғи, занг, эгов* билан қўлланиши баҳолаш тавсифини етарлича образли очиб беради. Орттирма нисбатдаги феъл-кесим лексема *қуритмоқ* салбий бўёқли кўйидаги маъноларни англатади: “хўл, намликдан холи бўлмоқ, қуруқ ҳолга келмоқ; ривожланиш, кўкаришдан тўхтамоқ; бутунлай тугамоқ, йўқ бўлмоқ; битмоқ. [ЎТИЛ:381]. *Қаритмоқ*: Жисмонан қарилик даврига хос ҳолатга тушмоқ; эскириб, ўз умрини тугатмоқ, тугатиш босқичига ўтмоқ; хазон бўлмоқ, сўлмоқ [ЎТИЛ:248]. *Йиқитмоқ*: устун келмоқ; куч билан ерга ётқизмоқ. Балангликдан пастликка тушириб юбормоқ; куч билан қулатмоқ ағдармоқ; ағнатмоқ, бузмақ [ЎТИЛ :271] девор намдан қандай йиқилса, ғам, қайғу ҳам инсонни барвақт кексайтириб, қувватдан кетказди. Ўзбек лисоний онги *қайғу* концептида инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолатига эътибор қаратиб, ушбу эмоциянинг психосоматик таъсирини ёрқин ва экспрессив тасвирлайди. *Занг* ва *эгов* образлари орқали *қайғу* “емириш ғояси” билан ассоциацияланади. Емириш инсоннинг танаси ҳам қалбига нисбатан воқе бўлади. *Занг* сувда ёки ҳавода оксидланиш туфайли металллар сиртида ҳосил бўладиган ва уни емирадиган қизил-кўнғир рангли ғовак қатлам, парда. Қайғу инсоннинг ўз хатти-ҳаракати ёки окултус кучлар сабабидан ҳосил бўлиб, инсонни психосоматик жиҳатдан емиради.

Қайғу маъноли фразеологик birlikларни кўйидаги семантик моделларга ажратдик:

1.Қайғу ҳолатини англатувчи тана ичи ва ички органлар физик ўзгариши: *ичини мушук таталамоқ, юрагини сиқмоқ, юрагини тирнамоқ, юрагини эзмоқ, жигари эзилмоқ; ичини кемирмоқ; кўнгли вайрон бўлмоқ; ўпкаси тўлди* ва ҳақ. «*Сени ўйлаб бағрим тилим-тилим менинг*» [М.Юсуф, 2018:37]

2.Қайғу ҳолатини англатувчи тананинг ориқлаши: *суръати юрмоқ, чигирткадек қотиб кетмоқ.*

3.Қайғу ҳолатини англатувчи тана ичи ва органларининг ёниши: *ичи пишиди, жигар-бағри кабоб бўлмоқ, ўз ёзига ўзи қовурилмоқ, тутантириқ бўлмоқ, ичи куймоқ.*

4.Қайғу ҳолатини англатувчи юз ранги ва шакли ўзгариши: *маъюс бўлмоқ, ранги сомон бўлмоқ.*

5.Қайғу ҳолатини англатувчи заҳарли модда ютмоқ: *заҳар ютмоқ.*

6.Қайғу ҳолатини англатувчи физиологик экстериоризация: *кўз ёшлари маржон бўлиб оқмоқ, қон йиғламоқ, йиғламоқдан бери бўлмоқ* ва ҳок. «Аммо бу кун даврага // Отилди у қон йиғлаб» [М.Юсуф, 2018:32]

7.Қайғу ҳолатини англатувчи тана ичи ва органларида меъёрдан ортиқ қон унсури: *қон ютиб юрмоқ; юраги қон бўлмоқ; юраги қонга тўлди; бағри қон* ва ҳок. “Куяр экан, тунлар қон // Ютар экан қизлар ҳам” [М.Юсуф, 2018:5]

8.Қайғу ҳолатини англатувчи маконнинг тор ва нурсиз кўриниши: *олам кўзига қоронғи бўлиб кетди; оламни тор қилмоқ, оламни кўзига тор қилмоқ; ичига чироқ ёғса ёришмайди* ва ҳок.

9.Қайғу ҳолатини англатувчи нафас олиш ритмининг ўзгариши: *дами ичига тушмоқ* ва ҳ.к.

